ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ

5340900 “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”

йўналиши талабалари учун

“БОШҚА ТАРМОҚЛАРДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ”

фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

ТОШКЕНТ-2012

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” факультети
илмий кенгашида муҳокама қилинган ва маққулланган
Кенгаш раиси _____ и.ф.н. Ў.Т. Эшбоев
“____” _____ 2012 й.

“ТАВСИЯ ЭТИЛГАН”
“Иқтисодий таҳлил ва аудит” кафедраси мажлисида
муҳокама қилинган ва тавсия этилган
Кафедра мудири _____ проф. Б.А. Ҳасанов
(мажлиснинг – сонли баённомаси)
“____” _____ 2012 й.

Тақризчилар:
1. Ахмаджонов К.Б., и.ф.н., ТДИУ “Иқтисодий таҳлил ва аудит” кафедрасининг доценти.
2. Абдувохидов Ф. “Бухгалтерия ҳисоби” кафедрасининг доценти.

Тузувчилар:
1.© Ходжаева М.Х. и.ф.н – ТДИУ “Иқтисодий таҳлил ва аудит” кафедраси доценти.
2. Шоалимов А.Х. и.ф.н – ТДИУ “Иқтисодий таҳлил ва аудит” кафедраси доценти.
3. Илхомов Ш.И. – ТДИУ “Иқтисодий таҳлил ва аудит” кафедраси доценти.
4. Тўраев О.Р. – ТДИУ “Иқтисодий таҳлил ва аудит” кафедраси ассистенти.

Мундарижа

1 - мавзу. Қурувчи ташкилотларининг хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлили. 6

1.1. Қурилиш ташкилотларининг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда таҳлилнинг аҳамияти ва вазифалари..... 6
1.2. Асосий фондларнинг ишга туширилиши ва қуввати бўйича бизнес-режанинг бажарилишини таҳлили.....9
1.3. Қурилиш объектларни давомийлигини таҳлили 11
1.4. Тугалланмаган қурилиш объектлари ҳолатини таҳлили 11
1.5. Капитал қўйилмалар бўйича бизнес-режанинг бажарилишини таҳлили. 12
1.6. Умумий хулоса. 14
1.7. Мавзуга доир калит сўзлар..... 15
1.8. Талабаларнинг билимларини текшириш саволлари..... 15
1.9. Ахборот-услубий таъминот..... 16

2 - мавзу. Қурилиш-монтаж ишлари билан шуғулланувчи пудрат ташкилоти хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлили.....16

2.1. Иқтисодий таҳлилнинг вазифаси ва манбалари..... 17
2.2. Пудрат ишларини иш ҳажми бўйича бизнес-режанинг бажарилишини таҳлили. 18
2.3. Меҳнат омилларининг таҳлили. 20
2.4. Меҳнат воситалари омилларини таҳлили..... 23
2.5. Қурилиш ишларини саноатлаштириш бўйича бизнес-режанинг бажарилишини таҳлили..... 26
2.6. Молиявий натижалар ва рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлили 33
2.7. Молиявий ҳолат таҳлили..... 36
2.8. Умумий хулоса. 38
2.9. Мавзуга доир калит сўзлар..... 39
2.10. Талабаларнинг билимларини текшириш саволлари..... 39
2.11. Ахборот-услубий таъминот..... 40

3 - мавзу. Қишлоқ хўжалик ташкилотларининг хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлили.....40

3.1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини таҳлил қилишда таҳлилнинг аҳамияти ва вазифалари..... 41
3.2. Дехқончилик бўйича ишлаб чиқариш дастурининг бажаралиши таҳлили. 42
3.3. Чорвачилик бўйича ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини таҳлил қилиш..... 44
3.4. Меҳнат омиллари таҳлили 46
3.5. Меҳнат воситалари омиллари таҳлили 48

3.6. Ер-сувдан фойдаланиш таҳлили 51
3.7. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таннархининг таҳлили 52
3.8. Молиявий натижалар таҳлили. 54
3.9. Молиявий ҳолат таҳлили 57
3.10. Умумий хулоса 58
3.11. Мавзуга доир калит сўзлар 58
3.12. Талабалар билимларини текшириш учун саволлар. 58
3.13. Ахборот-услубий таъминот 59

4 - мавзу. Савдо ташкилотлари хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлили. 60

4.1. Савдо ташкилотлари хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда таҳлилнинг аҳамияти ва вазифалари 60
4.2. Товар айланиши бўйича бизнес-режанинг бажарилишини таҳлили. 61
4.3. Маҳсулот айланмаси ҳажмига таъсир қилувчи асосий омиллар таҳлили. 64
4.4. Муомала харажатлари таҳлили. 67
4.5. Молиявий натижалар таҳлили 70
4.6. Молиявий ҳолат таҳлили. 73
4.7. Умумий хулоса 74
4.8. Мавзуга доир калит сўзлар 74
4.9. Талабаларнинг билимларини текшириш учун саволлар 74
4.10. Ахборот-услубий таъминот 75

5-мавзу. Қурилиш ташкилотларида аудит хусусиятлари 73

5.1. Капитал қўйилмаларни аудит манбалари ва вазифалари 74
5.2. Пудрат ва хўжалик усулида бажариладиган капитал қўйилмаларнинг аудити 76
5.3. Тугалланган капитал қўйилмаларни ҳамда асосий воситалар ва қувватларни ишга туширишнинг аудити 78
5.4. Тугалланмаган капитал қўйилмаларни аудити 79
5.5. Пудратчилар билан ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини аудити 81
5.6. Умумий хулоса 82
5.7. Мавзуга доир калит сўзлар 82
5.8. Талабаларнинг билимларини текшириш саволлари 83
5.9. Ахборот-услубий таъминот 83

6-мавзу. Қишлоқ хўжалигида аудит хусусиятлари 84

6.1. Қишлоқ хўжалигида аудитнинг манбалари ва вазифалари 84
6.2. Қишлоқ хўжалигида харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляциялашни текшириш 86

6.3. Деҳқончилик ва чорвачиликда харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляциялашни аудити.....88
6.4. Ёш чорва моллари ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олишни текшириш.....101
6.5. Умумий хулоса.....103
6.6. Мавзуга доир калит сўзлар.....104
6.7. Талабаларнинг билимларини текшириш саволлари.....104
6.8. Ахборот-услубий таъминот.....104

7-мавзу. Транспорт ташкилотларида аудит хусусиятлари.....106

7.1. Транспорт ташкилотларида аудитнинг манбалари ва вазифалари.....106
7.2.Транспорт ташкилотларида асосий воситалар таркибини аудит қилиш.....108
7.3.Харажатлар ҳисоби ва ташувларни таннархини калькуляциясини текшириш.....109
7.4. Юк ва йўловчи транспортда ташувлар тушуми ва уларнинг ҳисоб-китобини текшириш. 112
7.5. Умумий хулоса.....113
7.6. Мавзуга доир калит сўзлар.....113
7.7. Талабаларнинг билимларини текшириш саволлари.....113
7.8. Ахборот-услубий таъминот.....113

8-мавзу. Савдо ташкилотларида аудит хусусиятлари.....114

8.1.Савдо ташкилотларида аудит манбалари ва вазифалари.....114
8.2.Омборлар ва бухгалтерияда товарларни ҳисобга олишни текшириш. ...120
8.3.Улгуржи савдода товарларни сотилишини текшириш. Товарларни жорий ҳисобда ва балансда баҳоланишини текшириш.....125
8.4.Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан тузилган шартномалар бажарилишини текшириш.....128
8.5.Чакана савдо ташкилотларида товарлар харакатини текшириш.....132
8.6. Улгуржи ва чакана савдо ташкилотларида муомала харажатларини аудит қилиш.....134
8.7. Умумий хулоса..... 136
8.8. Мавзуга доир калит сўзлар..... 137
8.9. Талабаларнинг билимларини текшириш саволлари..... 137
8.10. Ахборот-услубий таъминот.....138

1 – мавзу: Қурувчи ташкилотларининг хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлили.

Режа:

1.1. Қурилиш ташкилотларининг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда таҳлилнинг аҳамияти ва вазифалари.

1.2. Асосий фондларнинг ишга туширилиши ва қуввати бўйича бизнес-режанинг бажарилишини таҳлили.

1.3. Қурилиш объектларни давомийлигини таҳлили

1.4. Тугалланмаган қурилиш объектлари ҳолатини таҳлили

1.5. Капитал қўйилмалар бўйича бизнес-режанинг бажарилишини таҳлили.

1.6. Умумий хулоса.

1.7. Мавзуга тегишли калит сўзлар.

1.8. Талабаларнинг билимларини текшириш саволлари.

1.9. Ахборот-услубий таъминот.

1.1. Қурилиш ташкилотларининг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда таҳлилнинг аҳамияти ва вазифалари.

Қурилиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асосий тармоқлари қаторида етакчи ўринлардан бирига эга бўлиб, унинг натижаси сифатида янги ва амалдаги асосий фондлар (бинолар иншоотлар, машиналар, ускуналар) яратилиши (кенгайтирилиши, қайта тикланиши ва техник қайта қуролланиши) ҳисобланади. Моддий ишлаб чиқаришнинг ушбу тармоғи самарали фаолиятига илмий техникавий тараққиётнинг жадаллашуви, моддий-техника базасининг ва ишлаб чиқариш тузилишининг такомиллаштирилиши сезиларли даражада боғлиқ.

Қурилишнинг мисли кўрилмаган кўлами Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг улкан қадамлари ҳақида далолат беради. 2003 йилдаги капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми ниҳоятда катта бўлиб, … млрд.сўмни ташкил қилади.

Шу билан бирга қурилишда эришилган натижалар даражаси моддий ишлаб чиқаришнинг ушбу тармоғида йўл қўйилган камчиликлар ва хатолар мавжудлигини кўрсатиб, улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида бир неча бор кўрсатиб ўтилган. Хусусан, қурилишда тижорат механизмларининг янги тамойилларини қўллаган ҳолда объектларнинг муддатларини сезиларларли даражада камайтириш ва меъёрдан ортиқ тугалланмаган қурилишга барҳам бериш, марказлаштирилган капитал қўйилмаларини қисқартириш, инвестиция жараёнининг барча иштирокчилари ўртасида товар-пул муносабатларини ривожлантириш ва қурилишда шартноманинг ролини ошириш, асосан ўз маблағларидан фойдаланиш ва банк кредитларининг ролини ошириш зарур.

Капитал қўйилмалари бу асосий фондларни қайта ишлаб чиқариш ҳисобланади. Улар янги қурилишга, қайта тиклашга, амалдаги корхоналарни

кенгайтириш ва техник қайта қуроллантиришга бўлган харажатларни ўз ичига олади. Капитал қурилиш иккита усулда амалга оширилади: пудрат ва хўжалик.

Қурилишни олиб боришнинг пудрат усули асосий ҳисобланиб, қурилиш ишларининг ихтисослашган ташкилотлар томонидан амалга оширилишини кўзда тутади. Улар қаторига қурилиши-монтаж трестлари, қурилиши-монтаж концернлари, уй-жой қуриш комбинатлари киради.

Ихтисослашган ташкилотлар қурилиш буюртмачилари билан тузилган пудрат шартномасига асосан пудратчи ҳисобланади.

Пудрат шартномаси буюртмачилар ва пудратчиларнинг ўзаро муносабатлар меъёрини қатъий белгиловчи ва шартномадаги мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги учун иқтисодий жавобгарлигини белгилаб берувчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Пудрат шартномаси буюртмачи томонидан бош пудратчи билан капитал қурилиш ружасига киритилган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган титул рўйхатларига эга бўлган қурилишларнинг бутун даврига тузилади.

Зарур бўлганда бош пудратчи муайян турдаги ишларни бажариш учун субпудратчи вазифасини ўтайдиган ихтисослашган ташкилотларни жалб қилиш ҳуқуқига эга. Бунда ишларнинг ўрнатилган муддатларда бажарилиши ҳамда сифати учун бош пудратчи жавобгар ҳисобланади.

Ишларни хўжалик усулида олиб боришда буюртмачи ташкилот бутун қурилиш ишлари мажмуини ўзининг қурувчи бўлинмалари кучи билан, бегона ташкилотларни жалб қилмасдан амалга оширилади. Шундай қилиб, қурилишни хўжалик усули билан амалга оширишда буюртмачи бир вақтнинг ўзида пудратчи ҳам ҳисобланади.

Қурилишнинг бундай усулини амалдаги корхоналарда кичик ҳажмдаги ишларни бажаришда, пудратчи ташкилотларни жалб қилиш иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлган пайтда қўллаш мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, иқтисодий таҳлилининг объекти бўлиб, бош пудратчи ва буюртмачи ўртасида юзага келадиган муносабатлар ҳисобланади.

Улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, уларнинг фаолиятига асос бўлувчи тижорат тамойиллари билан белгиланади.

Капитал қўйилмаларининг бизнес-режасини амалга ошириш ва асосий фондларни ишга тушириш вазифасини ечиш учун турли функцияларни бажарган ҳолда буюртмачи ва пудратчи қурилиш ташкилоти иқтисодий таҳлилнинг алоҳида объектлари сифатида ташкил топади.

Буюртмачи (якка тартибдаги қурувчи) хўжалик фаолиятини таҳлилининг асосий вазифалари қуйидагича:

- асосий фондларни ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш бизнес-режасининг қиймат ва натурал кўринишдаги ишлар ҳажми, таркиби ва муддатлари бўйича бажарилишини баҳолаш;
- капитал қўйилмалар бизнес-режасининг бажарилишини ҳажми, тузилиши ва молиялаштириш манбалари бўйича текшириш;
- ишлаб чиқариш харажатларини назорат қилиш ва ноишлаб чиқариш харажатлари ҳамда талофотларини аниқлаш;

- тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва таркибини баҳолаш;

- қурилишларнинг молиявий аҳволини ўрганиш, қурилишларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари, ускуналар ва моддий ресурслар билан таъминланганлиги;

- эришилган иш натижаларини баҳолаш ва ички заҳираларни аниқлаш;

Қурилиш ташкилотларининг фаолиятини баҳолашда қурилиш объектларини ишга тушириш бизнес-режасининг бажарилиши асосий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Объектларнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилишида манфаатдор бўлгани ҳолда буюртмачилар, айни пайтда пудратчи ташкилотлар билан бирга ушбу объектларнинг ўз вақтида ва сифатли ишга туширилиши учун масъулдирлар.

Ишга туширилаётган объектларнинг натурал ўлчовлари қуйидагича: саноат корхоналари учун – уларнинг қуввати; уй-жой қурилиши объектлари учун – яшаш майдони; маданий-маиший объектлар учун – битта чиқиш ўрни ва ҳ.

Объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида аниқланадиган нархи, яъни смета нархи ишга туширилаётган объектларнинг қиймат ўлчовидир.

Таҳлил жараёнида маълумот манбалари сифатида лойиҳа-смета, режа ва ҳисобот ҳужжатларидан фойдаланиш мумкин.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари. Капитал қурилишда яратилаётган маҳсулот (турар жойлар, жамоат бинолари, иншоотлар, ишлаб чиқариш объектлари), ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот каби, товар тавсифига эга, яъни уни шартнома бўйича ўрнатилган нархда буюртмачига сотиш зарур. Қурилиш маҳсулотининг нархи лойиҳалаштириш жараёнида тайёрланадиган смета ҳужжатлари томонидан аниқланади.

Режа ҳужжатлари. Титул рўйхатлари қурилишда асосий режа ҳужати бўлиб ҳисобланади. Объектнинг титул рўйхатларига киритилиши унинг қурилишига рухсат берилганлигини билдиради. Титул рўйхатларида объектларнинг лойиҳа қувватлари, капитал қуйилмаларнинг ҳажми, объектларни, юргизиш мажмуаларини ишга тушириш муддатлари ва ҳ. Ушбу титул рўйхатлари асосида капитал қурилишнинг режаси (7-сонли шакл) тузилиб, унда капитал қўйилмаларнинг ҳажмлари бўйича (I-бўлим) ва қувватларни ишга тушириш бўйича (II-бўлим) йиллик режаларни деталлаштириш амалга оширилади.

Молиялаштириш режаси (5-сонли шакл) асосида объектлар қурилишини молиялаштиришни режалаштириш амалга оширилувчи ҳужжат ҳисобланиб, унда капитал қўйилмаларнинг кўзланган ҳажмларини молиялаштириш манбаларининг таркиби ва тузилиши аниқланган бўлади. Капитал қўйилмаларини молиялаштириш бюджетдан ажратмалар, хусусий ва қарзга олинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Ҳисобот ҳужжатлари. Буюртмачининг ҳисобот тизимига қуйидаги ҳужжатлар киради:

- капитал қўйилмалар бўйича йиллик баланслар (якка тартибдаги қурувчининг 1-сонли шакли);

- қувватларни, асосий фондларни ишга тушириш бизнес-режасининг бажарилиши тўғрисидаги оралиқ ва йиллик ҳисоботлар. Асосий фондларни ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш бизнес-режасининг таҳлили учун зарур маълумотларни 2-сонли-кс (йиллик) ҳисобот шаклидан олиш мумкин.

Ушбу шакл бўйича ҳисоботни буюртмачилар (якка тартибдаги қурувчилар) тузишади. Бу шакл 10та бўлимдан иборат.

Бутун ҳисобот маълумоти бухгалтерлик ҳисоби асосида шаклланиб, бу унинг етарли ишончлилигини таъминлаши лозим, бу эса ўз навбатида буюртмачи ишининг умумий таҳлили ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш бизнес-режаси бажарилишининг таҳлили учун зарурдир.

2-сонли-кс ҳисобот шакли бўлимларининг маълумотлари ўзаро ва бошқа ҳисобот шаклларининг кўрсаткичлари билан боғланмаган бўлса, бундай маълумотлардан уларнинг шубҳалилиги сабабли таҳлил учун фойдаланилмайди.

Ишларни бажаришнинг хўжалик усулида қурилиш бўйича ҳисоб ва ҳисобот тузилиши умуман олганда якка тартибдаги қурувчи томонидан юритилади, ишларни бажаришнинг пудрат усулида эса – пудратчи томонидан ҳам.

1.2. Асосий фондларнинг ишга туширилиши ва қуввати бўйича бизнес-режанинг бажарилишини таҳлили.

Асосий фондларни ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш қурилиш ташкилотларининг ва якка тартибдаги қурувчининг фаолиятларини баҳолашда асосий кўрсаткич ҳисобланади. Буюртмачи томонидан пудратчи ташкилотдан ўрнатилган тартибда солиштириш далолатномалари бўйича қабул қилиб олинган ишлаб чиқариш қувватлари ва тугалланган объектлар ва юргизиш мажмуалари ишга туширилган ҳисобланади. Объектларнинг қиймати тасдиқланган лойиҳа ва титул рўйхатларига биноан қурилиш бошланишидан то объекти ишга туширишгача бўлган смета нархларида белгиланади.

Ўз ичига турли бинолар ва иншоотлар мажмуасини олган йирик объектларнинг ишга туширилиши бизнес-режа томонидан ўрнатилган кетма-кетликда қисмлари бўйича, шунингдек юргизиш мажмуалари бўйича ишга туширилади. Объектнинг алоҳида қисмларининг топширилиши мажбурий равишда қабул қилиш далолатномасида кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш йўналишидаги объектлар бўйича ишга туширилган асосий фондлар ишлаб чиқариш қувватининг баҳоси ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг йиллик ҳажмларида кўрсатилади (бетоннинг $м^3$, маҳсулот т., электр энергиясининг кВт. соати). Турар жой биноларини ишга туширишда

ўлчов бирлиги бўлиб умумий ва яшаш майдонининг $м^2$и, касалхоналарда эса – каравотлар сони бўйича ва ҳ.

Таҳлил жараёнида ишга туширилган объектлар йўналиши бўйича (саноат қурилиши объектлари, турар жой объектлари, мактаблар ва ҳ.), шунингдек уларнинг бажарилиш муддатлари ва навбати бўйича гуруҳланади.

Тугалланган объектларни ишга тушириш бизнес-режасининг бажарилиши таҳлили 2-сонли-кс ҳисобот шакли маълумотлари асосида амалга оширилади (асосий фондларни ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш режасининг бажарилиши ҳақида ҳисобот).

Ушбу ҳисобот шакли, титул рўйхатлари асосида таҳлил жадвали тузилиб, унда бизнес-режанинг уй-жой қурилиши ажратилган ҳолда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш йўналишидаги объектлар бўйича алоҳида бажарилиши кўрсатилади. Асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилишининг бажарилганлик даражаси ҳисобот маълумотларининг бизнес-режа билан қиймат ва натурал ўлчовларда таққосланиш йўли билан аниқланади. Асосий фондларнинг ишга туширилишини таҳлил қилиш учун 1.1. жадвални тузамиз.

1.1. жадвалдан кўриниб турибдики, буюртмачи томонидан асосий фондларни ишга тушириш бизнес-режаси 1,6 % ортиғи билан бажарилган. Бунда ишлаб чиқариш объектлари бўйича бизнес-режа бажарилмаган, бажарилмаганлик 3,5 %ни ташкил қилади. Асосий фондларнинг ишга туширилиш бизнес-режасининг ишлаб чиқариш объектлари бўйича бажарилмаганлигини аниқлаш учун ҳар бир объек бўйича алоҳида ҳисобий ва ноҳисобий маълумот манбаларини жалб қилиш зарур.

Кўрсаткичлар	Смета қиймати, минг сўмда		Бизнес-режанинг бажарилиш %и
	Бизнес-режа бўйича	Ҳақиқатда	
	1	2	3
Жами асосий фондлар	94 500	96 000	101,6
Шу жумладан:			
Ишлаб чиқариш йўналишидаги асосий фондлар	62 460	60 300	96,5
Ноишлаб чиқариш йўналишидаги асосий фондлар	32 040	35 700	111,4
Шулардан уй-жой қурилиши	26 000	26 000	100,0

Ноишлаб чиқариш йўналишидаги асосий фондлар бўйича режа 11,4 % га ортиғи билан бажарилган, бунда уй-жой қурилиши объектлари бўйича бизнес-режа 100%га бажарилган, демак, бизнес-режани ортиғи билан бажариш бошқа ноишлаб чиқариш йўналишидаги объектлар ҳисобидан амалга оширилган. Шунинг учун ноишлаб чиқариш асосий фондларининг ишга туширилишини ҳар бир йўналиш (маориф, маданият ва санъат,

соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот муассасалари) бўйича алоҳида таҳлил қилиб чиқиш лозим.

Асосий фондларни ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш бизнес-режасининг бажарилиши таҳлили мажбурий равишда капитал қўйилмалар ҳажми кўрсаткичлари билан солиштирган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бунинг учун маълумотлар ҳам 2-сонли-кс ҳисобот шаклидан олинади. Капитал қўйилмалар ҳажми кўрсаткичлари билан ишга туширилишнинг нисбати ҳар хил бўлиши мумкин. Энг яхши вариант бўлиб капитал қўйилмалар режасининг ва асосий фондларни ишга тушириш бўйича бизнес-режасининг тўлиқ бажарилиши ҳисобланади.

1.3. Қурилиш объектларни давомийлигини таҳлили.

Қурилиш объектларининг ўз вақтида ишга туширилмаслиги халқ хўжалигининг ушбу объектлар қурилаётган тармоқларида саноат ишлаб чиқаришининг кўзланган ўсиш суръатлари бузилишига олиб келади. Бунда кечиктириб ишга туширилаётган асосий фондлар маънавий эскиради, капитал қўйилмаларнинг самараси камаяди, қурилиш-монтаж ишлари таннархининг ошиши рўй беради. Объектлар қурилиши давомийлигининг таҳлили вақт ва ресурсларнинг салмоқли заҳираларини аниқлаш имконини беради.

Қурилиш муддатларига риоя қилинишининг таҳлили жараёнида ҳақиқатдаги, режадаги ва меъёрий давомийлик, шунингдек ўхшаш объектлар ва қувватлар бўйича аввалги ҳисобот даврларида ҳақиқатда юзага келган давомийлик таққосланади.

Қурилишнинг ҳақиқатдаги давомийлиги режадаги ва меъёрий давомийликдан четга чиқиши буюртмачи ва пудратчи фаолиятларида камчиликлар борлигини кўрсатади. Лойиҳалаштирувчилар, ресурсларни етказиб берувчилар, қурилиш ташкилотлари ва буюртмачининг фаолиятига боғлиқ кўпчилик омиллар қурилишнинг давомийлигига таъсир кўрсатади. Масалан, бундай омилларга лойиҳа-смета ҳужжатлари, моддий-техника ресурслари, ишчи кучи билан ўз вақтида таъминланганлик киради.

1.4. Тугалланмаган қурилиш объектлари ҳолатини таҳлили.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан капитал қурилишда хўжалик механизмини такомиллаштириш бўйича бир қатор қарорлар қабул қилинган бўлиб, уларда қурилишнинг давомийлигини камайтириш ва қурилишдаги барча иштирокчиларнинг ишлаб чиқариш қувватларини, объектларни ва иншоотларни меъёрий муддатларда ишга туширишда иқтисодий манфаатдорлигини ошириш орқали тармоқнинг самарадорлигини ошириш вазифаси қўйилган.

Капитал қўйилмалар ҳажми ва асосий фондларни ишга тушириш кўрсаткичларининг нисбати ҳар хил йилларда турлича бўлиши мумкин. Агар

капитал қўйилмаларининг қиймати ишга туширилган асосий фондларнинг қийматидан ортиқ бўлса, унда ортиқ сумма бу тугалланмаган қурилиш қийматини билдиради. Тугалланмаган қурилишга буюртмачи томонидан қабул қилинган ва ҳақи тўланган қурилиши тугалланмаган ва фойдаланишга топширилмаган бинолар, иншоотлар, шунингдек ўрнатилган ва ўрнатиш жараёнидаги ускуналар қиймати, ускуналар ўрнатили бўйича бажарилган ишлар қиймати ва бошқа ишга туширилмаган объектлар бўйича буюртмачи томонидан тўланган харажатлар киради.

Якка тартибдаги қурувчининг тугалланмаган қурилиш таркибий қисмлари бўйича ҳақиқатда тўланган суммалари тўғрисидаги маълумотни 2-с ҳисобот шаклидан олиш мумкин. Таҳлил пайтида аввало ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектлари бўйича умумий тугалланмаган қурилиш ҳажми аниқланади.

Кейин ҳар бир объект бўйича тугалланмаган қурилиш ҳажми аниқланади, ҳар бир объектнинг тайёрлик даражаси ишлар бошланиш куни ва давомийлигининг режадаги муддатлари билан таққослаш орқали аниқланади. Сўнгра жорий йилда қурилиши амалга оширилмайдиган объектлар ва уларнинг вақтинчалик тўхтатилиш сабаблари ва муддатлари аниқланади, шунингдек фойдаланилаётган, аммо қабул қилиш далолатномалари йўқлиги сабабли тугалланмаган қурилиш деб саналган объектлар аниқланади. Тугалланмаган қурилиш таркибига “Ташландиқ(или же “сифати паст”) ишлар” деб номланувчи, яъни тамомила тўхтатилган объектлар ҳам кириши мумкин. Бундай ишлар кўпинча якка тартибдаги қурувчининг айби билан, агарки қурилиш тегишли ҳужжатларсиз бошланган ва олиб борилган бўлса, ёки юқори органларнинг объект қурилишининг умумий режасини ўзгартириш, ишларни вақтинчалик тўхтатиб туриш, аввал вақтинчалик, кейин тамомила тўхтатиш қарори оқибатида юзага келган.

Таҳлил натижасида “ташландиқ ишларнинг” юзага келиши сабалари ва харажатларни ҳисобдан чиқаришнинг қонунийлиги аниқланиши лозим. “Ташландиқ ишларнинг” ҳисобдан чиқарилиши тугалланмаган қурилиш қолдиғининг камайишига олиб келса ҳам, бу буюртмачифаолиятининг яхшиланиш кўрсаткичлари ҳисобланиши мумкин эмас.

1.5. Капитал қўйилмалар бўйича бизнес-режанинг бажарилишини таҳлили.

Капитал қўйилмалар режаси бажарилишининг умумий баҳоси қуйидагилар бўйича берилади:

1. Харажатлар турлари ёки тузилиши бўйича.
2. Харажатлар йўналиши бўйича.
3. Тугалланган объектларни фойдаланишга топшириш бўйича.

Капитал қўйилмалар бўйича бизнес-режа бажарилишининг таҳлилида, улар пудрат ёки хўжалик усули билан олиб борилганда, якка тартибдаги қурувчининг 2-сонли КС-21 «Капитал қўйилмалар ва асосий фондларни ишга

тушириш режасининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот» ўрганилади. Таҳлил учун 1.2.-жадвални келтирамиз.

1.2.-жадвалдан кўриниб турибдики, капитал қўйилмалар бўйича бизнес-режа 4 100 минг сўм, ёки 4,5%га ортиғи билан бажарилган. Аммо қурилиш ташкилотининг ишини яхши деб бўлмайди, сабаби бизнес-режанинг ортиғи билан бажарилиши биринчи навбатда қўшимча ускуна сотиб олиш билан боғлиқ, қурилиш бўйича муҳимроқ ишлар эса охиригача қилинмаган. Натижада капитал қўйилмаларнинг тузилиши кескин ўзгарган. Шундай қилиб, бизнес-режа бўйича ускунанинг капитал қўйилмалар умумий миқдоридаги ҳиссаси 20,4%ни, ҳақиқатда эса 25,3%ни ташкил қилди, қурилиш ишлари бўйича эса тегишлича 62,7 % ва 57,2 %.

1.2.-жадвал. Капитал қўйилмалар бизнес-режасининг харажатлар турлари ва тузилиши бўйича бажарилишининг умумий баҳоси.

№ ёки т/р	Кўрсаткичлар	Капитал қўйилмалар ҳажми, минг сўмда			Капитал қўйилмалар тузилиши, %да		
		Бизнес-режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи	Бизнес-режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи
А	Б	1	2	3	4	5	6
1	Қурилиш ишлари	56 800	54 100	-2 700	62,7	57,2	-5,5
2	Монтаж ишлари	13 600	14 600	+1 000	15,1	15,4	+0,3
3	Ускуна	18 500	23 900	+5 400	20,4	25,3	+4,9
4	Лойиҳа-қидирув ишлари	1 600	2 000	+400	1,8	2,2	+0,4
5	Жами	90 500	94 600	+4 100	100	100	-

Ижобий жиҳати фақат монтаж ишлари бизнес-режасининг ортиғи билан бажарилиши бўлган холос.

Қурилиш ишларининг охиригача бажарилмаслиги объектларни ишга тушириш муддатларининг бузилишига олиб келади.

Капитал қўйилмалар тузилишининг таҳлилидан ташқари, смета нархлари бўйича капитал ишларни смета ва ҳақиқий қиймати бўйича таққослаш лозим. Бундай турдаги фарк, ускуналар баҳоси ўзгариши ва якка тартибдаги қурувчининг зарарларини объектнинг инвентар қийматига қўшиши ҳисобидан келиб чиқадиган ишларни бажаришнинг ҳақиқатдаги ва сметадаги ҳажмлари ва усуллари номувофиқлиги натижасида юзага келиши мумкин. Смета қийматидан эҳтимолий фарқларнинг таҳлилини алоҳида объектлар бўйича ўтказиш лозим.

Кейинги босқичда таҳлилий жадвал тузилиб, унда капитал қўйилмалари бизнес-режасининг харажатлар йўналиши бўйича бажарилиш кўрсаткичлари таққосланади

(1.3. жадвал.)

Капитал қўйилмалар бизнес-режасининг харажатлар йўналиши ва тугалланган қурилиш объектларининг фойдаланишга топширилиши бўйича бажарилишининг таҳлили.

(минг сўмда)

т/р	Кўрсаткичлар	Капитал қўйилмалар ҳажми			Объектларининг фойдаланишга топширилиши		
		Бизнес-режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи	Бизнес-режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи
А	Б	1	2	3	4	5	6
1	Саноат қурилиши	53 000	64 600	+11 600	18 500	17 800	-700
2	Уй-жой қурилиш	25 000	19 300	-5 700	12 000	10 400	-1 600
3	Коммунал қурилиш	12 500	10 700	-1 800	7 500	6 000	-1 500
4	ЖАМИ	90 500	94 600	+4 100	38 000	34 200	-3 800

1.3. жадвалнинг маъулмотларидан кўриниб турибдики, капитал қўйилмалар бизнес-режасининг ортиғи билан бажарилиши уй-жой ва коммунал қурилишларининг зарарига жадал саноат қурилиши ҳисобидан юзага келган. Объектларни фойдаланишга топшириш режасига келсак, умуман олганда у 3 800 минг сўмга ёки 10% га бажарилмасдан қолган. Бунда объектларни фойдаланишга топшириш режаси биттагина харажатлар йўналиши бўйича бажарилмасдан қолмаган. Кейингги таҳлил капитал қўйилмалар бизнес-режасининг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш алоҳида объектлари бўйича бажарилмаганлигининг сабабларини аниқлаши лозим.

1.6. Умумий хулоса.

Ушбу мавзуни ўрганиш натижасида талаба вазифаларнинг иқтисодий жиҳатдан тўғри қўйиш учун буюртмачининг (якка тартибдаги қурувчининг) хўжалик фаолияти иқтисодий таҳлили хусусиятларини билиши, хўжалик, молия инвестиция фаолиятини таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқа олиши, изланишларнинг таҳлилий воситаларидан фойдалана олиши, таҳлилий тадбирларни бажариш асосида умумлаштириш ва хулосалар туза олиши, шунингдек буюртмачининг ҳисоботини мустақил таҳлил қилиш тажрибасига эга бўлиши лозим.

1.7. Мавзуга тегишли калит сўзлар.

Капитал қурилишда таҳлилнинг мазмуни ва вазифалари, капитал қўйилмалар, қурилишни олиб боришнингпудрат ва хўжалик усуллари, лойиҳа-смета ҳужжатлари, режа ҳужжатлари, ҳисобот ҳужжатлари, қурилиш давомийлиги, меъёрий давомийлик, асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши,ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш ассоий фондлари, смета нархи, тугалланмаган қурилиш, янги қурилиш, амалдаги корхоналарни қайта тиклаш, кенгайтириш ва техник қайта қуроллантириш, капитал қўйилмалар бизнес-режасининг тузилиш (қурилиш ишлари, монтаж ишлари, ускуналар ва лойиҳа-қидирув ишлари) бўйича бажарилиши, капитал қўйилмалар бизнес-режасининг йўналиш (уй-жой қурилиши, саноат қурилиш, коммунал қурилиш) бўйича бажарилиши.

1.8. Талабаларнинг билимларини текшириш саволлари.

1. Капитал қурилишда таҳлилнинг мазмуни ва вазифалари.
2. Буюртмачи хўжалик фаолияти таҳлилининг вазифалари ва манбалари.
3. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ўзи нима?
4. Қурилиш маҳсулотининг нархи қандай аниқланади?
5. Корхоналар, бинолар ва иншоотларни лойиҳалаштириш қандай босқичларда амалга оширилади?
6. Қурилиш объектларинингсмета қийматини аниқлаш учун қандай ҳужжатлар тузилади?
7. Режа ҳужжатлари ўзи нима?
8. Капитал қурилишнинг бизнес-режаси қандай маълумотлар асосида тузилади?
9. Қайси ҳужжат қурилиш объектларини тиклаш учун рухсатнома ҳисобланади?
10. Қурилишни молиялаштириш қайси ҳисобот шакли асосида амалга оширилади?
11. Буюртмачининг ҳисобот тизимига қандай ҳужжатлар киради?
12. Асосий фондларни ва ишаб чиқариш қувватларини ишга тушириш бизнес-режасининг бажарилиши таҳлили учун маълумотлар қайси ҳисобот шаклидан олинади?
13. 2-кс (йиллик) ҳисобот шакли нечта бўлимдан ташкил топган?
14. Қурилиш муддатларига амал илинишининг таҳлили жараёнида қандай кўрсаткичлар таққосланади?
15. Қайси кўрсаткич қурилиш ташкилотлари ва буюртмачи (якка тартибдаги қурувчи) фаолиятининг энг муҳим баҳолаш кўрсаткичи ҳисобланади?
16. Қурилиш объектлари қачон ишга туширилган ҳисобланади?

17. Ишга туширилган қурилиш объектлари белгиланган мақсади бўйича қандай гуруҳланади?
18. Қандай таркибий қисмлар тугалланмаган қурилишга тегишли?
19. Тугалланмаан қурилишининг баланси қандай ҳисобланади?
20. Капитал қўйилмалар ўзи нима?
21. Қандай харажатлар капитал қўйилмалар таркибига киритилади?
22. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш капитал қўйилмалари ўзи нима?
23. Қайта тиклаш ва техник қайта қуроллантириш деганда нима тушунилади?
24. Капитал қўйилмалар бизнес-режаси бажарилишининг таҳлилини ўтказиш нечта босқичдан иборат?
25. Капитал қўйилмалар бизнес-режасининг харажатлар турлари ва тузилиши бўйича бажарилишининг таҳлили қандай амалга оширилади?
26. Капитал қўйилмалар бизнес-режасининг йўналишлар (белгиланган мақсади) ва тугалланган қурилиш объектларини фойдаланишга топшириш бўйича бажарилишининг таҳлили қандай амалга оширилади?

1.9. Ахборот-услубий таъминот.

I. Асосий адабиёт.

1. Деркач Д. М. Анализ производственно-хозяйственной деятельности подрядных строительных организаций. М. «Финансы и статистика», 1990 г.
2. Жарковская Е. П. и др. Анализ хозяйственной деятельности строительных организаций. М. Стройиздат, 1989 г.

II. Қўшимча адабиёт.

1. М. И. Баканов, А.Д. Шеремет. Экономический анализ ситуации, тесты, примеры, задачи, выбор оптимальных решений, финансовое прогнозирование. М. «Финансы и статистика», 1999 г.
2. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. ЎР Вазирлар маҳкамаси, 1995, 1999 й. й.

2 - мавзу: Қурилиш-монтаж ишлари билан шуғулланувчи пудрат ташкилоти хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлили.

Режа:

2.1. Иқтисодий таҳлилнинг вазифаси ва манбалари.
2.2. Пудрат ишларини иш ҳажми бўйича бизнес-режанинг бажарилишини таҳлили.
2.3. Меҳнат омилларининг таҳлили.
2.4. Меҳнат воситалари омилларини таҳлили.

2.5. Қурилиш ишларини саноатлаштириш бўйича бизнес-режанинг бажарилишини таҳлили.

2.6. Молиявий натижалар ва рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлили.

2.7. Молиявий ҳолат таҳлили.

2.8. Умумий хулоса.

2.9. Мавзуга доир калит сўзлар.

2.10. Талабаларнинг билимларини текшириш саволлари.

2.11. Ахборот-услубий таъминот.

2.1. Иқтисодий таҳлилнинг вазифаси ва манбалари.

Қурилиш-монтаж ташкилоти фаолиятини баҳолаш мезони бўлиб объект ва иншоотлар, турар жой ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши ҳисобланади. Шунинг учун пудратчи қурилиш ташкилоти фаолияти таҳлилининг энг муҳим бу вазифаси шартнома бўйича қувватларни ва объектларни қурилишнинг режадаги ва меъёрдаги муддатлари таъминлангани ҳолда ишга тушириш бизнес-режасининг бажарилиш даражасини текшириш ҳисобланади. Бунинг учун,ишга туширилган ҳар бир объект бўйича ҳақиқатдаги давомийлик меъёрий давомийлик билан таққосланади.

Таҳлил натижаларига кўра қурилишнинг давомийлигини камайтиришга ва ишлаб чиқариш қувватларининг ҳамда объектларнинг тезда ишга туширилишига қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Қурилиш ташкилотининг ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини баҳолаш учун шунингдек пудрат ишларининг ҳажми бўйича бизнес-режасининг бажарилиши ҳам таҳлил қилинади. Таҳлил жараёнида бош пудрат бўйича пудрат ишлари ва ўз кучи билан, субпудратчилар, буюртмачилар томонидан, юргизиш объектлари ва ҳ. бўйича бажарилаётган ишлар бизнес-режасининг амалга оширилиши текширилади.

Пудрат ишлари бизнес-режасининг бажарилиши 1-сонли-КС “Қувватларни ишга тушириш режасининг бажарилиш ҳақидаги ҳисоботи” шакли бўйича тузилган ойлик ва йиллик статистик ҳисоботлар асосида таҳлил қилинади.

1-сонли-КС шакли бўйича ҳисобот мустақил балансга эга бўлган барча қурилишў ташкилотлари томонидан тузилади.

Ишлаб чиқариш дастури бажарилишининг таҳлили учун манбалар сифатида шунингдек бизнес-режа, титул рўйхатлари, объектларни ишга туширишга қабул қилиш далолатномалари в ҳ.нинг кўрсаткичлари ҳисобланади.

Бундан ташқари, таҳлил учун жорий ҳисоб ва ҳисобдан ташқари маълумотлар ҳам қўлланилади. Масалан, алоҳида объектдарнинг тайёрлигини таҳлил қилиш учун қурилиш объектлари бўйича бажарилган ишлар журналидан маълумотлар олинади. Бу кўрсаткич объектнинг қурилиши бошланганидан бери бажарилган ҚМИ (қурилиш-монтаж ишлари)

қийматининг ишларнинг смета қийматига бўлган нисбати сифатида аниқланади.

2.2. Пудрат ишларини иш ҳажми бўйича бизнес-режанинг бажарилишини таҳлили.

Қурилиш-монтаж ташкилоти бўйича ишлаб чиқариш дастури бажарилишининг умумлаштирувчи кўрсаткичи бўлиб, пудрат ишлари ҳажми бўйича бизнес-режанинг бажарилиши ҳисобланади. Пудрат ҚМИ бизнес-режасига лойиҳа-смета ҳужжатлари, молифлаштириш, моддий ресурслар ва ускуналар билан таъминланган объектлар, технологик босқичлар, мажмуалар ва айрим ишлар турлари киритилади. ҚМИ умумий ҳажми моддий-техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Таҳлил жараёнида тугалланган қурилиш объектлари ва бош пудратчининг умумий ҳажми бўйича пудрат ишлари бизнес-режасининг таҳлил қилинаётган даврда бажарилиши аниқланади. ҚМИ бизнес-режасининг бош пудратчи ташкилотнинг ўзининг кучи ва жалб қилинган ташкилотлар (субпудратчи) кучи билан бажарилиш даражаси аниқланади. ҚМИ бизнес-режасининг бажарилиш даражаси ҚМИнинг смета қиймати бўйича ҳақиқатда бажарилган ҳажми ўтган давр бизнес-режаси кўрсаткичлари билан таққосланади. ҚМИ умумий ҳажми бўйича бизнес-режанинг бажарилиши таҳлили қуйидаги иккита йўналишда амалга оширилади:

1. ҚМИ бизнес-режасининг бош пудратчи кучи билан бажарилишига баҳо берилади.
2. ҚМИ бизнес-режасининг алоҳида буюртмачилар кесимида бажарилишига баҳо берилади.

Таҳлилда 1-сонли-КС шаклининг III-бўлими “Қувватларни ишга тушириш режаси ва пудрат ишлари режаси бажарилиши тўғрисида ҳисобот” ва ҳисобдан ташқари материаллар (тушунтириш хатлари, билдиришномалар, ишларни бажариш графиги, буюртмачилар ва субпудратчилар) қўлланилади. 2.1. жадвал мисолида ҚМИ ҳажми бўйича бизнес-режанинг бажарилишини кўриб чиқамиз.

2.1. жадвал

пудрат ишлари бизнес-режасининг бажарилиши таҳлили.
Смета қиймати бўйича (минг сўм)

№ т/р	Кўрсаткичлар	Бизнес-режа бўйича	Ҳақиқатда	Мутлақ фарқ	Бизнес-режа бажарилиши, %да
А	Б	1	2	3	4
I	Жами пудрат ишлари	210 030	197 540	-12 490	94,1

	Шу жумладан: 1. Марказлашган капитал қўйилмалар давлат режасида кўзда тутилган объектлар бўйича Улардан: А) бош шартномалар бўйича Б) тўғридан тўғри шартномалар бўйича 2. Марказлаштирилмаган манбалар ҳисобидан қурилаётган объектлар бўйича 3. Капитал таъмир	191 200 191 200 - 17 830 1 000	180 100 180 100 - 16 440 1 000	-11 100 -11 100 - -1 390 -	94,2 94,2 - 92,2 100
II	Ишларнинг умумий ҳажмидан бажарилгани: А) ўз кучи билан Б) субпудратчи ташкилотлар томонидан	108 400 101 630	109 610 87 930	+1 210 -13 700	101,1 86,5

2.1. жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, қурилиш ташкилоти томонидан ўз кучи билан ҚМИ умумий ҳажмидан 55,5 % бажарилган [109 610*100/197 540], субпдуратчилар томонидан эса 44,5 % [87 930*100/197 540].

Одатда субпудратчилар томонидан қурилиш майдончасидаги таёргарлик ишларини ўз ичига олган нол цикли ишлари бажарилади (пойдевор, алоқа, пардозлаш ишлари ва ҳ.).

ҚМИ дастури умуман олганда 12 490 минг сўмга ёки 5,9 %га бажарилмаган.

Бизнес-режанинг бажарилмаганлиги субпудратчи ташкилотларнинг қониқарсиз иши билан боғлиқ бўлиб, улар томонидан бажарилган ишнинг ҳақиқатдаги ҳажми бизнес-режадан 13 700 минг сўмга ёки 13,5%га кам чиқди. Бош пудратчига келсак у вазифанинг уддасидан чиққан.

ҚМИ бизнес-режаси бажарилишини баҳолашда шуни кўзда тутиш керакки, смета қиймати бўйича ишлар ҳажми кўрсаткичи қурилиш ташкилоти жамоасининг уринишларини етарлича тавсифлай олмайди. Кўп материал талаб қиладиган ишлар ҳиссаси қанчалик юқори бўлса, ишлар ҳажми ҳам шунчалик юқори бўлади. Шунинг учун айрим қурилиш ташкилотлари смета қийматида материаллар қиймати катта улушни ташкил қилган «фойдалироқ» ишларни амалга оширишади. Бунда қурилиш ишлаб

чиқаришининг технологик жараёни, объектларни фойдаланишга топшириш муддатлари бузилади, сифат пасайяди ва ҳ. Шунинг учун капитал қурилишда ИМҚ (ишларнинг меъёрий қиймати) кўрсаткичини қўллаш мақсадга мувофиқ. ИМҚ қуйидагилардан ҳисобланади: ишларнинг смета қийматидан режали жамғармалар ва асосий материалларга харажатлар айрилади. Кейин пудрат ишлари бизнес-режасининг бажарилиши таҳлили алоҳида буюртмачилар кесимида олиб борилади.

Пудрат ишлари бизнес-режаси нафақат трест бўйича, балки ҳар бир буюртмачи бўйича бажарилганида қурилиш ташкилотининг ишини меъёрий деб ҳисобласа бўлади.

2.3. Меҳнат омилларининг таҳлили.

ҚМИ ҳажмига кўпгина омиллар таъсир кўрсатади. Шунинг учун омилларнинг таъсирини ўрганишни осонлаштириш мақсадида уларни муайян иқтисодий белгилари бўйича гуруҳлаш лозим. Саноатдаги каби, ҚМИ ҳажмига таъсир қилувчи омиллар 3та гуруҳга бириктирилган:

1. Меҳнат омиллари (қурилишларнинг ишчи кучи билан таъминланганлиги ва меҳнат унумдорлиги).
2. Меҳнат воситалари омиллари (қурилишларнинг машиналар, механизмлар билан таъминланганлиги ва уларнинг самарали ишлатилиши).
3. Меҳнат ашёлари омиллари (қурилишларнинг материаллар билан таъминланганлиги ва уларнинг самарали қўлланилиши)

Саноатдаги каби қурилишда қурилиш дастурининг бажарилиши ишчи кучи мавжудлигини ва қўлланилишини аниқлашдан бошланади. Меҳнат бизнес-режаси турли тоифадаги ишчиларнинг ўрта ҳисобдаги сон кўрсаткичларини, кунларда кўрсатилган иш вақти фондини, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари ва ҳ.ни ўз ичига олади. Ушбу соҳадаги таҳлил усуллари кўп жиҳатдан саноат корхонасининг таҳлилига ўхшаб кетади. Бу ерда саноатдаги каби, аввало ходимлар тузилишини аниқланади, ишчилар сони кўрсаткичини ҳақиқатда бажарилган ҚМИ ҳажми билан боғланади, меҳнат унумдорлиги бўйича бизнес-режанинг бажарилиши, иш вақтининг қўлланилиши баҳоланади ва меҳнат омилларининг қурилиш дастури бажарилишига таъсири умумлаштирилади. Таҳлил учун маълумот 3-сонли-Т шаклли «Қурилишда меҳнат бўйича ҳисобот»дан олинади. Қурилишда меҳнат бўйича режанинг асосий қисми меҳнат унумдорлиги ҳисобланиб, улар қуйидагича ўрнатилади:

1. Битта ходимнинг ўртача иш маҳсули.
2. Битта ишчининг ўртача иш маҳсули.
3. Битта ишчининг ўртача кунлик иш маҳсули.

Меҳнат унумдорлигини таҳлил қилиш учун 2.2. таҳлилий жадвални келтирамиз.

2.2. жадвал

Қурилиш ташкилотида меҳнат унумдорлиги таҳлили

№ т/р	Кўрсаткичлар	Ўлч. бирл.	Бизнес-режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқ	
					Мутлақ (+,-)	В %
1.	Смета қиймати бўйича тугалланмаган қурилиш қолдиғининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ҚМИ ҳажми (ўз кучи билан)	Минг сўмда	111 400	109 220	-2 180	-2
2.	ҚМИда ўрта ҳисобдаги ишчилар сони	Одам	1 623	1 570	-53	-3,3
3.	Шу жумладан ишчилар	Одам	1 280	1 247	-33	-2,6
4.	Барча ишчиларнинг бир йилда ишлаган одам/кунлари умумий миқдори	Одам/кунлар	313 600	266 366	-47 234	-15,1
5.	Битта ишчининг бир йилда ишлаган ўртача одам/кулар миқдори	Кунлар	245	213,6	-31,4	-12,8
6.	Битта ишлаётганга тўғри келадиган ўртача иш маҳсули (1-қатор/2-қатор)	Сўмда	68638,32	69566,88	928,56	+1,3
7.	Битта ишчига тўғри келадиган ўртача иш маҳсули (1-қатор/3-қатор)	Сўмда	87031,25	87586,21	554,96	+0,64
8.	Битта ишчига тўғри келадиган ўртача кунлик иш маҳсули (1-қатор/4-қатор)	Сўмда	355,23	410,04	54,81	+15,43
9.	Ишчиларнинг ишлаётганлар таркибидаги улуши (3-қатор/2-қатор)	%	78,86	79,42	0,56	+0,72

2.2. жадвалдан кўриниб турганидек, ҳисобот йилида битта ишлаётганга тўғри келадиган ҳақиқатдаги ўртача йиллик иш маҳсули бизнес-режага

қараганда 928 сўм 56 тийинга ёки 1,3 %га ошган. Битта ишчига тўғри келадиган ўртача иш маҳсули бизнес-режага қараганда 554 сўм 96 тийинга ёки 0,64%га ошган. Битта ишлаётганга ва ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш маҳсули ўсиш суръатларида фарқ ходимлар умумий сонида ишчилар улушининг ўзгариши билан тушунтирилади. Битта ишчига тўғри келадиган ўртача кунлик иш маҳсули 54 сўм 81 тийинга ёки 15,43%га ошган. Битта ишчига тўғри келадиган йиллик ва ўртача кунлик иш маҳсулининг ўсиш суръатларидаги фарқ (100,64%; 115,43%) ишчи вақтининг кунлик йўқотишлари мавжудлиги билан тушунтирилади. Шундай қилиб, бир йилда ҳар бир ишчи томонидан 31,4 кун ишланмасдан қолган. 2.2. жадвал маълумотларидан яна шуни кўрса бўладики, ҳисобот йилида ҚМИ ҳажми бизнес-режага нисбатан 2180 минг сўмга ёки 2%га камайган. Бу камайишга 2та омил таъсир кўрсатган. Қуйида келтирилган омиллар ўзгаришининг таъсирини мутлақ фарқлар усули билан аниқлаймиз.

1. ҚМИда банд бўлган ишчилар ўртача рўйхатдаги сонининг ўзгариши (экстенсив омил). – 53х68638,32=3637,8.

2. Меҳнат унумдорлигининг ўзгариши (интенсив омил). +928,56х1570=+1457,8 минг сўм.

Омиллар мувозанати: (-3637,8) + (+1457,8)=-2180 минг сўм.

Бу сумма ҚМИ ҳажми бўйича мутлақ фарқ суммаси билан тўлиқ тўғри келади (1280 минг сўм). Энди юқорида кўрсатилган омиллар ўзгаришининг таъсирини занжирли ўрин алмаштириш усули билан аниқлаймиз.

Ҳисобнинг тартиб рақами	Ўрин алмаштиришнинг тартиб рақами	Ҳисоблаш формуласига тез-тез кирувчи омиллар		ҚМИнинг умумлаштирилган кўрсаткичи (минг сўм)	Аввалги ҳисобдан фарқ	Ўзгариши сабаблари
		Ишчилар сони	Меҳнат унумдорлиги			
А	Б	1	2	3	4	5
1	-	1623	68638,32	111400	-	-
2	1	1570	68638,32	107762	-3638	Ишчи кучи етишмаслиги
3	2	1570	69566,88	109220	+1458	Меҳнат унумдорлигининг ўсиши

Омиллар мувозанати: -2180 минг сўм.

2.2. жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, ҳисобот йилида меҳнат унумдорлигининг ҳақиқатдаги даражаси бизнес-режага қараганда 928 сўм 56 тийинга ошган. Бу ўсишга 2та омил таъсир кўрсатган:

1. Ишлаётганлар сони умумий таркибида ишчилар улушининг ўзгариши: +0,56х87031,25:100=+487 сўм 37 тийин ёки 487х100:928,56=52,5% меҳнат унумдорлигининг ўсиши экстенсив омил ҳисобига, яъни ишлаётганлар таркибида ишчиларнинг улушини ошириш натижасида олинган.

2. Битта ишчига тўғри келадиган ўртача иш маҳсули меҳнат унумдорлигининг +554,96х79,42:100=+440 сўм 74 тийин ёки 440,74х100:928,56=47,5 %га ўсиши интенсив омил ҳисобига, яъни, битта ишчига тўғри келадиган ўртача иш маҳсулини ошириш натижасида олинган.

Иккита омилнинг йиғинди таъсири: 487,07+440,80=928,17 бўлиб, бу меҳнат унумдорлиги даражасининг ошиш суммасига деярли тенг (928,56). 39 тийин фарқ (928,56-928,17) маълумотларни яхлитлаш ҳисобидан тушунтирилади. Ушбу омилларнинг таъсири фоиз кўринишида 100 %ни ташкил қилади (52,5+47,5).

Шундай қилиб, меҳнат унумдорлигининг 52,5%га ўсиши интенсив омил ҳисобига ва 47,5%и – экстенсив омил ҳисобига олинган. Бундай нисбат ўзаро нисбат номувофиқ ҳисобланади. Бизнингча, қурилиш ташкилотлари ҚМИ ҳажмининг ва меҳнат унумдорлигининг 80-90%га ўсишини интенсив омил ҳисобига олиши керак.

2.4. Меҳнат воситалари омилларини таҳлили.

Қурилишда саноатдаги каби асосий фондлар иккита гуруҳга бўлинади: ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш. Ўз навбатида ишлаб чиқариш фондлари шунингдек иккита қисмга бўлинади: актив ва пассив.

Актив қисмига қурилиш машиналари ва ускуналар, куч машиналари ва ускуналари, транспорт воситалари ва ҳ., яъни ишлаб чиқариш (ишлар ва хизмат кўрсатиш) жараёнида бевосита иштирок этувчи бошқа меҳнат воситалари, пассив қисмига эса – бино ва иншоотлар киради.

Асосий фондлар таҳлилининг асосий вазифалари қуйидагича:

- асосий ишлаб чиқариш фондларининг таркибини, тамойилларини ва техник ҳолатини аниқлаш;
- қурилиш ташкилотининг қурилиш машиналари ва механизмлари билан таъминланганлик даражасини аниқлаш;
- ҚМИни механизациялаштириш ва саноатлаштириш даражасини аниқлаш;
- қурилиш машиналари паркидан вақт ва қувват бўйича фойдаланиш даражасини аниқлаш;
- умумлаштирувчи кўрсаткичлар (фондоотдача ва фондоемкость) асосида ассоий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш даражасини аниқлаш.

Қуйидагилар асосий фондлар таҳлили учун маълумот манбаи бўлиб ҳисобланади:

- 3-сонли шакл «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот»;

- 1-нт-сонли шакл (қурилиш) «Қурилишни механизациялаштириш ва қурилиш машиналарининг ишлатилиши тўғрисида ҳисобот», қувват бўйича – 12-сонли шакл (қурилиш) «Асосий қурилиш машиналарининг мавжудлиги ва таркиби».

Қурилиш ташкилотларининг асосий фондларини ишлатиш таркиби, тамойили, техник ҳолати ва самараси саноат ва моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари кўрсаткичларининг таҳлилидан кам фарқ қилади.

Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги каби қурилишда ҳам асосий фондларнинг техник ҳолати уларнинг эскириш, янгиланиш, ишдан чиқиш ва яроқлилик коэффициенти билан тавсифланади. Бу коэффициентларни ҳисоблаш усуллари саноатдаги каби амалга оширилади.

Ҳисоблаш усулларининг ажралиб турувчи хусусияти фондоотдача билан боғлиқ. Қурилишда фондоотдача ўз кучи билан бажарилган ҚМИ ҳажмини хусусий ва ижарага олинган асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматига бўлиш орқали ҳисобланади.

Фондоотдача кўрсаткичи билан бир қаторда, асосий фондлардан фойдаланиш самарасини тавсифлаш учун фондоотдачага тескари бўлган кўрсаткич фондоемкост кўрсаткичи қўлланилади.

2.3. жадвалда келтирилган маълумотлар бўйича асосий фондларнинг фондоотдача кўрсаткичи бўйича кўриб чиқамиз.

2.3. жадвал

Асосий фондларни ишлатиш самарасининг таҳлили

№ т/р	Кўрсаткичлар	Ўлч. бирл.	Бизнес-режа бўйича	Ҳақиқатда	Мутлақ фарқ (+,-)
А	Б	В	1	2	3
1.	Смета қиймати бўйича ўз кучи билан бажарилган ҚМИ ҳажми	Минг сўмда	111400	109220	-2180
А	Б	В	1	2	3
3.	Шу жумладан актив қисми.	Минг сўмда	11740	11250	-490
4.	Асосий фондларнинг бир минг сўмидан фондоотдача (1-қатор/2-қатор)	Сўм	6715	7138	+423
5.	Асосий фондлар актив қисмининг бир минг сўмидан фондоотдача (1-қатор/3-қатор)	Сўм	9489	9708	+219
6.	Асосий фондлар актив қисмининг асосий фондлар умумий қийматидаги улуши	Коэф.	0,7076	0,7353	+0,0277

2.3. жадвалдан кўриниб турганидек, ҳисобот йилида ўз кучи билан бажарилган ҚМИ ҳажми 2180 минг сўмга бажарилмаган. Бу пасайишга иккита омил ўз таъсирини кўрсатган:

1. Барча асосий фондлар ўртача йиллик қийматининг ўзгариши:

-1290х6715=-8662,3 минг сўм.

2. Умумий фондоотдачанинг ўзгариши: +423х15300=6471,9 минг сўм.

3. Омиллар мувозанати: (-8662,3)+(+6471,9)=-2190,4 минг сўм. Бу сумма пудрат ишлари ҳажми бўйича мутлақ фарқ суммасига деярли тенг (-2180 минг сўм). +10,4 минг сўмни ташкил қилган фарқ ҳисоблашда маълумотларни яхлитлаш билан тушунтирилади. Шундай қилиб, ҳисобот йилида фондоотдача даражасининг кўтарилиши натижасида пудрат ишлари ҳажми 6471,9 минг сўмга ошган бўлиб, бу ижобий ҳодиса ҳисобланади.

Шунингдек 2.3. жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисобот йилида асосий фондларнинг бир минг сўмидан фондоотдача 423 сўмга кўпайган. Бу кўпайишга 2та омил ўз таъсирини ўтказган:

1. Асосий фондлар умумий қийматида актив қисми улушининг ўзгариши: умумий фондоотдачанинг +0.0277х9489=+262 сўм 85 тийин ёки 62% (262,85х100:423) га ўсиши экстенсив омил ҳисобига олинган.

2. Асосий фондлар актив қисми бир минг сўмидан фондоотдачанинг ўзгариши: умумий фондоотдачанинг +219х0,7352=161 сўм ёки 38% (161х100:423) га ўсиши интенсив омил ҳисобига олинган.

Иккита омилнинг умумий таъсири: +423 сўм 25 тийин (262,85+161).

Шундай қилиб, юқорида кўрсатилган омилларнинг ўзаро нисбатлари (62%, 38%) ижобий ҳодиса ҳисобланади, сабаби умумий фондоотдачанинг 38% ўсиши интенсив омил ҳисобига, яъни асосий фондлар актив қисмининг фондоотдачасини ошириш натижасида олинган.

Фондоотдачанинг таҳлилига алоҳида эътибор қаратиш лозим, сабаби кейинги йилларда бу самарали кўрсаткичда пасайиш тамойили мавжуд. Қурилишда фондоотдача пасайишининг асосий сабаблари қуйидагича: қурилишнинг узоқ муддатлари; капитал қўйилмаларнинг, модиий ва меҳнат ресурсларининг сарфланиб кетиши; моддий-техника таъминотининг ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг камчиликлари; машина паркининг юқори даражада эскирганлиги ва ҳ. Қурилиш ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусияти бу қурилишларда муайян фондлар гуруҳлари мавжудлиги бўлиб, улар қўлланилиш тавсифига қараб ҳам асосий, ҳам айланма маблағларга тегишли бўлиши мумкин. Булар нотитул иншоотлар дея аталиб, қурилиш (ҳавозалар, катлар ва ҳ.) жараёнига хизмат кўрсатадилар. Агар улар бир марта қўлланилса, унда улар айланма маблағлар ҳисобланиб, уларнинг қиймати тўлалигича қурилган объектга ўтказилади. Агарда нотитул иншоотлар бир нечта ишлаб чиқариш цикллари давомида қўлланилса, унда уларнинг қиймати қурилиш объектларига қисмлаб ўтказилади ва ўз табиатига кўра улар асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳисобланади.

Асосий фондлардан фойдаланиш самараси, биринчидан алоҳида машина ва механизмларнинг самарали қўлланилиши ҳисобидан; иккинчидан,

қўлланилиш тезлигини ошириш, янги техникани, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг илғор усулларини киритиш, қурилиш ишларининг механизациялаштириш ва саноатлаштириш даражасини ошириш.

2.5. Қурилиш ишларини саноатлаштириш бўйича бизнес-режанинг бажарилишини таҳлили.

Қурилишда меҳнат унумдорлигининг узлуксиз ўсиши мезанизациялаштириш воситаларини киритишдан, ҳаракатдаги машиналар қувватини оширишдан, уларнинг вақт бўйича ишлатилишидан ва йиғма тузилмаларнинг қўлланилишидан. Дастлабки баҳо механизациялаштириш даражаси кўрсаткичи бўйича берилади. Механизациялаштириш даражаси – машина ва механизмлар томонидан бажарилган ишлар ҳажмининг умумий ишлар ҳажмига нисбати.

Таҳлилда умумий ишлар ҳажми асосий турларининг режадаги ва ҳақиқатдаги механизациялашган даражаси, шу жумладан алоҳида ишларнинг комплекс механизациялаш~~ии~~тириш даражаси таққосланади. Бунда Умр ҳам қисман, ҳам тўлиқ механизациялашган ишларни ҳисобга олади, Умк кўрсаткичи эса – фақатгина барча асосий ва ёрдамчи операциялари машина ва механизмлар ёрдамида бажарилган ишларни ҳисобга олади. Бинобарин, фарқ [100-Умр] – қўлда бажарилган ишлар даражасини тавсифлайди.

Масалан: ер ишлари умумий ҳажми 83 минг м^3. Улардан 80 минг м^{3}и экскаваторлар томонидан бажарилган. Бундан ер ишларининг механизациялаш~~ии~~тириш даражаси қуйидагича:

$$\frac{\textbf{80000 м3x100}}{\textbf{83000}} = \textbf{96,5\%}$$

Механизациялаш~~ии~~тириш даражаси таҳлили алоҳида машина ва механизмлар мавжудлиги ҳамда қўлланилиши таҳлили билан тўлдирилади. Шу мақсадда ҳаракатдаги машина ва механизмларнинг ўртача рўйхатдаги кўрсаткчилари, ҳисобот даврида битта машинага тўғри келадиган иш маҳсули аниқланади ва машиналар сони ва уларнининг иш маҳсулининг ишлар ҳажмига ўзаро таъсири ўрганилади.

1) машиналар сони ўзгаришининг таъсири машиналар сонидаги фарқнинг битта машинага тўғри келадиган режадаги ўртача йиллик иш маҳсулига кўпайтириш орқали аниқланади.

2) иш маҳсулининг таъсири ҳисобот ва бизнес-режадаги ушбу кўрсаткич бўйича фарқни машиналарнинг ўртача рўйхат сонига бўлиш орқали келиб чиқади.

2.4. жадвал

Алоҳида машиналар ва механизмлар мавжудлиги ва қўлланилишининг таҳлили

№ т/р	Кўрсаткичлар	Бизнес-режа бўйича	Ҳисобот бўйича	Фарқ (+,–)
1.	Ер ишлари ҳажми, $м^3$	79000	83000	+4000
2.	Экскаваторларнинг ўртача рўйхат сони	25	28	+3
3.	Битта экскаваторга тўғри келадиган ўртача иш маҳсули (1-қатор/2-қатор)	3160	2964	-196

Бундан келиб чиқадики, ер ишлари бизнес-режасининг ортиғи билан бажарилишига қуйидагилар таъсир қилади:

1. Экскаваторлар сонининг ўзгариши:

+3х3160 $м^3$ = +9480 $м^3$.

2. Битта экскаваторга тўғри келадиган ўзгариш:

-196 $м^3$ х 28 = -5488 $м^3$.

Жами фарқ (+9480)+(5488)=+4000 $м^3$.

Шундай қилиб, қурилиш ташкилотининг механизмларни қўллашдаги фаолиятини салбий баҳолаш лозим, ер ишлари ҳажми 4000 $м^3$га ортиғи билан бажарилган бўлса ҳам. Аммо бу ўсиш экстенсив омил ҳисобига, яъни экскаваторлар сонини ўзгартириш натижасида

олинган, битта экскаваторга тўғри келадиган ўртача иш маҳсулининг камайиши сабабли ер ишлари ҳажми 5488 $м^3$га камайди.

Машиналар, механизмлар, асбоблар, транспорт билан таъминланганлик қурилишини механизациялаштиришга жиддий равишда даражада таъсир қилади. Бу қисмда ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг механик қуролланганлик, асосий фондлар тузилиши, уларнинг эскириши, янгиланиши, муомаладан чиқарилиши ва шунга ўхшаш кўрсаткичлар бўйича таҳлил ўтказилади.

Қурилиш ишлаб чиқариши техник ривожланишининг асоси бу унинг саноатлаштирилишидир, яъни блоклар, қурилмалар ҳамда бино ва иншоотларнинг йирик ўлчамли таркибий қисмларини кейинчалик қурилиш майдончаларида механизациялаштирилган йиғилишини кўзда тутган ҳолда завод шароитларида тайёрлашдир.

Саноатлаштириш даражаси – бу қўлланилган йиғма тузилмалар ва қисмлар қийматининг моддий харажатлар умумий суммасига бўлган фоизли нисбати. Қурилиш маҳсулотининг йиғилиш даражаси қанчалик баланд бўлса, унинг саноатлаштирилиш даражаси шунчалик юқори бўлади. Саноатлаштириш меҳнат унумдорлигини бир неча бор ошириш, қурилиш муддатларини тезлаштириш имконини беради, унинг сифатини оширишга ва ҚМИ таннархининг пасайишига олиб келади.

2.6. Қурилишларнинг моддий ресурслар билан таъминланганлиги ва уларнинг самарали қўлланилиши.

Қурилиш ташкилотининг ишлаб чиқариш дастурини муваффақиятли бажариш сезиларли даражада аниқ моддий-техника таъминотига, яъни материаллар, йиғма тузилмалар, қисмлар ва бошқа меҳнат воситалари мавжудлиги ва қўлланилишига боғлиқ.қурилишда аввало уларнинг объектни ишга туширишга таъсири ўрганилади. Шунингдек қуйидаги хусусиятларни ҳам ҳисобга олиш керак: қурилишни материаллар билан таъминлашда буюртмачиларнинг, бош пудратчиларнинг ва суб пудратчиларнинг иштироки ва мажбуриятлари, пудратчида эритма, бетон, йиғма темир-бетон маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича хусусий базаси мавжудлиги ва ҳ.

Моддий-техника таъминоти (МТТ) бўйича бизнес-режанинг бажарилиши ва унинг қурилиш ташкилотининг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсири саноатдаги каби амалга оширилади.

Шундай қилиб, моддий ресурсларнинг қўлланилиш самарасини тавсифловчи кўрсаткич бу ҚМИнинг умумий серматериаллиги бўлиб, у сарф қилинган моддий ресурслар қийматининг қурилиш ташкилотининг ўз кучи билан бажарилаётган ҚМИ ҳажмига нисбати билан аниқланади.

Моддий ресурсларнинг қўлланилиши самарасини тавсифлаш учун материалоемкость кўрсаткичига қарама-қарши қиймат бўлган материалоотдача кўрсаткичи қўлланилади.

Моддий ресурслар қўлланилишининг самарасини таҳлил қилиш манбалари қуйидагича:

- М-29-сонли шакл “Қурилишда материаллар сарфи тўғрисида ҳисобот” бўлиб, унда қурилиш объектлари ва ишлар турлари, ҳақиқатда бажарилган ишлар миқдори, ҳар бир иш турининг бирлигига ва умумий иш ҳажмига харажат меъёри санаб ўтилади;

- 2-С-сонли шакл “ҚМИ таннархи тўғрисида ҳисобот”;

- 2-сонли шакл “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”;

2.5. жадвалда келтирилган маълумотлар бўйича моддий ресурслар қўлланилишининг самарасини кўриб чиқамиз.

2.5. жадвал

Қурилиш ташкилотида моддий ресурслар қўлланилишининг самараси таҳлили

№ т/р	Кўрсаткичлар	Ўлч. бирл.	Бизнес-режа бўйича	Ҳақиқатда	Мутлақ фарқ (+,–)
А	Б	В	1	2	3
1.	Ўз кучи билан бажарилган ҚМИ ҳажми	Минг сўм	111400	109220	-2180
2.	Моддий харажатлар	Минг сўм	59350	92800	+3450
3.	Ишлар материалоемкости (2-қатор:1-қатор)	Тийин	53	57	+4

4.	Моддий харажатлар бир сўмига бажарилган ҚМИ ҳажми (материалоотдачадан) (1-қатор:2-қатор)	Сўм	1,8770	1,7392	0,1378

2.5. жадвалнинг маълумотларидан кўриниб турганидек, ҳисобот йилида ўз кучи билан бажарилган ҚМИ ҳажми бизнес-режага қараганда 2180 минг сўмга ёки 2,1 %га камайган. Бу камайишга қуйидаги иккита омил таъсир кўрсатган:

1) моддий харажатларнинг ўзгариши (экстенсив омил):

+3450 х 1,8770 = +6475,6 минг сўм;

2) материалоотдачанинг ўзгариши: -0,1378 х 62800 = -8653,8 минг сўм, жами фарқ (+6475,6)+(-8653,8) = -2178,2 минг сўм.

Шундай қилиб, моддий харажатлар ўсиши ҳисобига ҚМИ ҳажми 6475,6 минг сўмга ошди, материалоотдачанинг камайиши натижасида ишлар ҳажми 8653,8 минг сўмга камайди. Бу шуни билдирадики, ҚМИ ҳажми бўйича бизнес-режанинг бажарилишига фақатгина экстенсив йўл билан, яъни моддий харажатларни ошириш ҳисобига эришилмоқда.

Шунингдек 2.5. жадвалдан кўриниб турибдики, қурилиш ташкилоти бўйича ҳисобот йилида бажарилган ҚМИнинг 1 сўмига моддий харажатларнинг ортиқча сарфи 4 тийинни ташкил қилди. Материалларнинг ортиқча сарфи натижасида ҚМИ ҳажми 4368,8 минг сўмга камайди. Бу қурилиш ташкилотида моддий харажатларни камайтириш бўйича кураш олиб борилмаётганлигини билдиради.

2.7. ҚМИ таннархи таҳлили

Ҳар бир қурилиш ташкилотининг асосий вазифаси – бу иқтисод қилиш, ҚМИ таннархини пасайтириш тартибига қатъий риоя қилиш.

ҚМИ таннархи деганида қурилиш ташкилотининг ҚМИни бажаришга ва буюртмачига объектлар ва ишлар мажмуасини топширишга бўлган пул харажатлари тушунилади.

ҚМИ таннархи сифат кўрсаткичи бўлиб, унинг пасайиши қурилиш дастури бизнес-режаси бажарилишидаги каби омилларга боғлиқ: ишчи кучидан, механизациялаштириш воситаларидан ва қурилиш материалларидан, ҚМИни саноатлаштириш ва механизациялаштиришдан оқилона фойдаланиш ва х. ҚМИ таннархи тўғрисидаги ҳисоботда (Ф №2-С) қурилиш-монтаж ишлари қуйидагича келитирилади:

- смета қиймати бўйича;
- режадаги таннарх бўйича;
- ҳақиқатдаги таннарх бўйича.

Смета қийматидан юқори бадал ва имтиёзлар тартибида қопланадиган харажатлар алоҳида устунга ажратилади.

Қурилиш маҳсулотининг нархи унинг смета қиймати бўйича аниқланади. ҚМИнинг смета қиймати ишчи чизмалар ва ўрнатилган смета

меъёрлари ва баҳолари бўйича ҳисобланган ишларни бажариш харажатлари, шунингдек режали жамғармалар суммасини ўз ичига олади. Смета қиймати ҚМИ ҳажмлар ва бажарилган ишлар ҳисоб-китоблар учун, шунингдек шартнома баҳоларини аниқлашда асос бўлиб хизмат қилади. Агар смета қийматидан режали жамғармаларни айириб ташланса, смета таннархи юзага келади.

Қурилиш ташкилотлари хўжалик ҳисоби тамойиллари асосида иш юритади. Халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари каби улар ўз харажатларини даромадлари билан қоплашади ва ўз жамғармаларига эга.

Шу сабабли, ишларнинг смета қиймати қурилиш ишлаб чиқариши билан бир қаторда смета қийматидан 7,41% миқдорида режали жамғармаларни ҳам кўзда тутади.

Смета қийматининг қурилиши ташкилотида юзага келган ишлаш шароитларини ҳисобга олган ҳолда аниқланишини режали таннарх деб аташади. У смета қийматидан режали жамғармалар ва танарх пасайишидан иқтисод қилинган суммага камдир.

Айни пайтда режали таннархга бажарилган ишларнинг смета қийматидан ортиқ харажатлари ҳам киритилиб, уларни буюртмачи пудратчи қурилиш ташкилотига товон тариқасида қоплайди.

Ҳақиқатдаги таннарх ташкилот томонидан бажарилган қурилиш ва монтаж ишларини ишлаб чиқаришига кетган барча харажатларнинг пул шаклини кўрсатади.

ҚМИ таннархи таҳлилининг вазифалари қуйидагича: ишлар таннархи бўйича бизнес-режа бажарилишининг даражасини аниқлаш; ички заҳираларни аниқлаш ва қўллаш ҳамда қурилиш ташкилотининг ишини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

ҚМИ таннархи таҳлилида фойдаланиш учун маълумотлар манбаи бўлиб бизнес-режа, №2-С шакл бўйича ҳисобот, қурилишда асосий материаллар сарфи тўғрисида №29-м шакл бўйича ҳисобот, бухгалтерлик ҳисоби рўйхатлари ва ҳ. хизмат қилади.

ҚМИ таннархини псасйтириш бўйича бизнес-режанинг бажарилиш даражаси барча ишлар ҳажми бўйича ҳақиқатдаги таннархнинг режадаги таннарх билан ишларни бажариш харажатларининг турлари, қисмлари ва таркибий қисмлари бўйича ҚМИнинг бир сўмига бўлган харажатлар даражаси билан таққосланиши орқали ўрнатилади. Ҳақиқатдаги харажатларни смета билан ва ўтган йилнинг таннарх даражаси билан солиштириш лозим (2.6. жадвал).

2.6. жадвал.

ҚМИ таннархи даражаси

№ т/р	Ишлар турлари	Смета қиймати	Режадаги таннарх	Ҳақиқатдаги таннарх	Товон ва иимтиёзлар тариқасида

					қопланадиган харажатлар
А	Б	1	2	3	4
1.	Қурилиш ишлари (металл қурилмаларнинг ўрнатилишини ҳисобга олган ҳолда)	108220	105980	106400	1010
2.	Ускуналар ўрнатилиши	–	–	–	–
3.	Бино ва иншоотларнинг капитал таъмирланиши	1000	970	970	–

2.6. жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисобот йилида барча ишлар бўйича ҚМИнинг ҳақиқатдаги таннархи режадаги таннархдан 420 минг сўмга ошган (106950-107370). Бу ўсиш қурилиш ишларининг металл қурилмаларнинг ўрнатилишини ҳисобга олган ҳолда қурилиш ишларининг ўсиши сабабли юзага келган. Капитал таъмир бўйича харажатлар камаймаган.

Кейинги босқич бу ҚМИ таннархининг харажатлар таркибий қисмлари ва қисмлари бўйича таҳлилидир.

“Харажатлар таркиби тўғрисидаги” қонунга кўра барча харажатлар қуйидагича гуруҳланади:

1. Ишларнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:

а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлар;

в) ишлаб чиқариш тавсифидаги қўшимча харажатларни ўз ичига олган ҳолда бевосита ва билвосита харажатлар;

2. ҚМИ таннархига киритилмайдиган, аммо асосий фаолият даромадида ҳисобга олинадиган давр харажатларига киритиладиган харажатлар:

а) сотиш харажатлари;

б) маъмурий харажатлар;

в) бошқа амалиёт хараэатдари ва зарарлари;

3. Қурилиш ташкилотининг умумхўжалик фаолиятидан олинган фода ёки зарарни ҳисоблашда ҳисобга олинадиган молиявий фаолият бўйича харажатлар:

а) фоизлар бўйича харажатлар;

б) хорижий валюта опреациялари бўйича салбий курс фарқлари;

в) қимматбаҳо қоғозларга қўйилган маблағларнинг қайта баҳоланиши;

г) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар;

4. Даромад солиғини тўлагунга қадар фойда ёки зарарни ҳисоблашда ҳисобга олинадиган фавқулодда зарарлар.

ҚМИ таннархини шакллантирувчи харажатлар уларнинг қуйидаги таркибий қисмлар бўйича иқтисодий таркибига биноан гуруҳланади:

1. Ишлаб чиқариш моддий харажатлари;
2. Ишлаб чиқариш тавсифидаги меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари.
3. Ишлаб чиқаришга тааллуқли ижтимоий суғурталашга ажратмалар.
4. Асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскириши.
5. Ишлаб чиқариш йўналишидаги бошқа харажатлар.

Харажатлар таркибий қисмлари ва ҳисоб-китоб қисмлари бўйича ҚМИ таннархининг, бажарилган ҚМИнинг бир сўмига бўлган харажатлар, моддий харажатлар таҳлили усуллари кўп жиҳатдан саноат корхонасининг таҳлилига яқинлашади.

Мисол учун, материаллар нархи ва уларнинг сарф меъёри ўзгариши таннархга таъсир кўрсатишини аниқлаш мақсадида таҳлил қандай ўтказилишини кўриб чиқамиз (2.7. жадвал).

2.7. жадвал.

Моддий харажатлар таҳлили

Материаллар	Ўлчов бирлиги	Ишлар бирлигига харажатлар						Ҳақиқатдаги меъёр ва режадаги нархда	Умумий фарқ, минг сўмда, 8ус.-5ус.	Ўзгариш ҳисобидан фарқ	
		Меъёр бўйича			Ҳақиқатда						
			Нарх, сўм			Нарх, сўм					
		Миқдор	Бирлик	Жами	Миқдор	Бирлик	Жами			Сарф меъёри, сўм 9ус.-5ус.	Нарх, сўм 8ус.-9ус.
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Темир-бетон қурилмалар	М	3	37000	129500	3,5	40000	136000	125800	+6500	-3700	+10200

2.7. жадвалдан кўриниб турибдики, қурилиш ташкилотида 1 м^3 темир-бетон қурилмалари қиймати бўйича +6500 сўмга ортиқча харажатга йўл қўйилган. Бунда темир-бетон қурилмаларининг иш бирлигига сарф меъёрини камайтириш ҳисобига харажатлар –3700 сўмга камайган, аммо ҳақиқатдаги нархнинг режадагига қараганда кўтарилиши харажатларнинг +10200 сўмга

ошишига олиб келди. Иккала омилнинг ялпи таъсири 6500 (+10200)+(-3700) сўм фарқни келтириб чиқарди.

2.6. Молиявий натижалар ва рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлили.

Фойда пудратчи қурилиш ташкилотлари фаолиятининг энг муҳим иқтисодий баҳолаш кўрсаткичи ҳисобланади. Қурилиш ташкилотининг режадаги фойда бўйича бизнес-режаси қуйидагилардан ташкил топади: сметада кўзда тутилган ва смета қийматининг 7,14 % миқдорини ташкил қилган режа жамғармалари суммаси; объектлар ва ишлар мажмуи бўйича ҚМИ таннархининг камайишидан иқтисод.

Фойданинг ҳақиқатдаги суммаси топширилаётган объект ва ишлар мажмуининг смета қиймати билан уларнинг ҳақиқатдаги таннархи ўртасида фарқ сифатида ҳисобланади.

Агарда қурилишнинг ҳақиқатдаги қиймати келишилган нарх ёки смета қийматидан баланд бўлса, фарқ қурилиш-монтаж ташкилоти ва унинг субпудратчи ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларида зарар сифатида кўрсатилади.

Қурилишда ишларни топширишдан фойда қуйидагича хусусиятларга эга: объект қурилишининг бутун муддати мобайнида шаклланади; нафақат ҳисобот йили, балки ўтган йиллар ишларининг натижаси ҳисобланади; объект бўйича шаклланади, ҳисоб-китоби эса қурилиш ташкилоти бўйича умумий амалга оширилади.

Қурилиш ташкилоти фаолиятининг янада умумлаштирувчи кўрсаткичи бу соф даромад кўрсаткичидир. Унинг ҳисоб-китоби учун охирги натижага таъсир қилган фойданинг бир қатор оралиқ кўрсаткичларини аниқлаб олиш зарур. Бунда фойданинг оралиқ кўрсаткичлар ҳисобот даврида қурилиш ташкилоти фаолиятининг самаралигини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун мустақил қийматга эга бўлади. “Харажатлар таркиби тўғрисида”ги қонунга кўра қурилиш ташкилоти фалоиятининг молиявий натижалари фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади:

1. Топширилаётган объектлар ва ишлар мажмуидан тушган умумий фойда ишларни бажаришдан тушган тушум билан бажарилган ҚМИ таннархи ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Пудратчи ташкилот учун буюртмачига топширилган ва у қабул қилган қурилиш ва монтаж ишлари сотилган маҳсулот ҳисобланади.
2. Ишларни бажаришдан тушган умумий фойда ва давр харажатлари плюс ёки минус асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари (зарарлари) ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг даромади.
3. Умумхўжалик фаолиятидан фойда алгебраик сумма сифатида ҳисобланувчи сумма: асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан даромадлар плюс

дивидендлар, фоизлар кўринишидаги даромадлар плюс ёки минус хорижий валюта опреацияларидан даромадлар(заралар), плюс ёки минус инвестицияларни қимматбаҳо қоғозга қайта баҳолашдан даромадлар(зарарлар) минус фоизларни тўлаш бўйича харажатлар.

4. Солиқ тўлагунга қадар фойда умумхўжалик фаолиятидан фойда ва фавқулодда фойда ва зарарлар қолдиғининг алгебраик суммаси сифатида аниқланади.

5. Солиқлар тўланганидан кейин қурилиш ташкилотининг ихтиёрида қолувчи соф даромад солиқ тўлагунга қадар фойданинг даромад солиғи ва солиқ ҳамда тўловлардан ташқари суммасидир. Қурилиш ташкилотининг молиявий натижалари таҳлили усуллари саноат корхонасининг ушбу кўрсаткичлари таҳлилидан кам фарқ қилади. Мисол учун, умумий фойданинг ўзгаришига таъсир қиладиган омиллар таҳлилининг усулларини кўриб чиқамиз.

жадвал.

Қурилиш ташкилоти Умумий фойдаснинг ўзгаришига таъсир қиладиган омиллар таҳлили

Минг сўмда

№ т/р	Кўрсаткич	Шаклдаги қатор сони	Ўтган давр ҳисоботи бўйича	Асосий нархларда ва таннархда бажарилган ишларнинг ҳақиқатдаги ҳажми	Ҳисобот йилида бажарилган ишларнинг ҳақиқатдаги ҳажми
А	Б	В	1	2	3
1.	Бажарилган ва буюртмачига топширилган ишлар ҳажми	010 2-ш.	106700	108250	109220
2.	Бажарилган ишларнинг ишлаб чиқариш таннархи	020 2-ш.	104980	105225	106450
3.	Ишларни сотишдан умумий фойда	030 2-ш.	1720	3025	2770

2.7. жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, ҳисобот йилида буюртмачиларга топширилган ҚМИдан умумий фойда ўтган йилга қараганда 1050 минг сўмга ёки унинг ўсиш суръатлари 161,1%ни ташкил қилди. Бу ўсишга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди:

1. Ишларни бажаришдан тушган тушум кўрсаткичи орқали намоён бўлувчи смета ёки шартнома нархининг ўзгариши. Жорий ва асосий

нархларда ҳақиқатдаги бажарилишни солиштириб, бу омилнинг умумий фойдага таъсирини топамиз: умумий фойданинг 109220-108250=+790 минг сўмга ёки 92,4%га (970х100:1050) ўсиши сотиш нархларини кўтариш ҳисобига олинган.

2. Бажарилган ва буюртмачига топширилган қурилиш ишлари таннархининг ўзгариши: 106450-105225=+1225 минг сўм. Ишлар таннархининг қимматлашиши умумий фойда 1225 минг сўмга ёки 16,6 %га (1225х100:1050) тушиб кетган.

3. Ишларни бажаришдан тушган тушумнинг ўзгариши. Буюртмачига топширилган ишлардан тушган тушум ҳажмининг таъсирини аниқлаш учун, бу ҳажм нисбатан қанчалик ўзгарганини аниқлаймиз. Бунинг учун 2.7. жадвал маълумотлари бўйича қуйидагича ҳисоб-китоб қиламиз.

А) 108250х100:106700=101,45%

Б) 1,45х1720:100=179,7 минг сўм

Ишларни бажаришдан тушган тушумнинг кўпайиши натижачида умумий фойда 179,7 минг сўмга ёки 17,1 %га ортди (179,7х100:1050).

4. Бажарилган ҚМИ тузилишини ўзгартириш. Бажарилган қурилиш ишлари турли хиллари турлича рентабеллик даражасига эга экан, ишлар тузилишининг бузилишида қўшимча фойда ёки зарар олиш мумкин. Саноатдаги каби бу омилнинг таъсири иккита йўл билан аниқланади.

1. Баланс ҳисоби йўли билан, яъни фойданинг умумий фарқидан илгари ҳисобланган фарқ омиллари олиб ташланади ва умумий фойда миқдорига ишлар тузилишининг ўзгариши кўрсатилади. (+1050)-(970-1225+179,7)=+1125,3 минг сўм. Омиллар мувозанати: (970-1225+179,7+1125,3)=+1050 минг сўм. Бунда таъкидлаб ўтиш лозимки, илгари ҳисобланган омиллар тўғри бўлган ҳолатдагина ҳисоб-китоб тўғри қилинган бўлади. Шунинг учун амалиётда иккинчи усул қўлланилиб, унда ишлар тузилиши ўзгаришининг таъсири қуйидагича тартибда аниқланади: ишларни бажаришдан тушган тушумнинг ва бажарилган ишлар таннархининг ўсиш суръатларидаги фарқ олиниб ўтган йилги ҳисобот бўйича ишлаб чиқариш таннархи суммасига кўпайтирилиб юзга бўлинади.

а) ишларни бажаришдан тушган тушумнинг ўсиш суръатлари 108250х100:106700=101,45%;

б) бажарилган ишлар таннархининг ўсиш суръатлари 105225х100:104980=100,23%

в) ўсиш суръатларидаги фарқ 101,45-100,23=+1,22%

г) +1,22х104980:100=+1280,7 минг сўм.

Омиллар баланси [970-1225+179,7+1280,7]=+1205,4 минг сўм.

Шундай қилиб, тузилишдаги ўзгаришлар ҳисобига қурилиш ташкилотининг умумий фойдаси 1280,7 минг сўмга кўпайди. Бу шуни кўрсатадики, бажарилган қурилиш ишлари тузилишида янада “фойдалироқ” ишлар улуши ортган.

Ҳисоб-китоблар натижаларини умумлаштирамиз. Ишларни бажаришдан тушган умумий фойда ўтган йилга қараганда қуйидаги омиллар таъсири остида ўзгарган:

- сотиш нархларининг ўсиши +970 минг сўм.
- таннархнинг қимматлашиши –1225 минг сўм.
- тушумнинг кўпайиши+179,7 минг сўм.
- ишлар тузилишининг ўзгариши +1125,3 минг сўм.

Фарқлар суммаси +1050 минг сўм.

Шундай қилиб, биз аниқ мисолда қурилиш ташкилотининг ишларни бажаришдан тушган умумий фойдаси ўзгаришига таъсир қиладиган омилларни таҳлил қилиш усулини кўриб чиқдик. Кейинчалик молиявий ахборотдан фойдаланувчилар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда усуллар такомиллаштирилиб борилиши лозим.

Асосий ишлаб чиқаришдан, умухўжалик фаолиятидан, солиқ тўлангунга қадар ҳамда соф даромаднинг омилий таҳлил усуллари саноат корхонасининг ушбу кўрсаткичлари таҳлилидан кам фарқ қилади.

Рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили

Рентабеллик – умуман халқ хўжалиги тармоқларида самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири. Қурилиш ишлаб чиқариши самарадорлигининг мутлақ қийматини кўрсатувчи фойда кўрсаткичидан фарқли ўлароқ, рентабеллик унинг нисбий қийматини кўрсатади.

Рентабеллик даражасининг ва унинг ўзгариш сабаблари таҳлили қурилиш ташкилотилари ишининг самарадорлигини ошириш заҳираларини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Қурилиш ташкилотиларининг хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда маблағлардан фойдаланишнинг турли даражадаги самарасини тавсифловчи турли хил рентабеллик кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилади.

Қурилишда қуйидагича рентабеллик кўрсаткичларини қўллаш тавися қилиш мумкин: умумий активлар(мулк) рентабеллиги; хусусий капитал рентабеллиги; асосий капитал рентабеллиги; доимий капитал рентабеллиги; қарзга олинган капитал рентабеллиги; реал асосий капитал рентабеллиги ва ҳ.к.Қурилиш ташкилоти Рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари саноат корхонасининг ушбу кўрсаткичлари таҳлилидан кам фарқ қилади.

2.7. Молиявий ҳолат таҳлили.

Молиявий ҳолат таҳлили қурилиш-монтаж ташкилоти хўжалик фаолияти мажмуавий таҳлилининг якунловчи босқичи бўлиб ҳисобланади. Молиявий ҳолат деганда пудратчи ташкилотнинг қурилиш ишлаб чиқариши жараёнини пул маблағлари билан таъминлаб бериш ва тўлов мажбуриятларини амалга ошириш қобилияти тушунилади. Қурилиш-монтаж ташкилоти ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун устав капитали билан таъминланиб, у бириктирилган маблағлар миқдорини кўрсатади. Устав капитали ва қурилиш ташкилотининг ихтиёрида қолувчи фойда қисми қурилиш ташкилотининг хусусий маблағларини ташкил қилади.

Қурилиш ташкилотлари молиявий ҳолати таҳлилининг хусусиятлари қурилиш-монтаж ишлаб чиқаришини ташкил қилишнинг, хўжалик ҳисобининг, бош пудратчилар, суб пудратчилар ва буюртмачилар молиявий алоқаларининг, шунингдек айланма маблағларни шакллантириш манбалари ва уларни жойлаштиришдаги фарқларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади.

Шундай қилиб, пудратчи ташкилотлар айланма маблағларнинг хусусий манбалари ҳамда уларга тенглаштирилган манбаларга эга, шунингдек банк кредитларидан фойдаланишади. Бу қисм бўйича улар ва саноат корхоналари ўртасида ўхшашлик мавжуд. Аммо охиргиларидан фарқли ўлароқ, пудратчи ташкилотлар буюртмачилардан пудрат шартномаси бўйича олинадиган бўнак кўринишидаги яна битта айланма маблағлар манбасига эга.

“Харажатлар таркиби тўғрисида”ги низомнингнинг кучга киритилиши Ўзбекистондаги бухгалтерлик ҳисоби тизимининг халқаро ҳисоб андозаларига яқинлаштиришда энг муҳим қадам ҳисобланади. Хусусан, халқ хўжалигининг турли тармоқларида ягона молиявий ҳисобот шаклларини қўллаш молиявий натижалар ва молиявий ҳолат таҳлилининг усулларидаги фарқни йўқотади. Қурилиш ташкилотлари молиявий ҳолатининг таҳлили саноатдаги каби муайян кетма-кетликка олиб боради, чунончи аввало қурилиш ташкилоти мулкининг таркиби аниқланади: узоқ муддатли ва айланма активлар; айланма маблағлар таркиби; товар-материал заҳиралари, дебиторлар ва пул маблағлари; заҳиралар ва харажатлар ҳолати; мулкка қўйилган маблағлар манбаларининг тузилишини ва хусусий айланма маблағлар мавжудлиги ва уларнинг ўзгариш сабаблари аниқланади. Кейин молиявий барқарорликни тавсифловчи кўрсаткичлар таҳлил қилинади: хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти, қарз маблағларини узоқ муддатга жалб қилиш коэффициенти, хусусий маблағлар ҳаракатчанлиги коэффициенти, эскириш йиғилиши коэффициенти, қурилиш ташкилоти мулкида асосий ва моддий айланма воситаларнинг реал қиймати коэффициенти. Сўнгра ликвидлик (тўловга қобиллик) кўрсаткичлари таҳлил қилинади: жорий ликдвидлик коэффициенти, муддатли ликвидлик коэффициенти, мутлақ ликвидлик коэффициенти ва қурилиш ташкилотининг ишбилармонлигини тавсифловчи кўрсаткичлар таҳлили билан тугатилади: айланма маблағлар айланувчанлик коэффициенти, дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигининг айланувчанлик коэффициенти, дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигининг кунлик айланувчанлиги коэффициенти.

Қурилиш ташкилоти молиявий ҳолати таҳлилининг асосий вазифалари қуйидагича: қурилиш ташкилотининг ҚМИ бизнес-режасини бажариш учун зарур пул маблағлари билан таъминланганлиги, ички заҳираларни ишга солиш, хусусий айланма маблағларни сақлаб қолиш, кредитларни мақсадли ишлатиш, бюджет, банк, буюртмачилар, етказиб берувчилар олдидаги мажбуриятларини бажариш бўйича ва қурилиш ташкилоти ишининг самарасини оширишга қаратилган бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбалари бу “Бухгалтерлик баланси” (№1-шакл), “Молиявий натижалар тўғрисидаги

ҳисобот” (№2-шакл), “Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот” (№3-шакл), “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот” (№4-шакл), “Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот” (№5-шакл) “Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумот” (№2А-шакл), шунингдек ҳисобдан ташқари маълумотлар.

Қурилиш ташкилотининг молиявий ҳолатини тавсифловчи юқоридаги кўрсаткичларни ҳисоблаш ва таҳлил қилиш усуллари саноат корхонасининг ушбу кўрсаткичлари таҳлилидан кам фарқ қилади. Шундай қилиб, қурилиш ташкилотининг молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ва ишбилармонлигини умумлаштирувчи кўрсаткич бу жорий автиклар айланувчанлиги кўрсаткичидир. Пудратчи ташкилотнинг жорий активлари айланувчанлигини ҳисоблаш саноатдагидан фарқли ўлароқ, ўз кучи билан бажарилган (бош пудратчи) ҚМИ ҳажмидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Масалан, активлари айланувчанлиги кўрсаткичини ҳисоблаш усулларини келтирамиз:

А) саноатда:

$$\text{жорий активлари айланувчанлиги коэффициенти} = \frac{\text{Сотишдан тушган соф тушум, №2-шакл, 010 қатор}}{\text{Жорий активларнинг ўртача қиймати, №1-шакл, 390 қатор}} = \text{марта}$$

Б) қурилиш ташкилотида:

$$\text{жорий активлари айланувчанлиги коэффициенти} = \frac{\text{Бажарилган ва буюртмачига топшрилиган ҚМИ ҳажми, №2-шакл, 010 қатор}}{\text{Жорий активларнинг ўртача қиймати, №1-шакл, 390 қатор}} = \text{марта}$$

2.8. Умумий хулоса.

Ушбу мавзуни ўрганиш натижасида талаба қурилиш-монтаж ташкилоти таҳлилини ташкил қилиш асосий тамойиллари ва хусусиятларини билиши лозим, чунончи, пудрат ишлари бизнес-режаси бажарилиши таҳлилининг усулларини, меҳнат унумдорлиги таҳлилининг хусусиятлари, асосий фондлар ва моддий ресурслардан фойдаланиш самараси, шунингдек

молиявий натижаларни шакллантириш асосий тамойиллари, бир қатор фойда кўрсаткичлари, рентабеллик ва молиявий ҳолат таҳлилининг усуллари.

2.9. Мавзуга доир калит сўзлар.

Пудрат ҚМИ дастури, асосий фондларни ишга тушириш ва ишлар мажмуи бизнес-режасининг бажарилиши, пудрат ишлари бизнес-режасининг бош пудратчи ва суб пудратчилар кучлари билан бажарилиши; меҳнат омиллари, меҳнат воситалари омиллари; меҳнат предметлари омиллари; меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари; асосий воситалар ва моддий ресурслардан фойдаланиш самараси; механизациялаштириш ва саноатлаштириши даражаси; қурилиши маҳсулотининг нархи; смета қиймати; смета таннархи; режадаги таннарх; ҳақиқатдаги таннарх; харажатлар таркибий қисмлари ва қисмлари бўйича ҚМИ таннархининг таҳлили; моддий харажатлар; шартнома нархи; фойданинг оралиқ кўрсаткичлари; соф даромад; рентабеллик кўрсаткичлари; мулк таркиби; мулк шаклланиши манбалари; заҳиралар ва харажатлар; қурилиш ташкилотининг хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлиги; молиявий барқарорликни тавсифловчи кўрсаткичлар; тўлов қобилияти кўрсаткичлари; қурилиш ташкилотининг ишбилармонлигини тавсифловчи кўрсаткичлар.

2.10. Талабаларнинг билимларини текшириш саволлари.

1. Пудрат ишлари бизнес-режасининг бажарилишини қандай аниқлаш мумкин?
2. Пудрат ишлари бизнес-режаси бажарилишининг таҳлилида ўрганиладиган саволлар доираси ва уларни кўриб чиқиш кетма-кетлиги қандай?
3. ҚМИ ҳажмига таъсир қилувчи омиллар қандай гуруҳланади?
4. Пудратчи ташкилотларнинг меҳнат омиллари таҳлили хусусиятлари қандай?
5. Қурилиш ташкилотининг асосий воситалардан фойдаланиш самарасининг таҳлили хусусиятлари қандай?
6. Қурилишда моддий харажатлар таҳлилининг хусусиятлари қандай?
7. Қурилишнинг саноатлаштирилган усулларини киритиш кўрсаткичларини қандай таҳлил қилиш керак ва уларнинг меҳнат унумдорлигига таъсирини қандай?
8. ҚМИ таннархи қандай таркибий қисмлардан ташкил топган?
9. Қурилиш маҳсулотинин нархи қандай аниқланади?
10. Смета қиймати қандай аниқланади?
11. Смета таннархи қандай аниқланади?
12. ҚМИ режадаги таннархи қандай аниқланади?
13. ҚМИнинг ҳақиқатдаги таннархи нима дегани?

14. Пудратчи ташкилотнинг даромади манбалари қандай?
15. Пудратчи ташкилотнинг фойдаси кўрсаткичлари таҳлилининг хусусиятлари қандай?
16. Рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлили хусусиятлари қандай?
17. Қурилиш ташкилоти молиявий ҳолати таҳлилининг хусусиятлари қандай?

2.11. Ахборот-услубий таъминот.

1. Асосий адабиёт

1. Деркач Д. М. Анализ производственно-хозяйственной деятельности подрядных строительных организаций. М. «Финансы и статистика», 1990 г.
2. Жарковская Е. П. и др. Анализ хозяйственной деятельности строительных организаций. М. Стройиздат, 1989 г.

2. Қўшимча адабиёт

1. Андронова В.Н., мизиковский Е.А. «Учет и анализ финансовых активов» М.: «Финансы и статистика», 1995 г.
2. Ковалев В.В. «Финансовый анализ» М.: «Финансы и статистика», 1995 г.
3. Шеремет А.Д., Негашев Е.В., «Методика финансового анализа»: М.: ИНФР-М, 1999 г.
4. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. ЎР Вазирлар маҳкамаси, 1995, 1999 й. й.

3 – мавзу: Қишлоқ хўжалик ташкилотларининг хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлили.

Режа:

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини таҳлил қилишда таҳлилнинг аҳамияти ва вазифалари.

Дехқончилик бўйича ишлаб чиқариш дастурининг бажаралиши таҳлили:

а) ер фонди билан таъминланганлик ва ундан фойдаланиш;

б) агротехник чора-тадбирлар режасини бажариш;

в) ўсимликшунослик маҳсулотининг умумий миқдори ва унга экин майдонларининг ва ҳосилдорликнинг таъсири;

Чорвачилик бўйича ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини таҳлил қилиш:

а) қишлоқ хўжалиги чорвасининг мавжудлиги ва ҳаракати;

б) маҳсулдорлик бўйича режанинг бажарилиши;

в) чорвачилик маҳсулотининг умумий миқдори режасининг бажарилиши ва унга чорванинг бош сони ва маҳсулдорлиги таъсири;

г) 100 га қишлоқ хўжалиги ерларига тўғри келадиган бош сони ва маҳсулот миқдори.

Меҳнат омиллари таҳлили.

Меҳнат воситалари омиллари таҳлили.

Ер-сувдан фойдаланиш таҳлили.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таннархининг таҳлили.

Молиявий натижалар таҳлили.

Молиявий ҳолат таҳлили.

Умумий хулоса.

Мавзуга доир калит сўзлар.

Талабаларнинг билимларини синаш учун саволлар.

Ахборот-услубий таъминот.

3.1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини таҳлил қилишда таҳлилнинг аҳамияти ва вазифалари.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида асосий вазифа бўлиб, аҳолининг озиқ-овқатлар маҳсулотига бўлган, саноатнинг эса қишлоқ хўжалиги хом ашёсига бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришни яхшилаш мақсадларида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни сезиларли даражада оширишдир.

Саноатнинг кўпгина тармоқлари муваффақиятли ривожланиши, миллий даромаднинг ўсиши, халқнинг моддий фаровонлиги ошиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришни ошириш суръатларига боғлиқ. Шунинг учун ҳам республика ҳукумати мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг янада ривожланишига катта эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига биноан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг фаолиятини яхшилаш ҳамда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан моддий манфаатдорликни кучайтириш бўйича бир қатор муҳим чора-тадбирлар амалга оширилган. Масалан, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини сотиб олиш нархлари кўтарилган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини давлатга режадан ортиқ сотилишига янада юқорироқ нархлар киритилган. Барча ушбу чора-тадбирлар ишлаб чиқариш олдидаги тўсиқларни аниқлаш ва бартараф қилишда амалий ёрдам кўрсатишга, юқори сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришни барқарор ошириш, унинг таннархини камайтириш, даромадлилигини ва рентабеллигини ошириш бўйича ички заҳираларни аниқлаш ва қўллашга қаратилган. Ушбу мақсадда қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ишлаб чиқарилиши хизмат кўрсатувчи тармоқлар билан янада яқинроқ бирлашуви йўллари, маҳсулотни қайта ишлаш ва сотиш, мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан янада тўлиқроқ фойдаланиш,

ИТТ (илмий-техника тараққиёти) жадаллашуви асосида меҳнат унумдорлигини ошириш, жамоа ва оила пудрати, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш, молия-кредит воситаларининг таъсирчанлигини ошириш ва одамнинг ерда бегоналашишини енгиб ўтиш асосида инсон омилини фаоллаштириш йўллари кўрсатилиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг фаолиятини таҳлил қила туриб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича бизнес-режанинг бажарилишини, унинг давлатга сотилишини, фойда режалари ва бюджетга тўловларни, чорванинг ўзида ишлаб чиқарилган ем-хашак билан таъминланганлигини, асосий фондлар, айниқса қишлоқ хўжалиги машиналаридан фойдаланишни, хусусий айланма маблағларни, меҳнат бўйича бизнес-режанинг бажарилишини, капитал қўйилмалар ва асосий подани шакллантириш бизнес-режасининг бажарилишини, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банклар билан кредит бўйича ўзаро муносабатларини, тайёрловчилар билан ҳисоб-китобларни, дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини ва ҳ.ни синчиклаб текшириш лозим.

Таҳлил жараёнида ўтган давр учун молиявий натижаларнинг ўзгариш сабабларини аниқлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш ва рентабелликни ошириш заҳираларини аниқлаш лозим. Катта эътибор товар-моддий бойликларининг сақланганлигига қаратилиши лозим. Таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири бу ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланишни, қишлоқ хўжалиги корхоналари ишининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини яхшилашни текшириш лозим.

Ишлаб чиқариш дастури бажарилишининг таҳлили манбалари йиллик ҳисоботнинг қуйидаги шаклларида мавжуд маълумотлардир: “Маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва таннарх камайиши ҳақидаги кўрсаткичлар”, “Ўсимликшунослик маҳсулотининг ишлаб чиқарилиши ва таннархи”, “Чорва ҳаракати”, “Маҳсулот сотилиши”, “Меҳнат бўйича ҳисобот” ва “Бизнес-режа”. Йил давомида тезкор таҳлил учун тезкор, статистик, бухгалтерлик ҳисобининг маълумотлари, бирламчи ҳужжатлар, шунингдек ҳисобдан ташқари маълумотлар қўлланилади.

3.2. Деҳқончилик бўйича ишлаб чиқариш дастурининг бажаралиши таҳлили.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариш дастурининг бажаралиши таҳлили ялпи ва товар маҳсулотини ишлаб чиқариш режаси бажарилишини кўриб чиқишдан бошланади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ялпи маҳсулот деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларидан такшил топган бўлиб, йил давомида ишлаб чиқарилган ялпи ижтимоий маҳсулот қисми ҳисобланади.

Ялпи маҳсулотга қуйидагилар киради:

Деҳқончилик бўйича: шу йилнинг ҳосилидан олинган хом маҳсулотлар қиймати, янги кўп йиллик ниҳолларни етиштириш қиймати ва тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматининг ўзгариши;

Чорвачилик бўйича: чорвани етиштириш ва ундан фойдааланиш натижасида олинган хом маҳсулотлар қиймати (сут, жун, тухум, асал ва ҳ.), чорва, парранда ва бошқа қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини етиштириш қиймати (янги туғилган ва қўшилган вазн қиймати). Ялпи маҳсулот жорий ва солиштирма нархларда аниқланади.

Товар маҳсулот – давлатга топшириш, ходимларга берилган ва ялпи маҳсулотга кирувчи ҳ.

Товар маҳсулоти деганда ишлаб чиқарилмаган ва хўжалик чегарасидан чиқмаган маҳсулот тушунилади.

Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан фарқли ўлароқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг салмоқли қисми товар эмас, сабаби у хўжаликда ички истеъмол учун қолади.

Товар маҳсулотларига давлатга топширилган, ходимларга берилган ва бошқа йўллар билан сотилган, воситачиликка топширилган маҳсулотлар киради. Шунинг учун таҳлил қилишда нафақат маҳсулот сотилиши режасининг бажарилишини, балки ишлаб чиқаришнинг товарлик даражасини ўрганиш лозим.

Товарлик даражаси товар маҳуслотининг ялпи маҳсулотга нисбати сифатида ҳисобланади. Товар маҳсулотлари режасининг бажарилишини аниқлаш учун ялпи маҳсулотни ҳисоблашда қўлланиладиган харид ва топшириш нархларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ўсимликшуносликни ер фондини ўрганишдан бошлаш керак, бунда унинг тузилиши, яъни шудгорлар, яйловлар, боғлар, узумзорлар ва бошқаларнинг ер фондидаги улуши аниқланади.

Таҳлил вазифаси бу фойдаланилмаган ерларни аниқлаш, шунингдек алоҳида қишлоқ хўжалиги экинлари учун шудгорларни ўрганиш ҳамдир. Шудгорлар тузилиши алмашлаб экишнинг тўғрилиги ҳақида муҳокама қилиш имконини беради. Ундан кейин қишлоқ хўжалиги экинлари кесимида ҳоислдорлик режасининг бажарилиши текширилади, яъни битта гектарга тўғри келадиган маҳсулот миқдори кўрсаткичи. Агротехник чора-тадбирлар баҳоланади, яъни белгиланган муддатларда экиш ва йиғим-терим режасининг, ўғитлар бериш, суғориш ва бошқа ишлар режасининг бажарилиши. Барча ушбу чора-тадбирлар ҳосилдорликни ошириш имкониятини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Ўсимликшунослик маҳсулотининг ялпи ишлаб чиқарилиши ҳажми иккита кўрсаткич билан аниқланади:

1) экиш майдони;
2) ҳосилдорлик.

Таҳлил қилишда юқоридаги омилларнинг ялпи йиғим бўйича режанинг умумий фарқига ўзаро таъсири аниқланади.

3.1. жадвал

Экин майдонлари ва экинларнинг ҳосилдорлиги режасини бажариш таҳлили ва улар ўзгаришининг ўсимликшуносликнинг ялпи йиғимига таъсири. (ғалла)

№ т/р	Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳисобот бўйича	Фарқ (+,–)	
				Мутлақ	%да
А	Б	1	2	3	4
1	Ялпи йиғим (цент) (2-қатор х 3-қатор)	9660	10586	+926	+9,5
2	Экин майдони (га)	46	485	+25	+5,4
3	1 га.дан ҳосилдорлик 3,1	21	21,83	+0,83	+4

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисобот йилида ғалланинг ялпи йиғими режага қараганда ҳақиқатда 926 центнерга ошди. Бу ўсишга иккита омил таъсир кўрсатди:

1. Экин майдонининг ўзгариши: ғалла экинларининг +25х21=+525 центнер ёки 56,7% [525х100:926] ўсиши экстенсив омил ҳисобига, яъни экин майдонини кўпайтириш натижасида олинган.

2. Бир гектардан олинадиган ҳосилдорликнинг ўзгариши: =0,83 х 485 = +402,5 центнер ёки ғалла экинларининг 43,3% [402,5 х 100 : 926] ўсиши интенсив омил ҳисобига, яъни битта гектардан олинадиган ҳосилдорликнинг ўсиши натижасида олинган.

Омиллар мувозанати: 525+402,5 = 927,5 центнер, фоиз нисбатида 56,7 + 43,3 = 100%. Юқоридаги ҳисоб-китобдан кўриниб турибдики, ғалла экинларининг 56,7 %га ортиши экстенсив омил ҳисобига, 43,3%и интенсив омил ҳисобига олинган. Бу нисбат ҳам ижобий эмас. Бизнингча, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг интенсив омил ҳисобига ўсиши 80-90%ни ташкил қилиши лозим.

3.3. Чорвачилик бўйича ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини таҳлил қилиш.

Чорвачилик бўйича ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини таҳлил қилишда ўсимликшуносликдаги каби кесимда баҳо берилади. Аввло бош сони ва унинг маҳсулдорлиги мавжудлиги ва ҳаракати ўрганилади.

жадвал.

Бош сони ва чорва маҳсулдорлиги режасининг бажарилиши таҳлили ва улардаги ўзгаришларнинг чорва маҳсулотлари умумий миқдорига таъсири

№ т/р	Кўрсаткичлар	Бизнес-режа бўйича	Ҳақи-қатда	Фарқ (+,–)	
				Мутлақ	%да
А	Б	1	2	3	4
1	Цент.да умумий миқдор (2-қатор х 3-қатор)	25010	26187	+1177	+4,7
2	Чорванинг ўртача йиллик бош сони, бош	820	870	+50	+6,1
3	Бир бошга тўғри келадиган маҳсулдорлик, (1-қатор:2-қатор) қўш.	21	21,83	+0,83	+4

3.2. жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисобот йилида чорвачилик маҳсулотининг умумий миқдори бизнес-режадаги қараганда 1177 центнерга ёки 4,7 %га ошган. Бу ўсишга иккита омил таъсир кўрсатди. Қуйида келтирилган омиллар ўзгаришининг таъсирини мутлақ фарқ (детерминант) усули билан аниқлаймиз.

1. Чорва бош сони ўзгаришининг таъсири: чорвачилик маҳсулотининг = 50 х 3050 = +1525 цент. ёки 129,5%га ўсиши экстенсив омил ҳисобига олинган.

2. Бир бошга тўғри келадиган маҳсулдорлик ўзгаришининг таъсири: -40 х 870 = -348 цент. ёки -29,5% [348 х 100:1177], яъни бир бошга тўғри келадиган маҳсулдорликнинг камайиши натижасида чорвачилик маҳсулотининг умумий миқдори 348 центнерга (-29,5%га) камайган.

Омилар мувозанати: (+1525)+(+348) = +1177 центнер. Фоиз нисбатида (+129,5) + (-29,5) = +100%.

Шундай қилиб, чорвачилик маҳсулотининг кўпайиши экстенсив омил ҳисобига, яъни чорва бош сонининг кўпайиши натижасида олинган бўлиб, бу ширкат хўжалигининг фаолиятида жуда салбий ҳолатдир.

Қўшимча равишда чорвачиликда 100 гектар қишлоқ хўжалиги экинларига маҳсулот миқдори ва бош сони кўрсаткичлари кўриб чиқилади. Бу чорвачилик кўрсаткичларини ердан фойдаланиш билан мувофиқлаштириш мақсадида қилиниб, 100 га ҳисобига бош сонининг ва маҳсулот миқдорининг ўсишига олиб келади.

Меҳнат омиллари таҳлили.

Ўсимликшунослик ва чорвачилик бўйича ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини баҳолагандан кейин бунга таъсир қилган асосий омиллар ўрганилади.

Халқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги каби қишлоқ хўжалигида ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулоти миқдорига таъсир қилувчи омиллар учта гуруҳга бўлинган:

1. Меҳнат омиллари (қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишчи кучи билан таъминланганлиги, иш вақтидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги).

2. Меҳнат воситалари омиллари таҳлили (асосий омилларнинг таркиби, тузилиши, асосий фондларнинг техник ҳолати, асосий фондлардан фойдаланиш самараси).

3. Меҳнат предметлари омиллари таҳлили (ер фондининг тузилиши ва ундан фойдаланиш самарадорлиги, фойдаланилаётган ер-сувнинг самарадорлиги).

Санаб ўтилган омилларнинг ҳар бири мустақил қийматга эга бўлган ҳолда бошқалари билан узвий боғланган. Бунда кўрсатилган омилларнинг таъсирини механик равишда қўшиш мумкин эмас. Сабаби, меҳнат унумдорлиги ортиши ходимларнинг таркибига, малакасига, иш вақтидан фойдаланишига боғлиқ (меҳнат омиллари). Кейин, меҳнат унумдорлиги асосий фондлар (меҳнат воситалари омиллари) техник ҳолатига ва улардан фойдаланиш самарадорлигига, шунингдек ер фонди ва ер-сувдан самарали фойдаланишга боғлиқ. Ер фондидан самарасиз фойдаланиш шак-шубҳасиз қишлоқ хўжалиги корхоналарининг меҳнат унумдорлиги пасайишига олиб келади.

Аввало омилларнинг ҳар бир гуруҳи бошқалардан фарқли равишда ўрганилади, кейин омиллар учта гуруҳининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўсимликшунослик ва чорвачилик маҳсулотининг ишлаб чиқарилишини ошириш заҳиралари тўғрисида умумий хулосалар қилинади.

Ўсимликшунослик ва чорвачилик бўйича ишлаб чиқариш дастурининг муваффақиятли бажарилиши тенг шароитларда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг меҳнат ресурслари мавжудлиги ва қўлланилишига бевосита боғлиқдир.

Меҳнат омиллари таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмига қуйидагилар таъсир кўрсатади:

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишчи кучи билан таъминланганлиги (ишчилар ва бошқа синфдаги ходимлар билан).

2. Битта ишлаётганга тўғри келадиган меҳнат унумдорлиги.

Санаб ўтилган омиллардан ҳар бирининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажмига таъсири тарихдан ўзгариб келган. Техниканинг еатрлича ривожланмаган пайтида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ишлаб чиқарилишини оширишга асосан экстенсив омил ҳисобига, яъни қўшимча ишчи кучи ва экин майдонларини ошириш йўли билан эришилган. Ҳозирги

пайтда жадал техник тараққиёт шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришининг ўсишига меҳнат унумдорлиги ўсиши сабаб бўлмоқда.

Меҳнат омиллари таҳлилининг усуллари саноат корхонасиникига кўп жиҳатдан яқинлашиб кетади. Бу ерда саноатдаги каби аввало ширкат хўжалигининг ишчи кучи билан таъминланганлиги, ишчитаркиб тузилиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ҳақиқатдаги ҳажми аниқланади, меҳрат унумдорлиги бўйича бизнес-режанинг бажарилиши баҳоланади, ўсимликшунослик ва чорвачилик бўйича ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишига меҳнат омиллари таъсири умумлаштирилади.

Мисол учун ширкат хўжалигининг меҳнат унумдорлигининг таҳлили усулларини келтирамиз (3.3. жадвал).

3.3. жадвал

Ширкат хўжалигининг меҳнат унумдорлиги бўйича бизнес-режасининг бажарилиши таҳлили

№ т/р	Кўрсаткичлар	Ўлч. бирл.	Бизнес-режа бўйича	Ҳақи-қатда	Фарқ	
					Мутлақ	%да
А	Б	В	1	2	3	4
1.	Умумий маҳсулот	Минг сўм	65500	70350	+4850	+7,4
2.	Ишчиларнинг ўртача рўйхат сони	Одам	47	50	+3	6,3
3.	Битта ишлаётганга тўғри келадиган ўртача йиллик иш маҳсули, 1-қатор:2-қатор	МИНГ	1393,6	1407	+13,4	+0,96

3.3. жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, ширкат хўжалигининг ялпи маҳсулот ҳажми ҳисобот йилида бизнес-режага қараганда 4850 минг сўмга ки 7,4 %га ортган. Бу ўсишга иккита омил таъсир кўрсатган:

1. Ишчиларнинг ўртача рўйхат сонини ўзгартириш: қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг +3 х 1393,6 = +4180,8 минг сўмга ёки 86,2:га [4180,8 х 100: 4850] ўсиши экстенсив омил ҳисобига, яъни қўшимча ишчи кучи жалб қилиш йўли билан олинган.

2. Меҳнат унумдорлиги даражасининг ўзгариши: қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг +13,4 х 50 = +670 минг сўмга ёки 13,8%га [670 х 100: 4850] ўсиши интенсив омил ҳисобига, яъни битта ишлаётганга тўғри келадиган ўртача иш маҳсулини ошириш натижасида олинган.

Омиллар мувозанати: (4180,8) + (+670) = +4850,8 минг сўм. Бу сумма ялпи маҳсулот бўйича умумий фарқ суммасига тўғри келади. 0,8 минг сўм

фарқ (4850,8 – 4850) маълумотлар яхлитланиши сабабидан келиб чиққан. Фоиз нисбатида омиллар мувозанати қуйидагича: [86,2 + 13,8] = 100 %. Шундай қилиб, ялпи маҳсулотнинг бор-йўғи 13,8 фоизи меҳнат унумдорлигининг ортиши туфайли олинган бўлиб, бу таҳлил қилинаётган объект фаолиятида ниҳоятда салбий натижа ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг меҳнат омилларини таҳлил қилишда меҳнат унумдорлигининг умумий баҳоланишида қандайдир ўзига хослик мавжуд. Бу ерда меҳнат унумдорлиги маҳсулот бирлигининг ишлаб чиқарилишига кетган ишчи вақти миқдори билан, вақт бирлигида ишлаб чиқарилган алоҳида маҳсулот турлари билан ўлчанади (одам-кун, одам-соат). Мисол учун, 1 центнер пахтанинг, сутнинг, гўштнинг ва ҳ.нинг ишлаб чиқарилишига қанча одам-кун сарф қилинган. Одам-кунда ҳисобланувчи 1 центнер маҳсулотга меҳнат харажатлари унумдорлиги нафақат режа билан, балки ўтган йил ҳисоботи билан ҳам, шунингдек бошқа ширкат хўжаликлари кўрсаткичлари билан ҳам солиштирилиши лозим.

Қишлоқ хўжалигида саноатдагидан фарқли ўлароқ меҳнат харажатлари қийматининг ўзгариши режада кўзда тутилиши мумкин бўлмаган аниқ таҳлил қилинаётган даврда юзага келган иқлим шароитлари билан аниқланади. Шунинг учун кейинги таҳлил натижалари иқлим шароитлари ўзгариши туфайли меҳнат харажатларида қандай ўзгаришлар содир бўлганини ва турли ишлар ҳажмининг оширилиб юборилиши, бажарилган ишлар ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ноаниқ ҳисоби, меҳнатни ташкил қилиш камчиликлари натижасида қанчалик даражада ортиқча меҳнат харажатлари ва материаллар сарф қилинганлигини аниқлаш лозим. Қишлоқ хўжалиги корхоналари учун меҳнат ресурсларининг асосий манбаи бу ушбу хўжалик ҳудудида жойлашган аҳоли пунктларининг ишга лаёқатли шахслари, шунингдек ўсмирлар ҳсиобланади. Шунинг учун саноат корхоналаридан фарқли ўлароқ қишлоқ хўжалиги корхоналарида алоҳида тармоқлар ва ишлаб чиқариш ҳудудлари ўртасида ишчи кучининг мавжудлигини ва қўлланилиши тавсифини, ишлаб чиқаришда ишга лаёқатли аҳолининг иштирок этиш даражасини аниқлаш лозим.

3.5. Меҳнат воситалари омиллари таҳлили.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари да меҳнат воситаларига қуйидагилар киради: ер, бино, иншоотлар, куч ва иш машиналари ҳамда ускуналари, транспорт воситалари, ишчи ва маҳсулдор чорва, кўп йиллик кўчатлар ва ҳ. Бу ерда ҳам асосий фондлар саноатдаги каби ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш кабиларга бўлинади.

Меҳнат воситаларининг энг фаол қисми бу куч ва иш машиналари ҳамда ускуналари, транспорт воситалари (тракторлар, электр двигателлари, ерни қайта ишловчи машиналар, экиш ва ўтказиш машиналари, йиғим-терим машиналари) ва ҳ.

Бу ерда асосий фондлар билан таъминланганлик ва улардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлилининг усуллари саноат корхонасининг ушбу кўрсаткичлари таҳлилидан кам фарқ қилади.

Қишлоқ хўжалигида асосий фондларни таҳлил қилишнинг қишлоқ хўжалиги техникаларини қўллаш билан боғлиқ бўлган айрим хусусиятлари мавжуд. Мисол учун, хўжаликнинг техника билан таъминланганлик кўрсаткичи битт ўртача рўйхатдаги машинага энерго қуролланганлик ва ишлар оғирлиги ҳисобланади. Уларнинг биринчиси битта от кучига тўғри келадиган, иккинчиси эса битта машинага тўғри келадиган шудгор ҳажмини тавсифлайди.

Энерго қуролланганликни аниқлаш учун тракторлар, комбайнлар ва ҳ.нинг ўртача рўйхат миқдорини уларнинг маркаси бўйича моторнинг от кучидаги тегишли қувватига кўпайтириш ва шудгор майдонига бўлиш лозим. Битта машинага оғирлик шудгор гектарларини битта машинага бўлиш орқали келиб чиқади. Оғирлик жисмоний бирликларда каби (машиналар маркаси бўйича), шартли бирликларда ҳам ҳисобланиши мумкин (15-кучли трактор, 15-футли комбайн).

Ҳисобот йилида энерго қуролланганликни ва битта машинага тўғри келадиган ҳақиқатдаги оғирликни режа ва ўтган йиллар кўрсаткичлари билан солиштира туриб, хўжаликнинг техника билан таъминланганлигида, қўшимча талаб қилинадиган машиналар миқдори ва турлари аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги ишларининг муваффақиятли бажарилиши нафақат хўжаликнинг техника билан таъминланганлигига, балки машиналар қувватидан тўлалигича фойдаланишга ҳам боғлиқдир. Бунда техникаданфойдаланиш самарадорлигини машиналарнинг турлари ва ҳаттоки маркалари бўйича амалга ошириш лозим.

Трактор паркидан фойдаланишнинг таҳлилида олдиндан ўртача йиллик машиналар сони ва тракторнинг ҳар бир маркасининг умумий иш маҳсулини жисмоний ва шартли бирликларда аниқлаш лозим. Машиналарнинг ҳар бир маркасининг ўртача йиллик сонини аниқлаш учун машиналарнинг бир йилда хўжаликда бўлиши кунларининг умумий миқдорини 365га бўлиш лозим. Шартли тракторларнинг (15-кучли) ўртача йиллик сони бутун трактор паркининг тортиш қувватини 15га бўлиш орқали ҳисобланади. Тракторлар билан бажарлиган ишлар юмшоқ ҳайдаш гектарларида кўрсатилади. Ишларнинг турли хилларини юмшоқ ҳайдаш гектарларига ўтказиш битта бирлигига 20-22 см. чуқурликдаги чимқирқарли омоч билан эски ҳайдалган ернинг бир гектарини ҳайдашда тракторнинг тортиш қуввати қабул қилинган махсус коэффициентлар бўйича амалга оширилади.

Машиналарнинг хўжалик томонидан белгиланган унумдорлиги уларнинг вақт бирлигига фойдаланиш меъёрини ҳисобга олган ҳолдаги қувватининг ҳисоб-китоби билан асосланади. Трактор паркининг қувватидан фойдаланиш кўрсаткичи бўлиб, ҳисобот даврида ҳақиқатда бажарилган ишларнинг (юмшоқ ҳайдаш гектарларида) ўша давр учун мумкин бўлган энг юқори иш маҳсулига нисбати ҳисобланади.

Машиналар қувватининг энг яхши қўлланилиши ҳисобига улар унумдорлиги ўсишининг заҳиралари таъсири қуйидаги учта йўналишда олиб борилади: ҳар бир шартли ва жисмоний тракторга тўғри келадиган ўртача йиллик иш маҳсули аниқланади, йил давомида ишланган машина-кун ва машина-сменалар миқдори аниқланади, яъни трактор паркининг вақт бўйича ишлатилиши, ва ўртача ойлик (ўртача кунлик) иш маҳсули аниқланади. Тракторлардан фойдаланиш самарадорлигини тавсифлаш учун қуйидаги жадвал тузилади.

3.4. жадвал.

Трактор паркидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили.

№ т/р	Кўрсаткичлар	Бизнес-режа бўйича	Ҳисобот бўйича	Фарқ (+,–)
А	Б	1	2	3
1.	Эталон шартларга қайта ҳисобланган тракторларнинг ўртача йиллик сони	71	70	-1
2.	Шартли ҳайдашга қайта ҳисобланган жами бажарилган ишлар, га	152912	140086	-11926
3.	Мавсумда эталон шартли тракторга тўғри келадиган иш маҳсули (2-қатор:1-қатор), га	2141	2001,2	-139,8
4.	Ишланган машина-кунлар сони	13977	12807	-1170
5.	Битта машина-кунга тўғри келадиган иш маҳсули (2-қатор:4-қатор), га	10,9	10,9	-
6.	Ишланган машина-сменалар сони	17461	15731	-1730
7.	Битта машина-сменага тўғри келадиган иш маҳсули (2-қатор:6-қатор), га	8,7	8,9	+0,9
8.	Сменалик коэффициенти (5-қатор:7-қатор)	1,25	1,23	-0,02
9.	Битта шартли тракторга машина-сменалар миқдори	245,9	224,7	-21,2

3.4. жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисобот йилида ширкат хўжалигида механизациялаштирилган ишлар бўйича бизнес-режа 11926 га.га ёки 7,8 %га бажарилмаган. Бу камайишга қуйидаги иккита омил таъсир кўрсатган:

1. Тракторлар ўртача йиллик сонининг ўзгариши: -1 х 2141 = -2141 га.

2. Мавсум учун шартли эталон трактoрига тўғри келадиган иш маҳсулининг ўзгариши:

- 139,8 х 70 = 9786 га.

Омиллар мувозанати: (-2141) + (-9786) = - 11927 га.

Кейинги таҳлил шуни кўрсатадики, ширкат хўжалиги битта шартли эталон трактoрига режадаги оғирликни бажарган ҳолда ишларнинг ҳақиқий ҳажмини 65та трактoрлар билан бажариш уддасидан чиқди (140086:2141).

Комбайнлардан фойдаланиш ҳам шунга ўхшаш. Бунда битта ғалла йиғувчи ва маккажўхори йиғувчи комбайнга, лавлаги комбайнга, силос йиғувчи комбайнга, пахта териш комбайнига тўғри келадиган мавсумий ва кунлик иш маҳсули аниқланади.

Ер-сувдан фойдаланиш таҳлили.

Қишлоқ хўжалигида ер ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси ҳисобланади. У, бир томондан инсон унинг ёрдамида қишлоқ хўжалиги экинларини экиб, меҳнат воситаси вазифасини бажарса, иккинчи томондан меҳнат предмети вазифасини бажаради ва инсон унга таъсир кўрсатиб зсимлик ва чорва маҳсулотларини олади. Хўжалик томонилан эгалланган ер қисмларга бўлиниб, улар муайян ишлаб чиқариш йўналишига эгадир (қайта ишловдаги шудгор, партов ерлар, бўз ерлар, қўриқ ерлар, пичанзорлар, ўтлоқлар, яйловлар ва кўп йиллик кўчатлар), ишлаб чиқариш учун фойдаланилмайдиган қисмлар: ўрмон, бутазорлар, ўрмон мелиорацияси кўчатлари, кўллар, ҳавзалар, ва бошқа ер-сув мулклари (йўллар, ариқлар, ботқоқлар, қўрғон ерлари ва ҳ.). Қишлоқ хўжалиги корхонаси ер фондинингбу иккита қисмга бўлиниши, уларнинг ичида эса алоҳида қисмларга бўлиниши ўзгаришсиз бўлмайди. Хўжалик ривожланиши жараёнида битта ер-сув мулки бошқаларига, одатда, экстенсив ва интенсивларига ўтади. Масалан, кам ҳосилли яйловлар шудгорга, қўриқ ва бўз ерлар бузилади ва ҳ..

Ерлардан фойдаланиш даражаси ҳақида муҳокама қилиш учун, аввало ер фондининг тузилишини таҳлил қилиб чиқиш лозим. Ерлардан фойдаланиш даражасини ўрганиш учун ишлаб чиқариш йўналишидаги барча ерлар майдонининг хўжалик эгаллаб турган ерларнинг умумий натижасига нисбатини, ҳайдалган ерларнинг қишлоқ хўжалиги йўналишидаги ерлардаги улушини ва шудгорнинг – ҳайдалган ерлардаги улушини белгилаш лозим. Кейин ҳисобот йилида ҳисобланган кўрсаткичларни ўтган йилнинг худди шундайлари билан, шунингдек бир хил табиий-иқтисодий шароитларга эга бўлган илғор хўжаликларнинг тегишли кўрсаткичлари билан солиштириш зарур. Ерлар тузилиши билан бир қаторда ер-сув мулкларидан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш лозим. Ер-сув мулкларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичи бу майдон бирлигидан чиққан маҳсулот миқдоридир. Қишлоқ хўжалиги ер-сув мулкларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилишда чиқаётган

маҳсулот миқдорининг ўзгаришини ва хўжалик фойдаланаётган ерларнинг 100 гектарига тўғри келадиган чорванинг мавжудлигини аниқлаш лозим. Кейин, аниқланган фарқлар кўрсаткичларига таянган ҳолда у ёки бу ўзгаришларнинг сабаблари ўрганилади.

Маҳсулотнинг муайян турлари ишлаб чиқарилишининг кўрсаткичларини ҳисоблашда қишлоқ хўжалиги йўналишидаги ерларнинг бутун майдони эмас, балки хўжаликнинг кўрсатилган тармоқлар билан ўзаро боғланган қисмлари ҳисобга олинади. Масалан, ўсимликшунослик маҳсулотларини ишлаб чиқариш (табиий ерларнинг ем-хашакларидан ва кўп йиллик кўчатларнинг ҳосилидан ташқари) шудгордан фойдаланиш билан боғлиқ. Шунинг учун ўсимликшунослик тармоқларининг ривожланиш кўрсаткичларини аниқловчи сифатида шудгорнинг 100 гектарига чиққан маҳсулот миқдори олинади. Чорвачиликнинг сут ва жун каби маҳсулотларининг ишлаб чиқарилган миқдори ерларнинг 100 гектарига ҳисобланади, гўштники эса – алоҳида 100 гектар шудгор ва 100 гектар бошқа қишлоқ хўжалиги йўналишидаги ерларга ҳисобланади. Тухум каби паррандачилик маҳсулоти дуккакли ғалла экинларининг 100 гектарига ҳисобланади.

Ердан фойдаланишда ишлаб чиқариш ва меҳнат воситаларини оқилона қўллаш нуқтаи назаридан алмашлаб экишни текширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

3.7. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таннархининг таҳлили.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таннархининг таҳлили “Харажатлар таркиби тўғрисида”ги қонунга кўра саноатдаги каби, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бир қатор хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади. Масалан, деҳқончилик маҳсулотининг таннархи бир йилда бир марта. Харажатлар экинлар, ишлар ва таркибий қисмлар бўйича ҳисобга олинади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таннархини таҳлил қилишда қуйидагиларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ: ялпи харажатлар (ялпи маҳсулот таннархи); маҳсулот муайян турларининг таннархи; ишлар ва ёрдамчи ишлаб чиқариш маҳсулотларининг таннархи.

Ялпи харажатларни таҳлил қилишда жорий харажатларнинг ва ялпи маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръатлари кўриб чиқилади (солиштирма нархларда). Ялпи харажатлар даражаси ва ўсиш суръатларидаги фарқлар уларнинг қуйидаги таркибий қисм таркибининг ўзгаришини таҳлил қилиш орқали аниқланади: меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, ёқилғи-мойлаш материаллари, ўғитлар, уруғлар, ем-хашак; эскириш бўйича чегирмалар; ижтимоий сухуртага чегирмалар ва бошқа харажатлар.

Маҳсулот муайян турларининг таннархи таҳлили ҳар бир маҳсулотнинг ишлаб чиқарилишини назорат қилиш зарур.

Ўсимликшунослик ва чорвачилик маҳсулотлари бўйича таннарх таҳлили алоҳида юритилади. Ўсимликшунослик маҳсулотининг таннархи

даражаси қуйидаги иккита омилга боғлиқ: 1 гектарга ҳосилдорлик ва харажатлар. Бунда таннарх экиш майдонининг қайта ишловига тўғридан тўғри боғлиқликда ва ҳосилдорликка тескари боғлиқликда ҳисобланади.

1 гектар экинга ва 1 центнер маҳсулотга харажатларни алоҳида қисмлар бўйича таҳлил қилишда зарур шарт бўлиб, режадаги ва ҳисобот муддатларидаги харажатларни солштириш мумкинлигидир.

Чорвачилик маҳсулотини ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши чорва бош сонига ва унинг маҳсулдорлигига боғлиқ.

Ўсимликшунослик маҳсулотининг таннархини таҳлил қилиш усулини кўрсатамиз (3.5. жадвал).

3.5. жадвал

Ем-хашак тайёрлаш бўйича харажатлар ва ҳосилдорликнинг маҳсулот таннархига таъсири таҳлили

№ т/р	Кўрсаткичлар	Режа бўйича	Ҳисобот бўйича	Фарқ	
				Мутлақ	%да
А	Б	1	2	3	4
1.	1 центнер маҳсулотнинг танархи (3-қатор:2-қатор), минг сўм	12	12,5	+0,5	+4,2
2.	1 гектардан ҳосилдорлик, центнерда	80	90	+10	+12,5
3.	1 гектар экинга харажатлар (1-қатор х 2-қатор), минг сўм	960	1125	+165	+17,2

Ҳисобот йили лучун 1 центнер маҳсулотнинг таннархи 500 сўмга ортган. Режадаги таннархдан ҳақиқатдаги таннархнинг фарқ қилишига қуйидаги иккита омил таъсир қилади:

1. 1 гектар экинга эаражатларнинг ўзгариши. Бунинг учун режадаги харажатлар ва ҳақиқатдаги ҳоислдорликда маҳсулот таннархини аниқлаш лозим:

а) 960000 : 90 = 10666,6 сўм;

б) 12500 - 10666,6 = +1833,4 сўм.

2. 1 гектарнинг ҳосилдорлиги ўзгариши: - 10666,6 - 12000 = - 1333,4 сўм.

Омиллар мувозанати: (+1833,4)+(-1333,4) = +500 сўм.

Чорвачилик маҳсулотининг таннархига чорва бош сони ва унинг маҳсулдорлиги таъсири худди шундай усул билан таҳлил қилинади.

Чорвачиликда чорва бош сонини кўпайтиришнинг асосий заҳираси бу 100та модаларга туғилиш миқдорининг ўсиши, чорва ўлатининг камайиши ҳисобланади. Ҳар бир хўжаликда доимий равишда поданинг қайта тикланиш

жараёни кетмокда, унинг тузилиши, миқдори, туғилиши, ёшларини катта гуруҳларга ўтказиш, ҳайвонларни бракка чиқариш ва сотиш ўзгармоқда.

Таҳлил қилишда ҳайвонлар турлари кесимида фойдали бош сони бўйича режанинг бажарилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу кўрсаткич 100та сигирга бузоқлар ёки 100та сигирга ғунажинлар, қўзилар эса 100та она қўйларга ҳисобида аниқланади.

Чорвачиликда ҳайвонларни ем-хашак билан таъминлашни таҳлил қилиш муҳимдир. Ем-хашак билан таъминланганликни баҳолашни нафақат оғирлиги бўйича, балки олинган ем-хашак бирликларининг озуқа моддалари, сони бўйича амалга ошириш зарур.

Ем-хашак бирлиги – ем-хашакларнинг озуқа қиймати меъёри.

3.8. Молиявий натижалар таҳлили.

“Харажатлар таркиби тўғрисида”ги қонунга кўра қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий натижалари қуйидаги даромад кўрсаткичлари билан тавсифланади:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушган ялпи даромад қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушган тушум ва унинг ишлаб чиқарилиш таннархи ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан даромад қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушган ялпи даромад билан давр харажатлари плю ёки минус асосий фаолиятдан бошқа даромадлар ёки зарарлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

3. Умумхўжалик фаолиятидан даромад алгебраик сумма сифатида аниқланади: асосий фаолиятдан даромад + молиявий фаолиятдан даромад - молиявий фаолият харажатлари.

4. Солиқ тўлангунга қадар даромад умумхўжалик фаолиятидан даромад ва фавқулодда даромад ва зарарлар қолдиғи алнебраик суммаси сифатида аниқланади.

5. Қишлоқ хўжалиги корхонасининг солиқлар тўланганидан ўз ихтиёрида қолувчи соф даромад даромад солиғи ва бошқа солиқлар ва тўловлар чегирилган солиқ тўлангунга қадар даромад ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг даромад кўрсаткичлари таҳлили уларнинг саноатдаги таҳлилига ўхшаб кетади.

Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сотилишидан тушган ялпи даромаднинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлилини кўриб чиқамиз (3.6. жадвал).

3.6. жадвал.

Ширкат хўжалигининг ялпи даромади ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлили

№ т/р	Кўрсаткичлар	Шакл №и	Бизнес-режа	Маҳсулотнинг ҳақиқатдаги	Ҳақиқатда

			бўйича	сотилишига тўғриланган режа бўйича	
1	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушган тушум	010 2-ш.	70065	71000	72050
2	Сотилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ишлаб чиқариш таннархи	020 2-ш.	47000	47200	47480
3	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушган ялпи даромад	030 2-ш.	23065	23800	24570

1.қат. - 2.қат.

3.6. жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисобот йилида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини стоишдан тушган ялпи даромад бизнес-режага қараганда 1505 минг сўмга ёки 106,5 %га кўпайган. Бу кўпайишга қуйидаги иккита омил таъсир кўрсатган:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти нархлари ўзгариши. Бу омилнинг таъсири ҳисобот бўйича амалдаги нархларда(3-устун) сотишдан тушган тушум ва таянч муддат нархлари (2-устун) ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади. Бизнинг мисолда бу 50 минг сўм (72050 - 71000) ёки 68,9%га ялпи даромаднинг ўсиши инфляция натижасида нархлар ошиши ҳисобига олинган. Бухгалтерлик ҳисоби маълумотларининг таҳлили ҳар бир муайян ҳолатда (ўсимликшунослик ва чорвачилик маҳсулотининг ҳар бир тури бўйича) нархларнинг оширилиб (пасайтириб) юборлиши сабабларини аниқлаш имконини беради.

2. Сотилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ишлаб чиқариш таннархи ўзгариши: 47480 - 47200 = +280 минг сўм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таннархининг қимматлашиши натижасида ялпи даромад 18,6 %га камайди (280х100:1505).

3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг сотилишидан тушадиган тушумнинг ўзгариши. Ушбу омил ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун аввало тушум ҳажми нисбатан қанчалик ўзгарганлигини аниқлаш лозим. Бунинг учун 3.6. жадвал маълумотлари бўйича қуйидагича ҳисоб-китоб қиламиз.

а) 71000 х 100 : 70065 = 101,33 %

б) 1,33 х 23065 : 100 = 306,7 минг сўм.

Тушум ҳажмининг 1,33%га кўпайиши натижасида ялпи даромад 306,7 минг сўм ёки 20,4 % (306,7х100:1505).

4. Сотилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг тузилишини ўзгартириш. Ўсимликшунослик ва чорвачилик маҳсулотларининг ҳар хил турлари ҳар хил даражадаги рентабелли эга бўлганликлари сабабли, уларнинг тузилишини ўзгартирган тақдирда қўшимча даромад ёки зарар олиниши мумкин. Агар ҳисобот йилида янада кўпроқ рентабелли кўпроқ маҳсулотлар сотилган

бўлса, сотишдан тушган фойда кўпаяди. Режага қарши паст рентабелли маҳсулотлар улушини ошириш, аксинча, сотишдан тушган фойдани камайтиради.

Ушбу омил ўзгаришининг таъсири иккита усул билан аниқланади:

1. Баланс ҳисоби йўли билан, яъни фойданинг умумий фарқидан аввал ҳисобланган омиллар олингандан кейинги фарқ сотилган маҳсулотлар тузилиши ўзгаришининг сотишдан тушган ялпи даромад ҳажмига таъсирини кўрсатади:

1505 – (1050-280+306,7) = +4728,3 минг сўм

Омиллар мувозанати 1050 – 280 + 306,7 + 428,3 = +1505 минг сўм.

Баланс ҳисоби усули агар олдин ҳисобланган омиллар тўғри ҳисоблаб чиқилган ҳолатдагина тўғри бўлади. Шунинг учун амалиётда иккинчи усул қўлланилиб, унда сотилган маҳсулотлар тузилиши ўзгаришининг таъсири қуйидагича тартибда аниқланади:

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини сотишдан тушган тушуми билан ишлаб чиқариш таннархи ўсиши суръатлари ўртасидаги фарқ режа бўйича ишлаб чиқариш таннархига кўпайтирилади ва 100га бўлинади.

а) сотишдан тушган тушум режасининг бажарилиши: 71000х100:70065=101,33%

б) таннарх бўйича режа бажарилиши: 47200х100:47000=100,42%

в) фоизлар даражасидаги фарқ: 101,33-100,42 = +0,91%

г) +0,91х47000:100=+427,7 минг сўм.

Шундай қилиб, тузилишдаги ўзгартиришлар ҳисобига ширкат хўжалигининг ялпи даромади 427,7 минг сўмга ёки ялпи даромаднинг 28,4%га [427,7х100:1505] ўсиши ўсимликшунослик ва чорвачиликнинг янада рентабеллироқ маҳсулотлар сотилиши ҳисобидан олинган.

Ялпи даромаднинг умумий фарқи 1505 минг сўм(24570-23065)ни ташкил қилган бўлиб, омиллар таъсирининг суммаси бўйича мувозанатга келади:

1505=1050-280+306,7+428,3

Таҳлил натижалари қуйида ялпи даромад фарқига омиллар таъсири келтирилган: ялпи даромад фарқининг минг сўмдаги кўрсаткичлари – жами 1505, шу жумладан қуйидагилар ҳисобидан:

а) шартномавий нархлар ўзгариши 1050

б) таннарх ўзгариши 280

в) сотишдан тушган тушум ўзгариши 306,7

г) маҳсулотлар турлари тузилишининг ўзгариши 428,3

Ушбу маълумотлардан кўриниб турганидек, ялпи даромад фарқига энг катта таъсирни нарх омиллари кўрсатган. Нархлар ўсиши ҳисобига 1050 минг сўм 68,9% қўшимча фойда олинган, сотишдан тушган тушум ўсиши ҳисобига 306,7 минг сўмга ёки 20,4%га олинган. Таннарх қимматлашиши натижасида эса ялпи даромад 18,6 %га камайган.

Ялпи даромад ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлилининг усулларини ифодалаш учун бошланғич маълумотлар сифатида

ўсимликшунослик ва чорвачилик маҳсулотларининг бутун ҳажми қабул қилинган. Янада аниқроқ таҳлил маҳсулот айрим турларининг сотилиши натижалари бўйича амалга оширилади. Даромадга таъсир қилувчи кўрсаткичларни ҳисоблаш тамойиллари юқорида келтирилган ҳисоб-китоблардан фарқ қилмайди. Фақат шуни назарда тутиш керакки, маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича даромадни таҳлил қилишда ассортимент тузилиши омили йўқ бўлади.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан, умумхўжалик фаолиятидан даромад, солиқ тўлангунга қадар ва соф даромад кўрсаткичларининг таҳлили уларнинг саноат корхоналаридаги таҳлилига ўхшаб кетади.

Рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили усуллари уларнинг саноатдаги таҳлилидан кам фарқ қилади.

3.9. Молиявий ҳолат таҳлили.

Халқ хўжалигининг турли тармоқларида молиявий ҳисоботнинг ягона шакллари қўлланилиши молиявий ҳолат таҳлили усулларидаги фарқни ўчира бошлади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш саноатдаги каби муайян кетма-кетликда олиб борилади, чунончи аввало қишлоқ хўжалиги корхоналари мулкининг таркиби аниқланади: узоқ муддатли ва жорий активлар: жорий активлар таркиби; заҳиралар ва харажатлар, дебиторлар, пул маблағлари; заҳира ва харажатлар ҳолати; мулкка киритилган маблағлар тузилиши ва хусусий айланма маблағлар мавжудлиги ва улар билан таъминланганлик.

Кейин қуйидагиларни тавсифловчи кўрсаткичлар таҳлил қилинади: молиявий барқарорлик, ликвидлик, тўловга лаёқатлилик ва ишбилармонлик. Молиявий ҳолат таҳлилининг асосий манбалари бўлиб №1;2;3;4;5;2[a] шакллари ва ҳисобдан ташқари маълумотлар ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ҳолатини тавсифловчи юқорида келтирилган кўрсаткичларни ҳисоблаш ва таҳлил қилиш усуллари уларнинг саноатдаги таҳлилидан кам фарқ қилади.

Молиявий ҳолат таҳлилида қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг бир қатор хусусиятларини ва ишлаб чиқариш муносабатлари тавсифини ҳисобга олиш зарур.

Масалан, хўжалик активлари асосий ва айланма кабиларга бўлинади, бунда ишлаб чиқариш йўналишидаги асосий воситалар катта аҳамиятга эга. Ёш чорва моллари ва боқувдаги моллар, омбордаги уруғлар, шунингдек келаси йил ҳосили учун уруғлар, ем-хашак заҳиралари, тўшамалар ва ҳоказолар айланма маблағлар таркибига киради. Ёш чорва моллари ва боқувдаги моллар асосий эмас, айланма маблағларга тегишлилиги сабаби улар ўзига хос ишлаб чиқариш жараёнида бўлиб, уларнинг корхона хўжалик фаолиятидаги роли боқувдан кейин ёки ёш мол катта ёшли чорва таркибига киритилишидан кейин белгиланади. Агар ёш мол асосий подага қўшилса, у

асосий воситалар таркибига киритилган ҳисобланади. Етиштирилган ёки боқилган молни сотиш ва унинг қийматини пулга айлантириш ҳолатида мол хўжалик маҳсулоти ҳисобланиб у айланма маблағлар синфиг киритилади. Таъкидлаш лозимки, олинган маҳсулотнинг бир қисми хўжаликда меҳнат предмети сифатида қолади (уруғлар, чорва учун ем-хашак ва ҳ.). бундай воситалар қолдиқларини янада аниқроқ ва тўлиқроқ таҳлил қилиш учун натурал ўлчовдаги қўшимча маълумотларни жалб қилиш лозим бўлади. Молиявий ҳолат таҳлилининг яна бир хусусияти шундаки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши мавсумий тавсиф ва хўжалик ишларининг йўналишларига эга (кўптармоқли ва истисослашган – отбоқарлик, қўйбоқарлик ёки муайян экинлар – узум, доривор ўсимликлар ва ҳ.)

3.10. Умумий хулоса.

Ушбу мавзуни ўрганиш натижасида талаба қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий таҳлилини ташкилий тамойиллари ва хусусиятлари, чунончи ўсимликшунослик ва чорвачилик бўйича ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини таҳлил қилиш усуллари, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги, маҳсулот таннархи, шунингдек молиявий натижалар ва молиявий ҳолат хусусиятларии билиш лозим.

3.11. Мавзуга доир калит сўзлар.

Ўсимликшунослик ва чорвачилик бўйича ишлаб чиқариш дастури; ялпи маҳсулот; товар маҳуслоти; товарлик даражаси; ялпи йиғим; экин майдони; ҳосилдорлик; чорвачилик маҳсулотининг ялпи миқдори; чорва бош сони; битта бошга тўғри келадиган маҳсулдорлик; меҳнат омиллари; меҳнат воситалари омиллари; меҳнат предметлари омиллари; трактор паркидан фойдаланиш самарадорлиги; мавсумда битта шартли эталон тракторига тўғри келадиган иш маҳсули; алмашиниш коэффициенти; ер-сув мулклари; ўсимликшунослик маҳсулоти 1 центнерининг таннархи; 1 гектардан олинадиган ҳосилдорлик; экиннинг 1 гектарига тўғри келадиган харажатлар; қишлоқ хўжалик маҳсулотини сотишдан тушган ялпи даромад; асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан даромад; умумхўжалик фаолиятидан даромад; солиқ тўлагунга қадар даромад; соф даромад; молиявий ҳолат таҳлилининг хусусиятлари; узоқ муддатли активлар; жорий активлар; заҳиралар ва харажатлар, дебиторлар; пул маблағлари; маблағлар манбалари тузилиши; хусусий айланма маблағлар мавжудлиги; қарзга олинган маблағлар.

3.12. Талабалар билимларини текшириш учун саволлар.

1. Ўсимликшунослик бўйича режанинг бажарилишини қандай аниқлаш мумкин?

2. Чорвачилик бўйича режанинг бажарилишини қандай аниқлаш мумкин?
3. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти миқдорига таъсир қилувчи омиллар қандай гуруҳланади?
4. Қишлоқ хўжалиги корхоналари меҳнат омиллари таҳлилининг хусусиятлари қандай?
5. Ширкат хўжалигининг асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлилининг хусусиятлари қандай?
6. Меҳнат предметлари омиллари таҳлилининг хусусиятлари қандай?
7. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти таннархи режасининг бажарилиши қандай таҳлил қилинади?
8. Молиявий натижалар таҳлилининг хусусиятлари қандай?
9. Қишлоқ хўжалиги корхоналари молиявий ҳолати таҳлилининг хусусиятлари қандай?

3.13. Ахборот-услубий таъминот.

1. Асосий адабиёт

1. Баканов И.М., Икремет А.Д. Экономический анализ. -М.: «Финансы и статистика», 1999 г.

2. Рахманов К.Р. «Қишлоқ хўжалик корхоналарининг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш». –Т.: ТДИУ, 1995.

3. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. ЎР Вазирлар маҳкамаси, 1995, 1999 й. й.

2. Қўшимча адабиёт

1. Акрамов Э.А. «Анализ финансового состояния предприятия» Т.: ТГЭУ, 2000 г.

2. Абдукаримов И.Т. «Как читать и анализировать финансовую отчетность» Изд.дом «мир экономики и права», Т.: 1998 г.

3. Волшин И.О. Ергашбаев В.В. Финансовый анализ. Изд.дом «Мир экономики и права», Ташкент. 1998 г.

4. Беристайн Л.А. «Анализ финансовой отчетности», М.: «Финансы и статистика», 1996 г.

5. Ефимова О.В. Финансовый анализ. –М.: «Бухгалтерский учет», 1996 г.

6. Ковалев В.В. «Финансовый анализ» М.: «Финансы и статистика», 1995 г.

7. Шеремет А.Д., Негашев Е.В., «Методика финансового анализа»: М.: ИНФР-М, 1999 г.

4 - мавзу: Савдо ташкилотлари хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлили.

Режа:

Савдо ташкилотлари хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда таҳлилнинг аҳамияти ва вазифалари

Товар айланиши бўйича бизнес-режанинг бажарилишини таҳлили.

Маҳсулот айланмасига ҳажмига таъсир қилувчи асосий омиллар таҳлили.

Муомала харажатлари таҳлили.

Молиявий натижалар таҳлили.

Молиявий ҳолат таҳлили.

Умумий хулоса.

Мавзуга доир калит сўзлар.

Талабаларнинг билимларини синаш учун саволлар.

Ахборот-услубий таъминот

4.1. Савдо ташкилотлари хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда таҳлилнинг аҳамияти ва вазифалари.

Чакана маҳсулот айланмаси – бу савдо корхоналари фаолиятининг асосий кўрсаткичидир. Унинг ҳажми ва тузилишига савдо корхоналарининг хўжалик ва молиявий фаолиятини тавсифловчи бошқа барча харажатлар боғлиқдир (муомала харажатлари, савдо-сотиқ ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди, ялпи даромад, фойда, рентабеллик ва ҳ.).

Маҳсулот айланмаси ва фойда – бу иккита асосий кўрсаткич бўлиб, улар асосида чакана савдо корхоналарининг хўжалик фаолияти баҳоланади. Маҳсулот айланмаси бизнес-режасини бажариш таҳлилининг асосий вазифаси қанчалик маҳсулот айланмаси бўйича бизнес-режа қанчалик даражада бажарилганлигини, ҳисобот даврида маҳсулот айланмасида қандай ўзгаришлар ва нима ҳисобидан юз берганлигини, маҳсулот айланмасини ошириш ва аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича мавжуд имкониятлар қанчалик тўлиқ қўлланилганлигини аниқлашдир.

Чакана маҳсулот айланмаси таҳлилида маҳсулот айланмаси бўйича бизнес-режа бажарилиши нафақат ташкилот доирасида, балки савдо корхоналари кесимида, шунингдек маҳсулот айланмасининг ўсиш суръатлари солишитирилади; чакана маҳсулот айланмаси бизнес-режасининг барча савдо корхоналари томонидан бир маромда бажарилиши текширилади ва ҳисобот даврида алоҳида савдо корхоналари бўйича бизнес-режа бажарилишдан оғишларни келтириб чиқарган сабаблар аниқланади.

Бунда статистик ва тезкор ҳисобот маълумотларига кўра режанинг чораклар, ойлар, ўн кунликлар ва ҳар куни бажарилиш даражаси кўриб чиқилади.

Таҳлил жараёнида савдо тармоғини ривожлантириш, мавсумий савдони кенгайтириш, савдо хизмати кўрсатишнинг янги шаклларини киритиш

бўйича режанинг бажарилиш даражаси, шунингдек кундалик талабга эга бўлган маҳсулотларнинг узлуксиз савдоси таъминланганлиги аниқланади.

Маҳсулот айланмаси солиштирма маълумотлар асосида олиб борилади. Шунинг учун агар ҳисобот даврида савдо тармоғида (талаб томонидан ёки дўконларнинг бошқа ташкилотларга берилиши) ёки айрим маҳсулотлар нархида ўзгаришлар содир бўлган бўлса, унда маҳсулот айланмаси бизнес-режасиг тегишли тузатиишлар кирилганлигини текшириш лозим.

Чакакна маҳуслот айланмаси бизнес-режасининг бажарилиши катта аҳамиятга эга, сабаби банк ғазна режасининг кирим қисмида савдо тушумининг улуши 80-85%га тенг бўлиб, савдо корхоналари иш ҳақи, нафақа, стипендиялар тўлаш, валюта барқарорлигини мустаҳкамлаш ва ҳ. учун ўз вақтида пул берилишини таъминлаб туради.

4.2. Товар айланиши бўйича бизнес-режанинг бажарилишини таҳлили.

Чакана маҳсулот айланмаси бу маҳсулотларнинг бевосита истеъмолчига – аҳолига сотилишидир.

Чакана маҳсулот айланмаси таркибига қуйидагилар киради: аҳолига маҳсулотларни кредитга ва нақд пулсиз майда улгуржи ҳисобда сотиш (савдо тармоғидан маҳсулотларни муассасаларга, санаторийларга, ҳордиқ чиқариш уйларига ва ҳ.ларга сотиш).

Чакана маҳсулот айланмасининг таҳлили умумий ҳажм ва ўзгаришлар бўйича режанинг бжаралишини аниқлашдан бошланади

Таҳлил қилиш маълумот №4-шакл «Сотиш ва мол бериш ҳисоботи»дан, шунингдек савдо ташкилотининг бизнес-режасидан олинади.

4.1. жадвал.

Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда ўтган йилда	Ҳисобот йили			Фарқлар (+,–		Ўсиш суръатлари %да
А	1	2	3	4	5	6	7
Чакана маҳсулот айланмаси	135000	144000	148610	1032	+4610	+13610	110,1

4.1. жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, савдо ташкилоти ҳисобот йилида маҳсулот айланмаси бўйича бизнес-режани 4610 минг сўмга ёки 3,2%га ортиғи билан бажарган. Ўтган йилга қараганда маҳсулот айланмаси ҳажми 13610 минг сўмга ошиб, ўтган йил даражасига қараганда 10,1%га ортган.

Савдо ташкилотларининг фаолиятида нафақат йил давомида, балки йилнинг алоҳида муддатларида бажарилиш ҳам муҳимдир: ойлар, чоракларда бажарилиши харидорларга бир маромда хизмат кўрсатилиши ҳақида гувоҳлик беради.

Маҳсулот айланмаси таҳлилида нафақат ўтган йил маълумотлари, балки бир қатор йиллар маълумотлари билан солиштирилиши лозимки, бу савдо ривожланишининг тамойилларини аниқлаш имконини беради.

Чакана маҳсулот айланмаси режасининг чораклар ва ойлар бўйича бир текисда бажарилишини таҳлил қилишда маромлилик коэффициенти режа бажарилган муддатлар сонининг умумий миқдорга нисбати орқали аниқланади.

Таҳлил қилишда чакана маҳсулот айланмаси таркибини унинг турлари ва савдо қилиш усуллари бўйича ўрганиш лозим. Чакана маҳсулот айланмаси тузилишини сотиш турлари бўйича чакана маҳсулот айланмаси тузилишини таҳлил қиламиз (4.2. жадвал)

4.2. жадвал.

Сотиш турлари бўйича чакана маҳсулот айланмаси тузилишининг таҳлили.

Сотиш турлари	Ҳақиқатда ўтган йилда		Ҳақиқатда ҳисобот йилида		Фарқлар (+,–)		Ўсиш суръатлари %да
	Сумма минг сўмда	Улуш %да	Сумма минг сўмда	Улуш %да	Сумма минг сўмда	Улуш %да	
А	1	2	3	4	5	6	7
Жами чакана маҳсулот айланмаси	135000	100	148610	100	+13610	–	110,1
Шу жумладан: - Нақд рул ҳисобига...	125650	93,08	138720	93,35	+13070	+0,27	110,4
- кредитга...	8500	6,22	9000	6,06	+500	-0,16	106
- майда улгуржи айланма	850	0,70	890	0,59	+40	-0,11	105

4.2. жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ўтган йилга қараганда маҳсулот айланмаси ҳажмининг кўпайиши барча сотиш турларининг ўсиши билан тавсифланмоқда. Асосий тури – 93%ни ташкил қилувчи нақд пулга сотиш ҳам 13070 минг сўмга ортган.

Қиймат кўрсаткичларини янада қимматроқ маҳсулотлар ҳисобига кўтариш осон, аммо аҳолига турли ассортиментдаги маҳсулотлар зарур. Шунинг учун чакана маҳсулот айланмаси режасининг бажарилишини таҳлил қила туриб, унинг маҳсулот гуруҳлари бўйича бажарилганлигини аниқлаш ва белгиланган ассортимент минимумига қандай риоя қилинганлигини аниқлаш лозим ва ҳ. (4.3. жадвал).

4.3. жадвал

Маҳсулот гуруҳлари кесимида чакана маҳсулот айланмаси режасининг бажарилиши

(минг сўмда)

№ т/р	Маҳсулот гуруҳларининг номланиши	Бизнес-режа бўйича	Ҳисобот бўйича	Фарқ (+,–)		Маҳсулот айланмаси тузилишининг сотиш натижасига нисбатан фоизи, %да		
				Мутлақ	%да	Режа бўйича	Ҳисобот бўйича	Режадан фарқ
А	Б	1	2	3	4	5	6	7
1	Тикув маҳсулотлари	39400	39860	+460	+1,2	27,4	26,8	-0,6
2	Трикотаж маҳсулотлари	30270	31770	+1550	+5	21	21,4	+0,4
3	Атторлик моллари	15210	16510	1300	+2	10,6	11,2	+0,6
4	Оёқ кийимлар	10760	11120	+360	+3,4	7,5	7,5	-
5	Маданий моллар	8620	9220	+600	+7	5,9	6,2	+0,3
6	Гўшт ва парранда	9830	8670	-1160	-11,8	6,8	5,8	-1
7	Қандолат маҳсулотлари	1500	1380	-120	-8	1	0,9	-0,1
8	Бошқа маҳсулотлар	28410	30080	+1670	+5,9	19,7	20,2	+0,5
	ЖАМИ: Чакана маҳсулот айланмаси	144000	148610	4610	+32	100	100	-

4.3. жадвалдан кўриниб турганидек, умуман олганда савдо корхонаси чакана маҳсуолт айланмаси режасини 4610 минг сўмга ёки 3,2%га ортиғи билан бажарган. Аммо, алоҳида маҳсулот гуруҳлар кесимида режадан ортиқча бажариш тарафга ҳам, кам бажариш тарафга ҳам кескин оғишлар кузатилмоқда. Масалан, маданий моллар бўйича режа 7%га ортиғи билан бажарилган бўлса, гўшт ва парранда бўйича – 11,8%га бажарилмаган. Натижада чакана маҳсулот айланмаси тузилиши ўзгарган.

Маҳсулот айланмаси тузилишининг ўзгариши аҳолига савдо хизматлари кўрсатишнинг ёмонлашувига олиб келиши, шунингдек аҳолининг айрим маҳсулотларга бўлган талаби ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин.

Маълумки, маҳсулотлар муайян қисмининг сотилиши мавсумий тавсифга эга. Шунинг учун маҳсулот айланмаси режаси бажарилишининг таҳлили ассортимент кесимида йилнинг аолҳида мавсумлари бўйичабажарилиш таҳлили билан тўлдирилиши лозим.

4.3. Маҳсулот айланмаси ҳажмига таъсир қилувчи асосий омиллар таҳлили.

Маҳсулот айланмаси ҳажмига таъсир қилувчи асосий омилларни қуйидаги учта гуруҳга бўлиш мумкин: 1) маҳсулот заҳиралари билан боғлиқ омиллар; 2) ходимлар сони ва меҳнат унумдорлиги билан боғлиқ омиллар; 3) асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ омиллар.

Маҳсулот заҳиралари билан боғлиқ омиллар чакана маҳсулот айланмасига йил бошига маҳсулот заҳиралари қийматининг ўзгариши, йил охирига келиб маҳсулот киримлари, бошқа чиқишлар ва маҳсулот заҳиралари орқали таъсир қилади. Ушбу қийматлар ўртасида муайян мувозанат алоқаси мавжуд. У маҳсулот мувозанатининг қуйидаги формуласи билан акс эттирилади:

З1+П=Р+В+З2,

бунда:

З1 – йил бошига маҳсулот заҳиралари;

П – маҳсулот киримлари;

Р – чакана маҳсулот айланмаси;

В – маҳсулот чиқишлари;

З2 – йил охирига маҳсулот заҳиралари.

Маҳсулот мувозанатининг формуласидан фойдаланган ҳолда ҳар бир қўшилувчининг қийматини топиш мумкин, масалан чакана сотиш қиймати: Р=З1+П-В-З2.

Ҳар бир алгебраик қўшилувчиларнинг ўзгариши тегишли равишда маҳсулот айланмасига таъсир қилади. Бошланғич заҳиралар ва маҳсулот кириминг кўпайиши маҳсулотларнинг сотилиш суммасига ижобий таъсир кўрсатади; уларнинг камайиши эса аксинча; арзонлаштириш ва маҳсулотларнинг бошқа чиқишлари; йил охирига заҳиралар камайиши маҳсулот айланмаси ҳажмига ижобий таъсир қилади; уларнинг кўпайиши – салбий.

Сотиш суммасига маҳсулот мувозанатининг у ёки бу қўшилувчисининг таъсири «занжирли ўрин алмашлаш» усули ёки мутлақ фарқларни белгилаш йўли билан аниқланади.

Мутлақ фарқлар усулини қўллаш тартиби савдонинг маҳсулот мувозанати таҳлили мисолида кўрсатилади (4.4. жадвал)

4.4. жадвал.

Йил давомидаги савдонинг маҳсулот мувозанати таҳлили

(минг сўмда)

№ т/р	Маҳсулот мувозанати қўшилувчилари	Режа бўйича	Ҳисобот бўйича	Режадан оғиш	Маҳсулот айланмасига таъсири

А	Б	1	2	3	4
1	Йил бошига маҳсулотлар заҳиралари	27830	43330	+15500	+15500
2	Маҳсулотлар киримлари	155070	159130	+4060	+4060
	Жами: (1+2)	182900	202460	+19560	
3	Маҳсулот айланмаси ҳажми	144000	148610	+4610	+4610
4	Маҳсулотларнинг бошқа чиқишлари	11470	10330	-1140	+1140
5	Йил охирига маҳсулот заҳиралари	27430	43520	+16090	-16090
	Жами: (3+4+5)	182900	202460	+19560	

Маҳсулот мувозанатидан кўриниб турибдики, савдо ихтиёрида чакана маҳсулот айланмаси ҳажмини 20700 минг сўмга кўтариш учун қўшимча маҳсулот ресрусрлари мавжуд бўлган (15500+4060+1140). Йил охирига маҳсулот заҳираларининг 16090 минг сўма кўпайиши маҳсулот айланмаси ҳажмига салбий таъсир кўрсатди. Кейинги таҳлил жараёнида ушбу омилларнинг таъсир даражасини синчиклаб текшириш лозим. Сабаби, маҳсулот заҳираларининг таъсир даражасини баҳолаётганда шуни кўзда тутиш керакки, уларнинг ижобий оғиши фақатгина ўша ҳисобот даври учун ижобий аҳамитяга эга. Олдинги ва кейинги даврлар учун у ижобий аҳамият касб этади. Бунда таъкидлаб ўтиш лозимки, харидорларнинг талабини қозонмаган маҳсулотлар киритилишининг ўсишини, шунингдек бошланғич заҳираларнинг ўсишини агар касод маҳсулотлар ҳисобига бўлса, ижобий омил деб ҳисоблаб бўлмайди.

Маҳсулот айланмаси режаси бажарилишининг асосий омили савдо ташкилотларининг маҳсулот заҳиралари билан таъминланганлигидир. Йўналишига қараб маҳсулот заҳиралари қуйидагиларга бўлинади: жорий сақланиш, мавсумий ва муддатидан олдин киритиш заҳиралари.

Жорий сақланиш заҳираларига маҳсулотларнинг навбатдаги иккита гуруҳи келиб тушишининг орасидаги муддатда маҳсулотларнинг узлуксиз сотилишини таъминлашга мўлжалланган маҳсулотлар заҳиралари киради.

Маҳсулотларнинг мавсумий сақланиш заҳираларига мавсумий ишлаб чиқариш маҳсулотлари киради. Муддатидан илгари киритиш заҳираларига алоҳида, етиб бориш қийин бўлган, фақат йилнинг муайян мавсумларида киритиш мумкин бўлган туманларда узлуксиз сотилишга мўлжалланган маҳсулотлар киради.

Айланма маблағлар ишлатилишининг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткич уларнинг чакана тармоқда айланиш тезлиги ёки маҳсулот айланувчанлиги билан аниқланади.

Маҳсулот айланувчанлиги кунларда қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Одн = \frac{З\ ер.\ ХД}{Р}$$

Бунда:
Одн – кунларда маҳсулот айланувчанлиги;
З ер – маҳсулотларнинг ўртача заҳиралари;
Д – кунлар сони (360);
Р – чакана маҳсулот айланмаси ҳажми;

Маҳсулот айланувчанлиги қуйидаги формула бўйича айланишлар сонида аниқланиши мумкин:

$$Кобор.= \frac{Р}{З\ ер} \text{ ёки } \frac{Д}{Одн}$$

1. Ўртача арифметик: $З\ ер = \frac{Зн+Зк}{2}$

2. Ўртача хронологик: $\frac{\frac{1}{2} З1+З2+З3\ldots\frac{1}{2} Зп}{П-1}$

Кунларда айланувчанликни маҳсулотлар заҳираларининг ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Маҳсулот заҳираларининг айланувчанлиги тезлаштирилганда муомаладан маблағлар бўшатилиши юз беради, уларнинг айланувчанлиги секинлаштирилганида муомалага мабла жалб қилинади. Муомаладан нисбатан бўшатилган ва унга қўшимча жалб қилинган маблағлар суммасини аниқлаш учун ҳисобот йилида ҳақиқатдаги ва режадаги кунларда айланувчанликнинг фарқини сотилиш бўйича ўртача кунлик айланмага кўпайтириш лозим. Сотилиш бўйича ўртача кунлик айланма чакана маҳсулот айланмаси ҳажмини таҳлил қилинаётга давр кунлари сонига бўлиш орқали аниқланади.

Меҳнат сони ва унумдорлиги билан боғлиқ бўлган омиллар таҳлили

Маҳсулот айланмаси режасининг бажарилиши нафақат маҳсулот заҳиралари мавждулигидан, балки савдо ташкилотларининг ишчи кучи ва меҳнат унумдорлиги билан таминланганлигига ҳам боғлиқ.

Меҳнат кўрсаткичларининг таҳлили «Меҳнат бўйича ҳисобот» №5-савдо шакли маълумотлари бўйича ўтказилади: унда ходимлар сони ва таркиби ҳамда битта ходимга тўғри келадиган иш маҳсули ҳақида маълумотлар мавжуд.

Таҳлилни савдо ташкилотларининг ходимлар билан таъминланганлигидан бошлаш керак. Шу мақсадда режадаги ва ҳақиқатдаги, шунингдек ўтган давр кўрсаткичлари солиштирилади ва ходимдар таркиби аниқланади.

Савдо ходимлари сони уларни қуйидаги иккита гуруҳга тақсимлаб ўтказилади:

1. Барча ишлаётганлар сони.
2. Тезкор ходимлар сони (сотувчилар, ғазначилар, молшуносlар, бўлим мудирлари ва ҳ.).

Таъкидлаш жоизки, савдо ходимларининг ҳамма тоифаси савдо-сотиқ жараёнида бир хил рол ўйнамайди. Бошқарув таркибининг сонини таҳлил қилишда режадан ва ўтган даврлардан мутлақ оғишларни аниқлаш билан чекланилса, тезкор ходимлар сонининг таҳлилида, мутлақ оғишлардан ташқари нисбий оғишлар ҳам ҳисобланади, яъни чакана маҳсулот айланмаси режасининг ёки ўсиш суръатларининг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда, сабаби, тезкор ходимлар сони маҳсулот айланмаси билан тўғридан-тўғри боғланган бўлади. Шунинг учун уларнинг сонини нисбатан ортиқча ёки кам дея аниқлаш лозим. Ҳисоблаш усули қуйидагича: дўкон ходимларининг режадаги сонини маҳсулот айланмаси ҳажми бажарилишига тўғриланиб 100га бўлинади, ва олинган тўгриланган кўрсаткич тезкор ходиларнинг ҳақиқатдаги сони билан солиштирилади. Фарқ текзор ходимларнинг нисбатан кўплиги ёки камлигини кўрсатади (саноатдаги каби). Дўкон ходимлари сони бўйича нисбатан камлиги савдо ташкилотининг меҳнат унумдорлиги ўсишидан дарак беради.

Чакана савдода меҳнат унумдорлиги битта ишчига тўғри келадиган маҳсулот айланмаси билан ўлчанади. Унумдорликни тавсифлаш учун қуйидаги иккита кўрсаткич ҳисобланади: битта ходимга тўғри келадиган ўртача йиллик иш маҳсули; битта сотувчига тўғри келадиган ўртача йиллик иш маҳсули. Меҳнат унумдорлигини таҳлилининг бошқа барча қисмлари саноатдаги каби амалга оширилади.

Асосий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ омиллар таҳлили саноатдаги каби амалга оширилади.

4.4. Муомала харажатлари таҳлили.

Савдо ташкилотлари маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга ўтказишни амалга оширади. Ушбу жараёнда маҳсулотларни кўчириш, сақлаш, савдо ходимларининг ишҳақини тўлаш ва ҳ. Каби турил хил харажатлар юзага келади.

Ушбу қиймат кўринишидаги барча харажатлар муомала харажатлари деб номланади. Муомала харажатлари нафақат мутлақ суммада, балки чакана маҳсулот айланмасининг умумий ҳажмига %да ҳам аниқланади. Охирги кўрсаткич муомала харажатлари даражаси деб номланади. Муомала харажатлари даражаси бўйича савдо фаолиятини оқилона юритиш даражасиҳақида муҳокама қилса бўлади.

муомала харажатлари таҳлилида бизнес-режа бажарилиши ва умумий ҳамда харажатлар қисмлари бўйича алоҳида муомала харажатларининг ўсиш суръатлари текширилади, сўнгра ҳисобот йилида юз берган ўзгаришлар режа ва ўтган йил билан солиштирилади. Бу савдо корхоналари фаолиятидаги камчиликларни аниқлаш ва муомала харажатларини тежаш бўйича аниқ чораларни белгилаб қўйиш имконини беради.

Муомала харажатлари даражасига савдо фаолиятига боғлиқ бўлган ва бўлмаган турли омиллар таъсир қилади.

Боғлиқ бўлмаганларига қуйидагилар киради:

1. Маҳсулотлар чакана нархининг ўзгариши;
2. Темир йўл, сув ва автомобил ташишлари тарифларининг ўзгариши;
3. Ижара ставкаларининг ўзгариши;
4. кредит учун фоизлар.

Боғлиқ бўлганларига қуйидагилар киради:

1. Асосий ва айланма фондлардан оқилона ва самарали фойдаланиш;
2. Харидорлар талабини ва бозор шароитини ўрганиш;
3. Савдо хизмати кўрсатишнинг иқтисодий шаклларини танлаш;
4. Кредит ва молия интизомига риоя қилиш;
5. Меҳнат унумдорлигини ошириш;

Муомала харажатларини таҳлил қилиш учун қуйидаги статистик ҳисобот маълумотлари қўлланилади: №5-шакл «Савдо ва умумий овқатланиш бўйича муомала харажатлари тўғрисида ҳисобот». Аввал бизнес-режанинг (ўсиш суръатларининг) умумий даража бўйича бажарилиши ва муомала харажатлари бўйича тежаш ёки ортиқча сарф мавжудлиги текширилади (4.5.жадвал).

4.5. жадвал

Муомала харажатлари умумий даражасининг таҳлили

№ т/р	Кўрсаткичлар	Ўлч.бирлиги	Бизнес-режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқ (+,–)
А	Б	В	1	2	3
1	Чакана маҳсулот айланмаси…	Минг сўм	144000	148610	+4610

2	Муомала харажатлари…	Минг сўм	12500	12640	+140
3	Муомала харажатлари даражаси… (2-қатор*100:1-қатор)	%	8,68,5	8,5055	-0,175

4.5. жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисобот йилида савдода муомала харажатлари мутлақ суммаси бизнес-режага қараганда ҳақиқатда 140 минг сўмга ортди.

Бу ўзгаришга қуйидаги иккита омил таъсир кўрсатди:

1. Маҳсулот айланмаси ҳажмининг ўзгариши.
2. Муомала харажатлариумумий даражасининг ўзгариши.

Биринчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун маҳсулот айланмасидаги фарқни муомала харажатлари режа даражасига кўпайтириб, 100га бўлиш лозим: +4610*8,6805=+400,1 минг сўм ёки 3,2 % *12500:100=400 минг сўм.

Иккинчи омил бўйича муомала харажатлари умумий даражасидаги фарқни маҳсулот айланмасининг ҳақиқатдаги ҳажмига кўпайтирилади ва 100га бўлинади:

-0,175*148610=-260,1 минг сўм.

Омиллар мувозанати: (+400,1)+(-206,1) = +140 минг сўм.

Муомала харажатлари ҳақиқатдаги даражаси бизнес-режага қараганда маҳсулот айланмасига 0,175% паст бўлиб чиқди. Муомала харажатларининг ҳақиқатда тежалиши (ортиқча сарф қилиниши) ҳақиқатдаги маҳсулот айланмасини муомала харажатлари даражасидаги фарққа кўпайтириб, 100га бўлиш орқали аниқланади. Бизнинг мисолда муомала харажатларининг тежалиши маҳсулот айланмасига нисбатан 0,175%ни ташкил қилди (8,6805-8,5055) ёки 260 минг сўм (0,175*148610:100).

Таҳлилнинг кейинги босқичи бизнес-режа бажарилишига таъсир қилган асосий омилларни аниқлаш, ва савдо харажатларини камайтириш заҳираларининг тўлиқ қўлланилишини аниқлашдир. Бунинг учун харажатлар қисмининг ҳар бири бўйича муомала харажатлари сметаси бажарилиши текширилади.

Муомала харажатлариини таҳлил қилишда харажатлар қисмларининг маҳсулот айланмаси ҳажмига боғлиқлиги бир хил эмаслигини ҳисобга олиш лозим, бу харажатлар қисмларининг турли гуруҳлари учун текширишнинг табақалашган усулини қўллаш имконини беради. Маҳсулот айланмаси ҳажмининг кўпайишига мутаносиб равишда ўсадиган харажатларни шартли-ўзгарувчан деб аташ қабул қилинган.

Уларга қуйидагилар киради: иш ҳақи, транспорт харажатлари, маҳсулотларни сақлаш, саралаш, кам-кўстини тўлдириш ва ўраш харажатлари, кредит фоизлари ва ҳ.

Маҳсулот айланмаси ҳажмига боғлиқ бўлмаган харажатлар шартли-доимий деб номланади. Буларга қуйидагилар киради: хоналарни ижарага олиш ва сақлаш бўйича харажатлар, жорий таъмирлаш бўйича харажатлар, санитар махсус кийим ва жиҳозлар эскириши, реклама бўйича харажатлар,

меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича харажатлар, маъмурий-бошқарув харажатларини қоплаш чегирмалари. Шартли-ўзгарувчан ва шартли-доимий харажатларни таҳлил қилиш усуллари ҳар хил бўлади.

Шартли-ўзгарувчан харажатлар уларнинг режадаги суммасига тўғриланган ва маҳсулот айланмаси режасининг ҳақиқатда бажарилишиданкелиб чиққан ҳолда таҳлил қилинади.

4.5. Молиявий натижалар таҳлили.

Савдо корхоналарининг даромадлилигини ўлчовчи бўлиб фойда ва рентабеллик ҳисобланади. Фойда ва унинг нисбий кўриниши – рентабеллик савдо корхоналарининг баҳолаш кўрсаткичлари қаторига киради.

Савдо корхоналарининг муомала харажатларини қоплаш ва рентабеллигини таъминлаш мақсадларида уларнинг фойдасига маҳсулотларнинг чакана нархларидан савдо чегирмалари ва харид нархларига савдо устамаси қўйилади.

Маҳсулотлар сотилишидан тушган тушум билан уларнинг харид қиймати ўртасидаги фарқ савдо корхоналарининг ялпи даромадини ташкил қилади.

Ялпи даромад ўсиши маҳсулот айланмаси ҳажмининг ва савдо устамасиинг ўртача фоизининг ўсиши билан аниқланади, охиргиси эса сотилган маҳсулотларнинг тузилиш ўзгаришлари таъсири остида ўзгариши мумкин.

Ялпи даромаднинг ҳақиқатдаги суммасининг режадан ёки ўтган йилгидан фарқи қуйидаги иккита омил таъсири остида юзага келади:

1. Маҳсулот айланмаси ҳажмининг ўзгариши.
2. Савдо устамаси ўртача фоизининг ўзгариши.

Биринчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун маҳсулот айланмасидаги фарқни савдо устамаси ўртача фоизининг режадаги даражасига кўпайтириш ва 100га бўлиш лозим.

Иккинчи омилнинг таъсирини аниқлаш учун савдо устамаси ўртача фоизининг фарқини маҳсулот айланмасининг ҳақиқатдаги ҳажмига кўпайтириш ва 100га бўлиш лозим.

Ялпи даромад таҳлилининг манбаси бу №2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»идир. Ялпи даромад бўйича режа бажарилишининг баҳоланиши 4.6. жадвалда келтирилган.

4.6. жадвал.

Савдо ялпи даромади бўйича бизнес-режа бажарилишининг таҳлили.

№ т/р	Кўрсаткичлар	Ўлч.бирлиги	Бизнес-режа бўйича	Ҳақиқатда	Фарқ (+,–)
1	Чакана маҳсулот айланмаси	Минг сўм	144000	148610	+4610

2	Ялпи даромад	Минг сўм	26136	28161,6	+2025,6
3	Савдо устамаси ўртача фоизи (2-қатор*100:1-қатор)	%	18,15	18,95	+0,80

4.6. жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳисобот йилида ҳақиқатдаги ялпи даромад бизнес-режага қараганда 2025,6 минг сўмга кўпайган. Бу ўзгаришга иккала омил ҳам ижобий таъсир қилган, яъни маҳсулот айланмаси ҳажми ва савдо устамаси ўртача фоизи оширилиши.

Биринчи омил ҳисобига ялпи даромаднинг 836,7 минг сўмга ўсиши таъминланган:

$$\frac{+4610*18,15}{100} \text{ ёки } \frac{+3,2-*26136}{100};$$

Иккинчи омил ҳисобига ялпи даромаднинг 1188,9 минг сўмга ўсиши таъминланган:

$$\frac{+0,80*148610}{100}$$

Омиллар мувозанати: 836,7+1188,9 = 2025,6 минг сўм.

«Харажатлар таркиби тўғрисида»ги қонунга мувофиқ савдо корхоналари фаолиятининг молиявй натижалари даромаднинг қуйидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади:

1. Маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи даромад ва маҳсулотни сотиш билан боғлиқ харажатлар (кўрсатилган хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархи) ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан даромад маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи даромад ва муомала харажатлари (бунда фақат маъмурий харажатлар ҳисобга олинади) ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади ва плюс ёки минус асосий фаолиятнинг бошқа тезкор даромадлари ва харажатлари.

3. Умумий хўжалик фаолиятидан даромад алегбраик сумма сифатида қуйидагича ҳисобланади: асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан даромад плюс молиявий фаолиятдан даромад минус молиявий фаолият харажатлари.

4. Солиқ тўлангунга қадар даромад алегбраик сумма сифатида умумхўжалиек фаолиятидан даромад ва фавқулодда даромад ва зарарлар қолдиғидан аниқланади.

5. Соф даромад солиқлар тўлангандан кейин савдо ташкилотининг тасарруфида қолади, даромад солиғи ва бошқа солиқ ҳамда тўловлар амалга оширилгандан кейинги солиқ тўлангунга қадар даромад ҳисобланади.

Юқорида келтирилган савдо корхоналари даромад кўрсаткичларининг таҳлил усуллари саноатдаги таҳлилдан кам фарқ қилади. Масалан, савдо ташкилотининг маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи даромадининг

ўзгаришларига таъсир қилувчи омиллар таҳлилининг усулларини кўриб чиқамиз (4.7. жадвал).

жадвал.

Маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи даромад таҳлили

№ т/р	Кўрсаткичлар	Ўлч.бирилиги	Бизнес-режа бўйича	Ҳақиқатдаги таннарх бўйича	Фарқ (+,–)
1	Чакана маҳсулот айланмаси…	Минг сўм	144000	148610	+4610
2	Ялпи даромад	Минг сўм	26136	281616	+2025,6
3	Савдо устамасининг ўртача фоизи (2-қатор*100:1-қатор):	%	18,15	18,95	+0,80
4	Фақатгина маҳсулотни сотиш билн боғлиқ муомала харажатлари…	Минг сўм	12500	12640	+140
5	Муомала харажатлари даражаси (4-қатор*100:1-қатор)	%	8,6805	8,5055	-0,175
6	Маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи даромад (2-қатор-4-қатор)	Минг сўм	13636	15521,6	+1885,6
7	Маҳсулот айланмасига нисбатан рентабеллик даражаси	%	9,47	10,44	+0,97

Ушбу 4.7. жадвалдан кўриниб турибдики, ҳисобот йилида маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи даромад бизнес-режага қараганда ҳақиқатда 1885,6 минг сўмга ортди.

Бу ўсишга қуйидаги иккита омил таъсир кўрсатган:

1. Чакана маҳсулот айланмаси ҳажмининг ўзгариши. Маҳсулот айланмаси ҳажмининг 4610 минг сўмга ўсиши ҳсиобидан маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи даромад миқдори 436,4 минг сўмга [3,2%*13636:100] ёки [4610*9,47:100].

2. Даромад ўсишига савдо устамаси ўртача фоизининг 0,8%га [0,80*148610:100]=+1188,9 минг сўмга ўсиши ижобий таъсир кўрсатган.

3. Муомала харажатлари даражаси 0,175 %га камайган бўлиб, бу маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи даромад ҳажмининг 260 минг сўмга ўсишига олиб келди:

[-0,175*148610:100].

Маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи даромад режасига юқорида келтирилган омилларнинг таъсирини қуйидагича умумлаштириш мумкин (минг сўм):

режа бўйича ялпи даромад … 13636

ҳақиқатдаги даромад… 15521,6

фарқ… +1885,6

шу жумладан қуйидагилар ҳисобидан:

маҳсулот айланмасининг ўзгариши… +436,4

савдо чегирмалари даражасининг ўзгариши +1188,9

муомала харажатлари даражаси ўзгариши +260

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан, умумхўжалик фаолиятидан даромад, солиқ тўлангунга қадар ва соф даромадларнинг омилий таҳлил усуллари ушбу кўрсаткичларнинг саноатдаги таҳлилидан кам фарқ қилади.

4.6. Молиявий ҳолат таҳлили.

Молиявий ҳисоботнинг ягона шаклларини қўллаш туфайли халқ хўжалигининг турли тармоқларида молиявий ҳолат таҳлилидаги фарқлар ўча бошлади.

Савдо корхоналари молиявий ҳолатининг таҳлили саноатдаги каби муайян кетма-кетликда олиб борилади, чунончи, аввало савдо корхонаси мулкининг таркиби аниқланади: узоқ муддатли ва айланма активлари; жорий акитвлар таркиби; товар-материал заҳиралари, дебиторлар ва пул маблағлари; маҳсулот заҳиралари ҳолати; мулкка киритилоган маблағлар манбалари тузилишини ва хусусий айланма маблағлари мавжудлиги ва улар билан таъминланганлик. Сўнгра савдо корхонасининг молиявий барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тақилинади. Кейин қуйидаги ликвидлилик (тўлов лаёқати) кўрсаткичлари таҳлил қилинади: жорий ликвидлилик коэффициенти, муддатли ликвидлилик коэффициенти, мутлақ ликвидлилик коэффициенти ва савдо корхоналарининг ишбилармонлик фаоллигини тавсифловчи кўрсаткичлар таҳлили билан тугалланади: жами активлар ва жорий активлар айланувчанлигининг коэффициентлари, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициенти, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг кунларда айланувчанлик коэффициенти.

Савдо корхоналари молиявий ҳолати таҳлилининг асосий вазифалари қуйидагича: маҳсулот айланмаси бўйича бизнес-режа бажарилиши учун етарли маблағлар билан таъминланганлиги, ички заҳираларни ишга солиш, хусусий айланма маблағларни сақлаб қолиш бўйича чроа-тадбирларни амалга ошириш, кредитларни мақсадли ишлатиш, савдо корхоналари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган бюджет, банклар, етказиб берувчилар ва ҳ.лар олдидаги мажбуриятларининг бажарилиши.

Савдо корхоналари молиявий ҳолатининг таҳлили асосий манбалари бу «Бухгалтерлик баланси» (№1-шакл), «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» (№2-шакл), «Асосий маблағлар ҳаракати тўғрисида ҳисобот» (№3-шакл), «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» (№4-шакл), «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот» (№5-шакл), «Дебитор ва кредитор қазрдорлиги тўғрисида маълумот» (№2а-шакл), шунингдек ҳисобдан ташқари маълумотлар.

Савдо корхоналарининг молиявий ҳолатини тавсифловчи юқорида келтирилган кўрсаткичларни таҳлил қилиш усуллари уларнинг саноатдаги таҳлилидан кам фарқ қилади.

4.7. Умумий хулоса

Ушбу мавзуни ўрганиш натижасида талаба савдо корхоналари иқтисодий таҳлилини ташкил қилиш асосий тамойилари ва хусусиятларини билиши, чунончи, маҳсулот айланмаси бўйича бизнес-режанинг бажарилишини таҳлил қилиш усулларини, маҳсулот айланмаси, муомала харажатлари ҳажмига таъсир қилувчи асосий омилларни таҳлил қилиш усулларини, шунингдек молиявий натижаларни шакллантириш асосий тамойиллари ва уларни таҳлил қилиш усулларини билиши лозим.

4.8. Мавзуга доир калит сўзлар

Чакана маҳсулот айланмаси; улгуржи маҳсулот айланмаси; чакана маҳсулот айланмасининг бизнес-режаси; аҳолига маҳсулотларни кредитга сотиш ва майда улгуржи савдо; чакана маҳсулот айланмасининг тузилиши; маҳсулот гуруҳи; маҳсулот заҳиралари билан боғлиқ омиллар; меҳнат сони ва унумдорлиги билан боғлиқ омиллар; асосий фондлар билан боғлиқ омиллар; маҳсулот мувозанати; жорий сақлаш маҳсулот заҳиралари; мавсумий сақлаш маҳсулот заҳиралари; муддатидан илгари киритиш маҳсулотлари; маҳсулотлар айланувчанлиги коэффициенти; маҳсулот заҳираларининг кунларда айланувчанлиги; барча ходимларнинг сони; тезкор ходимлар сони; сотувчилар сони бўйича нисбий ортиқчалик (камлик); савдода меҳнат унумдорлиги; муомала харажатлари; муомала харажатлари даражаси; шартли-ўзгарувчан харажатлар; шартли-доимий харажатлар; ялпи даромад; савдо чегирмаси; савдо устамаси; савдо устамасининг ўртача фоизи; маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи даромад; тезкор даромад; умумхўжалик фаолиятидан даромад; солиқ тўлагунга қадар даромад; соф даромад; молиявий ҳолат; мулк таркиби; мулк шаклланиши манбалари; хусусий айланма маблағлар мавжудлиги ва улар билан таъминланганлик; маҳсулот заҳираларининг ҳолати; молиявий барқарорлик; ликвидлилик кўрсаткичлари; ишбилармонлик фаоллиги кўрсаткичлари.

4.9. Талабаларнинг билимларини текшириш учун саволлар.

1. Чакана маҳсулот айланмасининг таърифини келтиринг.
2. Чакана маҳсулот айланмасининг шакллари ва турларини айтинг.
3. Маҳсулот айланмаси мувозанати ва унинг таркибий қисмлари?
4. Маҳсулот айланмаси бўйича бизнес-режа бажарилишининг таҳлилида ўрганиладиган саволлар доираси қандай?
5. Чакана маҳсулот айланмаси ҳажмига таъсир қилувчи омиллар қандай белгилари бўйича гуруҳланади?
6. Маҳсулот заҳиралари билан боғлиқ омиллар қандай таҳлил қилинади?

7. Маҳсулот заҳираларининг айланувчанлик коэффициенти қандай аниқланади?
8. Маҳсулот заҳираларининг кунларда айланувчанлиги қандай аниқланади?
9. Маҳсулот заҳиралари айланувчанлигининг секинлашиши натижасида савдо айланмасига қўшимча жалб қилинган маблағлар суммаси қандай аниқланади?
10. Маҳсулот айланмаси ҳажмига қандай омиллар таъсир қилади ёки чакана маҳсулот айланмасини ҳисоблаш формуласини келтиринг?
11. Савдо корхонасининг меҳнат омилларини таҳлил қилиш хусусиятлари қандай?
12. Сотувчилар сони бўйича нисбий ортиқчалик (камлик) қандай аниқланади?
13. Савдода меҳнат унумдорлиги даражаси қандай аниқланади?
14. Муомала харажатлари нима дегани?
15. Муомала харажатлари даражаси қандай аниқланади?
16. Муомала харажатлари даражасига қандай омиллар таъсир қилади?
17. Шартли-ўзгарувчан ва шартли-доимий харажатлар нима дегани?
18. Муомала харажатлари бўйича ортиқча сарф ёки тежаш суммаси қандай аниқланади?
19. Савдода ялпи даромад қандай аниқланади?
20. Савдо устамасининг ўртача фоизи нима дегани?
21. Савдо чегирмаси ва устамаси нима дегани?
22. Ялпи даромаднинг ўзгаришига қандай омиллар таъсир қилади?
23. Маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи даромад қандай аниқланади?
24. Савдо корхоналарининг асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан даромади қандай аниқланади?
25. Умумхўжалик фаолиятидан даромад қандай аниқланади?
26. Солиқ тўлангунга қадар даромад қандай аниқланади?
27. Савдо корхоналарининг соф даромади қандай аниқланади?
28. Маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи даромад ўзгаришига қандай омиллар таъсир қилади?
29. Рентабеллик кўрсаткичларининг хусусиятлари қандай?
30. Савдо корхоналарининг молиявий ҳолатини таҳлил қилишда қандай кўрсаткичлар ўрганилади?

4.10. Ахборот-услубий таъминот

1. Асосий адабиёт

1. Баканов М.И., Шеремет А.Д. «Экономический анализ» М.: «Финансы и статистика» 199 г.

2. Ергешев Е.Е. «Иқтисодий ва молиявий таҳлил», Т.: Меҳнат. 2000 й.

3. Шеремет А.Д., Негашев Е.В., «Методика финансового анализа»: М.: ИНФР-М, 1999 г.

2. Қўшимча адабиёт

1. Акрамов Э.А. «Анализ финансового состояния предприятия» Т.: ТГЭУ, 2000 г.

2. Абдукаримов И.Т. «Как читать и анализировать финансовую отчетность» Изд.дом «мир экономики и права», Т.: 1998 г.

3. Бористайн Л.А. «Анализ финансовой отчетности», М.: «Финансы и статистика», 1996 г.

4. Стоун Д., Хитчинг Г., «Бухгалтерский учет и финансовый анализ» С.Петербург Литера Пляс, 1994 г.

5. Стоянова Е., «Финансовый менеджмент» Российская практика, М. Ид. «Перспектива», 1995 г.

6. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом. ЎР Вазирлар маҳкамаси, 1995, 1999 й.

7. Просветов Г.И. Анализ хозяйственной деятельности предприятия: Задачи и решения: Учебно-метод. пособ. – М.: РДЛ, 2005. – 192с

8.Любушин Н.П. Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности: Учеб. пособ. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. – 448с.

9.Абрютина М.С. Экономический анализ торговой деятельности. - М.: Дело и сервис, 2000.–360 с.

5-мавзу: Қурилиш ташкилотларида аудит хусусиятлари.

Режа:

5.1. Капитал қўйилмаларни аудит манбалари ва вазифалари.

5.2. Пудрат ва хўжалик усулида бажариладиган капитал қўйилмаларнинг аудити.

5.3. Тугалланган капитал қўйилмаларни ҳамда асосий воситалар ва қувватларни ишга туширишнинг аудити.

5.4. Тугалланмаган капитал қўйилмаларни аудити.

5.5. Пудратчилар билан ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини аудити .

5.6. Умумий хулоса.

5.7. Мавзуга доир калит сўзлар.

5.8. Талабаларнинг билимларини текшириш саволлари.

5.9. Ахборот-услубий таъминот.

Капитал қўйилмаларни аудит манбалари ва вазифалари.

Капитал қўйилмалар - бу хужаликнинг такрор ишлаб чикаришини кенгайтириш хамда унинг сифатини яхшилашга йуналтирилган харажатлар мажмуидир. Капитал қўйилмалар хажми корхоналарни куриш, кенгайтириш, техник кайта жихозлаш ва унинг ишлаб чикариш кувватларини саклаш, шунингдек, ишлаб чикариш максадларилаги асбоб- ускуна, транспорт воситалари ва бошка асосий фондларни харид килишнинг барча молиялаштириш манбалари хисобига килинган харажатларнинг умумий суммасига нисбатан белгиланади.
Узбекистон иктисодиётида курилиш саноати асосий уринни эгаллайди. Капитал курилишнинг устидан назорат килиш учун корхоналарда капитал курилиш буйича назорат булимлари ташкил этилади.

Қурилиш ташкилотлари аудитининг асосий максади уларнинг молиявий хисоботларининг тугрилиги ва хакконийлигини, Узбекистон республикасида кабул килинган конунчиликка мос келишлигини текширишдан иборатдир.

- капитал қўйилмалар хажмига;
- корхонани куриш ва ишга тушириш(ишга тушириш – созлаш харажатлари)нинг асосий сарфлари;
- ишлаб турган муассасалар (мактаб, касалхона, болалар богчалари ва шу кабилар) ни бюджет классификациясининг 12-моддаси буйича асосий воситалар харид килиш харажатлари;
- илмий тадкикот ишлари курилмаларининг таркибий намуналари, щунингдек, саноат синовлари учун урнатиладиган машина ва ускуналарнинг тажрибаларини тайёрлаш ва кабул килинган ихтироларни синаш харажатлари;

Субъектлар фаолиятида шундай харажатлар хам мавжуд буладики , улар белгиланган тартибга кура капитал қўйилмалар хажмига киритилмайди;

- бино, иншоот, асбоб – ускуналар ва бошка асоисй воситаларни капитал ремонти(таъмирлаш) харажатлари ;

- ер ва урмон курилиш ишлари, шунингдек ерни яхшилаш харажатлари ;

- ишга тушириш созлаш ишлари вактида ускуналарни демонтаж ва монтаж килиш буйича харажатлар;

- комплектлаш, йигиш буйича нуксонларни тузатиш ва бунга алокадор машина, ускуна ва курилмаларни синаш харажатлари ;

- курилиш – монтаж ишларининг кийматига киритилган курилишнинг айрим машина ва ускуналарини монтаж ва демонтаж килиш ишлари киймати;

- асосий воситаларни тугатиш харажатлари;

- кисмларга ажратиб бузиш, ускуналарни демонтаж килиш ва шу кабилар киймати (жойни янги курилишга тайёрлаш ёки ишлаб турган корхоналарни таъмирлаш ва кенгайтиришга алокадор курилиш сметасида назарда тутилган ишлар бундан мустасно);

- курилиш вактида курилиш ташкилотларининг устама харажатлари хисобига амалга ошириладиган вактинчалик (титул руйхатига кирмаган) бино, иншоот ва курилмалар (идора хамда прораб усталар , омборхоналари, душхона, исиниш, коровулхона, объектдаги омбор ва шийпонлар) киймати,

- махсус омборлар ва мосламалар киймати (айрим буюмларни серияли ёки оммавий ишлаб чикаришда ёки маълум буюртмаларни бажаришда фойдаланиладиган);

- келтирилган ёки курилиш майдонида тайёрлаб куйилган, аммо ишга жалб килигмаган детал, блок, крнструкция ва бошка курилиш материалларни киймати;

- улгуржи бахоларда хисобга олинган ускуналар , эхтиёт кисмларнинг киймати ;

- курувчи шартнома асосида бошка корхона ва ташкилотлар учун бажариладиган ишлар киймати .

Аудитор асосий воситалар тугри кирим килинганлигини, эхтиёт кисмларнинг киймати тугри акс эттирилганлигини, харажатлар тугри хисобга олинганлигини диккат билан текшириши лозим.

Аудиторлик текширувини утказишнинг асосий манбаалари куйидагилардан иборат:

1. Узбекистон Республикаси «Бухгалтерия хисоби тугрисидаги» Конуни,1996 йил 30-август.

2. Узбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тугрисидаги» Конуни, янги тахрири 2000 йил 26- май.

3. Узбекистон Республикаси Фукаролик Кодекси 1996 йил 29-май.

4. Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Махсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чикариш ва сотиш харажатларининг таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тугрисида НИЗОМ» 1999 йидл 5-февральдаги 54-сонли карорига Илова.

5. 1-Сонли « Хисоб сиёсати ва Молиявий хисоботлар» БХМС ,1998-йил 26-июль , 14-августда Адлия Вазирлигидан руйхатдан утган .

6. 17-Сонли «Капитал курилишга оид пудрат шартномалари»БХМС

7. 19-Сонли « Инвентарлашни ташкил этиш ва утказиш» БХМС 1999 йил 2- ноябрда 833-сон билан Адлия вазирлигидан руйхатдан утган.

Янги курилишларда капитал қўйилмаларни хисобга олиш ва курилишнинг бориши устидан назоратни, курилаётган корхона дирекцияси, ишлаб турган корхоналарда эса бевосита шу корхона рахбарига буйсунувчи капитал курилиш булимии амалга оширида.

Курилаётган курилиш корхона дирекцияси сметаларида назарда тутилган маблаглар хисобига, ишлаб турган корхоналарда эса капитал курилиш булимиини саклаш харажатлари, яъни давр харажатлари сметасида назарда тутилган маблаглар хисобига амалга оширилади. Курилаётган корхоналар дирекциялари шунингдек курувчи булган ишлаб турган корхона ва ташкилотлар капитал қўйилмалар бухгалтерия хисобини хам олиб борадилар. Аудитор Ушбу капитал курилишда бухгалтерия хисоби тугри юритилганлигини ва курилиш-монтаж ишлари тугри олиб борилганлигани текшириши лозим.

5.2. Пудрат ва хужалик усулида бажариладиган капитал қўйилмаларнинг аудити.

Капитал қўйилмаларни максадга кура хисобга олишда ишлаб чикариш максадларидан объектлар курилшига (курилиш тугалланган сунг моддий ишлаб чикариш сохаси: саноат ,кишлок хужалиги, транспорт, алока ва шу кабиларда ишлайдиган объектлар) ва ноишлаб чикариш максадларида (турар жой ва коммунал хужалик, согликни саклаш муассасалари, ижтимоий таъминот, халк таълими ва бошка) объектларга ажратилади.

Иктисодиёт тармоклари буйича капитал қўйилмалар саноат, кишлок хужалиги, курилиш, транспорт, согликни саклаш, халк таълими ва бошка тармоклардаги капитал қўйилмаларга ажратилади.

Қурилиш – монтаж ишларини бажариш усулига кўра капитал қўйилмалар пудрат ва хужалик усулида бажариладиган капитал қўйилмаларга ажратилади.

Пудрат усулини курилиш-монтаж ишларига ихтисослашган пудрат курилиш-монтаж ташкилотлари олиб боради, бунда икки томон бош пуратчи ва буюртмачи алокага киришиб уларнинг узаро муносабатлари пудрат шартномаси билан белгиланади. Пудрат шартномаси икки томон учун объект курилиши учун асосий хужжат булиб хизмат килади, шунинг учун аудитор пудрат шартномасини тугри тузилганлигини, Фукаролик Кодексига ва бошка меъёрий хужжатларга мос келишини текшириши лозим. Тасдикланган капитал курилишнинг пудрат шартномаси тугрисидаги коидаларга кура пудрат шартномаси – бу буюртмачи ва пудратчиларнинг узаро муносабатларини тартибга солувчи хамда улар томомнидан шартнома мажбуриятларини бажармаган холларда иктисодий жавобгарликларни белгиловчи асосий хужжатдир.

Пудрат шартномаси буюртмачи билан курилиш ташкилоти уртасида корхона, бино, иншоотларни куриш, таъмирлаш, кенгайтириш ва техник кайта ускуналашнинг бутун даврига ва уларнинг, капитал курилиш режаларига киритилган хамда улар учун белгиланган тартибда тасдикланган титул руйхатлари мавжуд булгандан сунг тузилади. Аудитор ушбу хужжатни тугри тузилганлигини текшириши лозим .

Бош пудратчи умумкурилиш ва ихтисослашган ташкилотлар билан ишларни айрим хамда комплекс турланишини бажариш учун субпудрат шартномасини тузиш ва бажаришда томонлар юкоридаги коидаларга, бош пудратчининг субпудрат ташкилотлари билан узаро муносабатлари тугрисидаги низомларга амал киладилар . Буюртмачининг тузилган субпудрат шартномасидаги ишларга алокадор мажбуриятлари эса субпудратчи зиммасига юклатилади. Коидаларга кура буюртмачи: бош пудратчига корхона, бино, иншоотни куриш учун муайян майдонни , белгиланган тартибда тасдикланган лойихани-смета хужжатларинибериши курилишнинг уз вактида очилишини хамда уни узлуксиз маблаг билан таъминланишини, шунингдек курилиш - монтаж ишларига туланишини таъминланиши, бош пудратчига етказиб бериш буюртмачи зиммасига юкланган материал ва ускуналарни белгиланган жадвалга кура курилиш - монтаж ишларини бажариш хамда кувват ва объектларни ишга тушириш муддатлари билан катъий белгиланган муддатда комплекс етказиб берилишини таъминланиши лозим. Буюртмачи бажарилган ишлар хажми ва кийматини лойиха – смета, курилиш меъёр ва бошка коидаларга, материал, буюм ва конструкцияларни давлат стандарти ва шартларига мувофиклигини пудратчининг оператив – хужалик фаолиятига аралашмай текширади.

Тасдикланган лойиха-смета хужжатлари, иш хужжатлари, шунингдек курилиш меъёр ва коидаларидан четга чикишлар аникланган холларда аникланган нуксонларни пудратчидан бартараф этишни , айрим холларда ишни тухтатишни талаб килади ва нуксонлар бартараф этилмагунча бу ишларга хак туланмайди.

Аудиторнинг вазифаси курилиш ташкилотларида молиявий хисоботларнинг тугрилиги ва хакконийлигини текщиришдан иборатдир.

Курилиш ташкилотлари аудитининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат;

- Содир булаётган операцияларнинг конунийлигини текшириш;
- Тузилган шартномаларнинг конунийлигини текшириш;
- Лойиха-смета хужжатларини тугри тулдирилганлигини текшириш;
- Курилиш ташкилотининг активларининг тугрилгини текшириш;
- Буюртмачилар билан узаро хисоб-китоблар тугрилигини текшириш;
- Курилиш ташкилоти даромадининг шаклланиши, курилиш монтаж ишлариниг таннархи ва якуний молиявий натижаларни текшириш.

Бош пудратчи режа ва титул руйхатида назарда тутилган объектларни белгиланган тартибда тасдикланган лойиха-смета хужжатларига мувофик

куриб бериш; курилиш-монтаж ишларини курилиш меъёр коидаларига мувофик бажарилишини таъминлаш; узаро монтаж килинган ускуналарни узи синовдан утказиши; ускуналарни комплекс синовидан утказишда катнашиши; ишни кабул килувчи комиссияга курилиши тугалланган, махсулот ишлаб чикариш ёки хизмат курсатишга тайёр объектларни топшириши хамда буюртмачи ва субпудрат ташкилотлари билан биргаликда уларни белгиланган муддатда ишга туширилишини таъминлаши керак. Буюртмачи шартнома лойихасини бош пудратчидан олган кунидан бошлаб 10 кун муддатда куриб чикиб имзоланиши ва бош пудратчиларга кайтариш лозим. Пудрат шартномасига томонларнинг курилиш-монтаж ва ишга тушириш созлаш ишларини бажариш хамда ускуна, материал ва буюмларни етказиб бериш буйича мажбуриятларни аниклаштирувчи жадваллар илова килинади. Аудитор ушбу жадвалларни синчковлик билн текшириши лозим.

5.3. Тугалланган капитал қўйилмаларни хамда асосий воситаларни ва қувватларнинг ишга туширишнинг аудити.

Ишлаб турган корхонани техник кайта жихозлаш ягона техник иктисодий асослаш заминида хамда одатда ишлаб чикариш майдонларини кенгайтирмай амалга оширадиган тармокнинг техник иктисодий даражасини ошириш режасига мувофик ишлаб чикарилган айрим иш хажми ва турлари лойиха сметалари буйича амалга оширилади. Ишлаб турган корхонани техник кайта куришнинг максади ишлаб чикаришни жадаллаштириш, ишлаб чикариш кувватларини, махсулотни чикаришни ошириш хамда мехнат унумдорлигини ошириш ва иш жойлари сонини кискартириш билан бирга махсулот сифатини яхшилаш, материал сарфи ва махсулот таннархини камайтириш, материал ва ёкилги энергетика ресурсларини тежаш 4 шунингдек корхона ишининг бошка техник-иктисодий курсаткичларини яхшилашдир. Аудитор махсулотлар (иш ва хизматларнинг)нинг таннархи тугри хисобланганлигани текшириши лозим . Ишлаб турган корхонани кайта жихозлашда мавжуд ишлаб чикариш майдонларига янги ускуна ва машиналар урнатилиши, бошкариш ва назорат килишнинг автоматлаштирилган системаларини жорий килиш, ишлаб чикаришни бошкаришни радио, телевидение ва бошка замонавий воситаларни урнатиш, табиатни мухофаза килиш объектлари, иситиш ва вентиляция системаларни замонавийлаштириш хамда техник кайта куриш, корхона, цех ва курилмаларни марказлаштирилган иссиклик ва энергия манбаларига улаш кабилар киради.

Янгисини куриш ёки ишлаб турган корхонани кенгайтириш даврида пировард махсулотини ишлаб чикарувчи кувватлар ишга туширилишидан олдин лойихада белгиланган тартибда кайта куриб чикилса, курилишни узгартирилган лойиха буйича давом эттириш дастлаб

тасдикланган лойихага кура капитал қўйилмаларнинг тегишли гурухига киритилади.

Ишлаб турган корхона кувватини саклаш ва уни ишга тушириш, ишлаб чикариш фаолиячти жараёнида ишдан чикарувчи асосий фондларни доимо янгилаб туриш, техника ва разрезлардаги участкаларда янги бандликларни тайёрлаш, бунда ишлаб турган бандликларда корхонанинг лойиха куввати оширилмайди. Ишлаб турган корхоналарда кенгайтириш, таъмирлаш тутилган лойиха – смета хужжатларида назарда тутилмаган хамда саноатнинг казиб олувчи тармокларидаги ишлаб турган корхоналарни техник кайта куроллаштириш ёки мавжуд кувватларни саклаш ишларига боглик булмаган айрим объектларнинг курилиш таркибига кирмайдиган ишлаб турган корхоналарда айрим объектлар курилиши тарзида режалаштирилади ва амалга оширилади. Аудитор лойиха-смета хужжатлари тугри тулдирилганлиги ва керакли хужжатлар билан таъминланганлигини синчковлик текшириши лозим.

Корхонанинг асосий воситаларига ва номоддий активларига инвистициялар хакидаги ва бошка ахборотлар куйидаги счётларда акс эттирилади:

0810 – «Тугалланмаган курилиш»

0820 – «Асосий воситаларни сотиб олиш»

0830 – «Номоддий активларни сотиб олиш»

0840 – «Асосий подани ташкил килиш»

0850 – «Ерни ободонлаштириш»

0860 – «Узок муддатга олинган асосий воситаларни ободонлаштириш»

0890 – «Бошка капитал қўйилмалар»

Капитал қўйилмаларни хисобга олувчи счётлар буйича сальдо корхонанинг тугалланмаган курилишга, асосий воситаларни, номоддий активларни харид килишга сарфланган капитал қўйилмалар микдори , шунингдек, асосий подани атшкил килиш буйича тугалланмаган харажатлар суммасини акс эттиради. Капитал қўйилмаларни хисобга олувчи счётлар буйича аналитик хисоб капитал қўйилмаларнинг хар бир йуналиши буйича юритилади. Аудитор ушбу счётлар тўғри акс эттирилганлиги ва тўғри корреспонденцияланганлигани текшириши лозим.

5.4. Тугалланмаган капитал қўйилмаларнинг аудити.

Қурилиш ташкилотларида капитал қўйилмаларнинг аудит килинаётганда харажат турлари куйидагилар буйича гурухланади;

- металл конструкциялар монтажи;
- ускуналарни монтажи;
- монтаж талаб килмайдиган ускуналарни харид килиш, асбоб ва инвентар, монтаж талаб киладиган аммо доимий захирага мулжалланган ускуналар;

- бошка капитал и шва харажатлар асосий воситалар кийматини оширмайдиган харажатлар.

Қурилиш-монтаж ишлари пудрат усулида бажарилганида, пудрат ташкилотлари курилиш – монтаж ишларини шартнома бахоси буйича ёки курилиш кийматини аниклаш асос буладиган бахода бажарилганда курувчи хисобида банк тулашга кабул килган пудрат ташкилотлари счётига 0800 - «Капитал куйималар» счётида куйидаги тартибда акс эттирилади: хар ойда буюртмачи ва пудратчи имзолаган бажарилган ишлар киймати ва технологик боскич ва ишлар мажмуи буйича харажатлар тугрисидаги маълумотнома асосида (3-шакл), 3-шакл маълумотлари белгиланган тартибда расмийлаштирилиш лозим, яъни мансабдор шахслар буюртмачи ва бош пудратчи вакиллари томонидан имзоланган ташкилот мухри билан тасдикланиши лозим.

Аудиторлик ташкилоти ёки аудитор ушбу харажатлар тугри хисобланганлигин банк хужжатлари тугри юритилганлигини ва (3 шакл) «Асосий воситаларнинг харакати тугрисидаги хисобот» тугри тухилганлигани текшириши керак.

Асосан фондларни ишга тушириш режасини бажарилиши ва капитал қўйилмалар лимитларидан фойдаланиш тугрисидаги хисоботда хисобот йилида пудрат ташкилотлари бажарган курилиш – монтаж ишларининг курувчи тулик хажмда акс эттиради. Демак, ускуналар монтажи буйича бажарилган ишларнинг смета киймати маълумотномага (3 шакл) монтажи тулик тугалланган ишлар тулик хажмда бажарилган ускуна ёки унинг кисмлари буйича киритилади. Маълумотномада бу тартибда ускуна ёки унинг кисмининг хар бир тури буйича маълумотлар киритилади. Пудрат ташкилотлари банк томонидан тулашга кабул килинган ёки туланган счётлари буйича курилиш монтаж ишлари кийматининг оширилганлиги айникса буюртмачи килинган капитал қўйилмаларни оширилган суммага камайтиради ва шунга кура фойдаланилган маблаг билан таъминлаш ёки пудрат ташкилотининг бажарилган ишлар счёти буйича карзи камайтирилади.

Хужалик усулида бажарилган курилиш монтаж ишлари буйича харажатлар хам 0800 «Капитал қўйилмалар» ни хисобга олувчи счётларида курилиш – монтаж ишлари таннархини режалаштириш ва хисобга олиш буйича асосий коидаларда белгиланган тартибда хисобга олинади. Бунда 0800 «Капитал қўйилмалар» ни хисобга олувчи счётларида курувчи томоноидан килинадиган хакикий харажатлар касс эттирлади. Аудитор мазкур харажатлар тугри хисобга олинганлигини ва 0800 счётлари ва бошка счётлар тугри корреспонденцияланганлигини ва 11 ва 16 журнал ордерлари хамда 18- ведомост маълумотлари тугри акс эттирилган лигини текшириши керак. Саноат корхоналарида 18-ведомост маълумотлари асосида ишлаб чикариш харажатлари ва хисоб – китобларни (2310, 2920, 6500, 6700 ва 8910 счётлари) ни хисобга олиш счётлари кредити буйича оборотлар якуни 9400 ва 0800 счётлар дебети билан корреспонденцияда, шунингдек 18- ведемостга варака –

расшифровкаларга кура ёзилган суммалар 10-1 журнал ордерга утказилади.

Монтаж талаб киладиган ва урнитишга мулжалланган мамлакатда хамда хорижда ишлаб чикарилган технологик, энергетик ва ишлаб чикариш ускуналари монтажга топширилишига 0710 - «Урнатиладиган асбоб – ускуналар» счётида хисобга олинади. Уларни келиб тушиши ва уларни кирим килиниши хамда махсулот етказиб берувчилар счётларига туланиши устидан назорат келиб тушган юкларни хисобга олиш журналида (М – 1 шакл) юритилади. Буюртмачи монтаж талаб киладиган ускунани комиисия кабул килади. Бунда ускуналарни кабул килиш тугрисидаги М – 24 шакл тузилади, ускуна бухгалтерия хисобида кирим килиш учун бошлангич хужжат килинади. Агар олдиндан утказилган тафтишда, монтаж килиш ёки синашда ускунанинг комплект эмаслиги, завода йул куйилган брак ёки бошка нуксонлар тугрисида аудитор томонидан алохида акт тузилади.

5.5. Пудратчилар билан ҳисоб – китобларнинг тўғрилигини аудити.

Бажарилган курилиш монтаж ишлари учун буюртмачилар ва пудратчилар уртасидаги хисоб – китоблар корхоналар, ишга тушириладиган комплекс ва объектлар курилиш учун шартнома бахолари буйича килинади. Шартнома бахоси пудрат ташкилоти пудрат шартномасига кура объектда бажариладиган ишларни кийматидир . Шартнома бахоси бутун курилиш давомида узгартирилиши мумкин эмас.Шартнома бахоларини аниклаш ва келиши тартиби тасдикланган курилишда шартнома бахоларини аниклаш хамда куллаш буйича методик курсатмаларда белгилаб берилган .Методик кулланмаларга кура шартнома бахосига куйидагилар киритилган: корхона, бино, иншоот, уларнинг навбатлари, ишга тушиладиган комплекслар куриш кийматининг йигма хисоб – китоб системаларида аникланган курилиш монтаж ишларининг смета киймати ёки бу ишларнинг техник иктисодий асослаш ва техник иктисодий хисоб – китоблар таркибида аникланган хисоб – китоблар киймати; пудратчи фаолиятига тааллукли бошка иш ва харажатларнинг бир кисмига алокадор харажатлар; назарда тутилган иш ва хизматларнинг курилиш смета йигма хисоб – китобларига ёки техник иктисодий хисоб китобларда аникланадиган шартнома бахоларида хисобга олинадиган курилиш – монтаж ишлари ва бошка харажатлар кийматига киритиладиган маблаглар умумий резервининг бир кисми, бундан буюртмачи етказиб берадиган материаллар, буюмлар ва конструкциялар кийматига утадиган суммалар истисно килинади. Аудиторлик ташкилоти курилиш ташкилотининг аудиторлик текширувида экспертларни ёллаши мумкин. Аудит жараёнида курилаётган объектларнинг хаммаси тегишли лойиха – смета хужжатлари билан тулик таъминланганлигани пудрат шартномасида курсатилган муддатларда топширилганлигини текшириб чикади. Аудиторлик хисоботига лойиха –

смета хужжатлари буйича бундай тартиббузарликнинг окибатлари курсатилган холда объектлар руйхатини такдим этиши керак.

Курилиш лойиха хужжати курилишни молиялаштириш учун хизмат килади ва пудратчи билан буюртмачи орасидаги барча хисоб китобларни амалга оширади. Нотугри тузилган смета хужжатлари объектнинг смета кийматини ошишига олиб келади. Шунинг учун курилиш смета хужжатларини ёппсига яъни синчиклаб хар бирини текшириш лозим. Шунинг учун аудиторлар томонидан лойиха смета хужжатларини диккат билан текшириш максадга мувофикдир.

Агарда белгиланган тартибда лойиха хужжатларига тузатишлар киритса, бунинг окибатида курилиш – монтаж ишларининг хажми ва таркиби узгарадиган булса, шартнома бахосига ппудратчи билан келишиб аникликлар киритиш лозим. Буюртмачи ва бош пудратчи уртасидаги келишмовчиликка оид карорни вазирлик – буюртмачи рахбарлари вазирлик – пудратчи рахбарлари билан келишиб 20 кунлик муддатда кабул киладилар. Агарда курилишда икки ёки ундан ортик бош пудратчи катнашса шартнома бахоси хар бир бош пудратчи учун белгиланади.

Буюртмачи пудратчининг корхона кувватини ошириш таклифини кабул килса, курилишнинг смета киймати ва шартнома бахоси лойиха буйича мазкур корхона куввати бирлигига кабул килинган харажатлар салмоги асосида аникланилади. Бунда буюртмачининг куввати оширишга алокадор кушимча харажатлари аниклик киритилган сметада назарда тутилга маблаглар хисобига маблаг билан таъминланади.

Аудитор сметаларда ўтказилган текширув натижаларининг қандайлигини, уларнинг нархларини пасайтирилганлигини аниклаши керак. Бунинг учун аудиторга курилиш ташкилотида бор булган барча хисоб – китоблар ва шу саволга тегишли булган хужжатлар билан танишиб чикиши лозим.

Умумий хулоса.

Ушбу мавзуни ўрганиш натижасида талаба қурилиш ташкилотларида аудит ўтказишнинг асосий аҳамиятини ва буюртмачилар билан ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрилигини текшириш, қурилиш ташкилоти даромадининг шаклланиши, курилиш монтаж ишларинг таннархи ва якуний молиявий натижаларни текширишни ўрганиши лозим.

5.7.Мавзуга доир калит сўзлар.

- Капитал қўйилмалар
- Пудрат усулида бажариладиган капитал қўйилмалар
- Хужалик усулида бажариладиган капитал қўйилмалар
- Тугалланмаган капитал қўйилмалар
- Капитал курилиш

- Пудратчи ташкилотлар
- Курилиш – монтаж ишлари
- Пудрат шартномаси
- Лойиха – смета хужжатлари
- Инвентарлаш

5.8.Талабаларнинг билимларини текшириш саволлари.

1. Капитал қўйилмаларни аудитининг узига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Курилиш – монтаж ишларни бажаришига кура капитал қўйилмалар неча турга булинади?
3. Курилиш ташкилотларида асосий воситаларнинг аудити кандай амалга оширилади?
4. Пудратчилар билан хисоб – китобларни аудит килишда кандай хужжатларга асосий эътибор каратилади?
5. Тугалланмаган капитал қўйилмаларни аудити кандай амалга оширилади?

5.9. Ахборот-услубий таъминот.

Адабиётлар:

1. Макальская М. и др. «Основы аудита» 2-е изд. М.:-2002г. (курс лекций с ситуационными задачами).
2. «Аудит» Монтгомери , Дефлиз Филипп, 1997г.
3. «Аудит» Маматов З.Т , Нарбеков Д.Э , Шакаров К.А. Тошкент Ислом университети нашриёти, 2002 йил.
4. Подольский В.И. и др. Аудит. практикум. Уч. пособие. М.:-2004г.
5. Аудит 1,2-томлар. Ўқув қўлланма. Тулахаджаева М.М. ва бошқаларнинг умумий тахрири остида. Узбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва Аудиторлар Ассоциацияси, Т.:- 2004й.
6.Вохидов С.В, Вохидов Т.С. «Халк хужалигининг турли тармокларида бухгалтерия хисобининг хусусиятлари» Мехнат , 2004 й.
7. Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Т.: Молия, 2003 йил.
8. Уразов К.Б Бухгалтерский учет и налогооблажение в торговле. – Ташкент «Мир экономики и права» - 2004 год.
9. Аудит : учебник для вузов . под ред. В.И.Подольского. М.ЮНИТИ.2001 год.
10. Аудит. З.Т. Маматов , Д.Э. Нарбеков , К.А. Шакаров. Тошкент Ислом Университети нашриёти , 2002 йил.
11.Аудит. практикум. Уч. пособие. Подольский В.И. и др. М.:-2004г.
12. Аудит учета расчетов по оплате труда. О. Ахалкаци. ЮНИТИ М.:-2004.

13.Практикум по аудиту. Уч. пособие под ред А.Д. Ларионова. М.:-2004.
14. Сборник задач по аудиту. И.В. Васильевич. М.:-2002.
15.Аудиторская проверка кассовых операций. Практическое пособие. Л Сотникова. М.:-2004г.

6-мавзу: Қишлоқ хўжалигида аудит хусусиятлари.

Режа:

6.1. Қишлоқ хўжалигида аудитнинг манбалари ва вазифалари.

6.2. Қишлоқ хўжалигида харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляциялашни текшириш..

6.3. Деҳқончилик ва чорвачиликда харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляциялашни аудити.

6.4. Ёш чорва моллари ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олишни текшириш.

6.5. Умумий хулоса.

6.6. Мавзуга доир калит сўзлар.

6.7. Талабаларнинг билимларини текшириш саволлари.

6.8. Ахборот-услубий таъминот.

1. Қишлоқ хўжалигида аудитнинг манбалари ва вазифалари.

Бозор муносабатлари шароитида халк хужалиги бошкарув органларининг турларига, функционал вазифаларига караб назоратлар: давлат органлари ва мулкдорлик жихатларидан нодавлат хужалик субъектлари назоратига булинади. Бундай назорат турларининг келиб чикишига сабаб, биринчидан, турлича мулк шаклларининг вужудга келиши булса, иккинчидан, республикамйзнйнг чет эл компаниялари, инвесторлар билан иктисодий алокаларда булишидир.Табиийки, булар эса уз навбатида бугунги кун талабига жавоб берадиган аудиторлик назорати фаолиятини уюштиришни такозо килмокда.

Республикамизда дастлаб 1992 йил 9 декабрда «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги конун кабул килинди. Кейинчалик аудиторлик фаолиятини ривожлантириб бориб 2000 йил 26 майда конунга айирим узгаришлар киритилди. Конунларнинг хаётга тадбик килиниши борасида Республика Вазирлар Махкамасининг бир катор меъёрий хужжатлари, шунингдек 2000 йилнинг 22 сентябрида кабул килинган 365-сонли карори хамда унга иловалар сифатида бир неча Низомлар ишлаб чикилди. Мазкур хужжатлар аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи асосий меъёрий хужжатлар хисобланади.

Кишлок хужалик корхоналарида аудитор томонидан тузиладиган молиявий хисоботларни тугрилигини назорат килиб боради:

1) хисоботларни аниклигини таъкидлаш ёки уларни ноаниклиги тугрисида курсатмалар бериш;

2) бухгалтерия хисобида карзлар, даромадлар ва кишлок хужалик корхоналари фаолияти молиявий натижаларини текширилаётган даврда тулик, аник ва хакикий курсатилганлигини текшириш;

3) бухгалтерия хисобини юритиш ва хисоботларни тузишни тартибга солувчи коидаларга, норматив хужжатларга хамда конунчиликка амал килинганлигини, шунингдек активлар, мажбуриятлар ва уз капиталини бахолаш методологиясига риоя этилганлигини назорат килиш;

4) уз асосий ва айланма маблагларини, молиявий резервлардан хамда кредит манбаларидан яхширок фойдаланиш резервларини аниклаш.

Аудитнинг вазифалари - балансни, молиявий натижалар тугрисидаги хисоботни тугри тузилганлиги хамда тушунтириш хатларида маълумотлар аниклигини аудиторлик текшируви оркали аниклашдан иборат.

Бунда куйидагиларга эътибор каратилиши лозим:

а) хисоботда хамма активлар ва пассивлар курсатилганми;

б) хисоботда барча хужжатлардан фойдаланилганми;

в) хакикатдаги мулкни бахолаш методикаси корхона бухгалтерия хисоби сиёсатида белгиланган методикадан канчалик фарк килади.

Молиявий натижалар тугрисидаги хисоботни аудитор баланс ва соликка тортилган фойда тугри хисобланганлигини аниклаш учун текширилади.

Аудитор асосий максадга эришиш ва хулоса бериш учун куйидаги саволлар буйича уз фикрни шакллантириш керак:

1) хисоботнинг умумий мое келиши яъни, хисобот умуман унинг олдига куйилган талабларга жавоб беради, хамда бир-бирига тугри келмайдиган ахборотдан холис эканлиги;

2) асосланганлик яъни, курсатилган суммаларни хисоботга киритиш учун аосий борлиги;

3) якунланганлик яъни, хисоботга хамма суммалар киритилганлиги, шунингдек барча активлар ва пассивлар банкка тегишлими. Бу моддий запаслар банк мулкидир.

4) бахолаш яъни, барча маблаглар тугри бахоланган ва хатосиз хисобланганлигини урганиш;

5)туркумлаш яъни, суммани шу счетда курсатиш учун асос борми;

6) ажратиш яъни, операциялар амалга оширилган даврда курсатилганми (сотилган ва сотиб олинган товар моддий запаслар суммаси 2 давр орасида ажратилганми);

7) саранжомлик яъни, аналитик хисоб-китобларида ва журналларида келтирилган маълумотлари аникми, улар тугри кушилганми ва бош китобдаги маълумотларга мос келади;

8) очиш яъни, молиявий хисоботга хамма категориялар киритилган хамда улар хисоботда тугри курсатилган.

Текширилаётган корхонада аудит утказишни режалаштиришни дастлабки кисми бу - молиявий хисоботни тахлил килиш, амалга ошириладиган назоратнинг масштабни бахолашни кулланилаётган ички

назорат асосида олиб бориш керак. Текширув жараёнида кулланиладиган процедурани аниклаш зарур, яъни текширувга бошка аудиторлар, экспертларни ва кушимча ходимлар жалб этишни хамда мижозни банк розилигини олиб, улар фаолиятини режалаштириш керак. Шуни ёдда тутиш керакки, текширишда бошка мутахассислар ишидан фойдаланиш аудитордан аудиторлик хулосаси учун жавобгарликдан озод килмайди.

6.2.Қишлоқ хўжалигида харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини калькуляциялашни текшириш.

Деҳқончиликда маҳсулотининг даладан келиб тушиши ва берилишини акс эттирадиган турли бирламчи хужжатлар мавжуд. Хужжатларнинг шакли махсулотлар характерининг ва иш турига даладан келтирилаётган махсулотнинг хужжати расмийлаштирилишига ва унинг кирим қилинишига боғлиқ бўлади. Масалан, донни комбайнларда хирмонга ташиш, махсулотни даладан олиб чиқиш йўлланма билан расмийлаштирилади. Олдиндан номерланган йўлланма комбайн ҳайдовчиларига бериб қўйилади. Бу йўлланмани аввал комбайнчи, сўнгра шофёр ва хирмон мудири имзолайди.

Аудит жараёнида йўлланмалар ўрнида даладан дон ва бошқа махсулотларни жўнатиш реестирларидан фойдаланилганлигига ҳам эътиборни қаратиш лозим. Улар йўлланмалар сингари расмийлаштирилади, аммо кун давомида йиғма хужжат сифатида юритилади. Бу дастлабки хужжатлар сонини қисқартириш имконини беради. Бундан ташқари, аудитор дон махсулоти бевосита хирмонда “Дон ва бошқа махсулотларни қабул қилиш” реестрларида кирим қилинганлигини текширишилозим, бу хужжат ҳам иш куни давомида юритилади. Хирмон мудири ушбу кирим ҳамда чиқим хужжатлари асосида ҳар куни дон ва бошқа махсулотлар ҳаракати ведомостини тузади ва уни дастлабки хужжатлар билан бирга бухгалтерияга топширади.

Донни хирмонда тозалаш, қуритиш ва саралаш далолатномалар билан расмийлаштирилиб, унда доннинг ишлов беришдан олдинги ва кейинги оғирлиги турлар бўйича чиқит миқдори кўрсатилади.

Пахтанинг келиб тушиши пахтанинг кундалик терилиши ҳақидаги маълумотларни қамраб олувчи хужжатлар, савзавот, картошка, полиз ва боғдорчилик махсулотлари қишлоқ хўжалик махсулотининг келиб тушиш кундаликлари орқали расмийлаштирилади.

Ғаллани қабул қилиш пунктларига жўнатилаётганда товар транспорт накладнойлари илова қилинади.

Чиқим хужжатлари омборчи ёки хирмон мудири томонидан махсулотнинг чиқиб кетиши ҳақидаги хужжатлар реестрида қайд этилади. Ишлатилган озуқа йиғма хужжат озуқа сарфи ведомости билан расмийлаштирилади.

Чорвачиликда ҳам хилма-хил хужжатлардан фойдаланилади. Уларнинг шакли ва мазмуни махсулот характери, чорва ва иш турига боғлиқ бўлади. Аудитор ушбу хужжатларни турини ва иш бажариш характерини билиши зарур.

Деҳқончилик қишлоқ хўжалигининг асосий соҳаларидан бири. Бу соҳада қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти шу жумладан чорва учун озиқа етиштирилади. Бу тармоқда дала ишлари, полизчилик, боғдорчилик, ем-хашак етиштириш ва шу кабилар таркиб топади.

Деҳқончиликдаги ҳисобга олиш объекти – экинларнинг алоҳида турлари, тугалланмаган ишлаб чиқариш турлари ва айрим ишлардир. Масалан, кузги бошоқли экинлар гуруҳи, баҳорги буғдой ва бошқа баҳорги экинлар гуруҳи, текин экинлар, картошка, сабзавот, полиз, озиқа экинларининг боғдорчилик ва узумчилик харажатлари ҳисобга олишнинг мустақил объектлари ҳисобланади.

Келгуси йил ҳосили учун қилинган харажатлар ҳисоблаш тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олишнинг алоҳида оьбектига ажратилади. Бу харажатлар алоҳида экинлар бўйича бажариладиган иш турлари юзасидан ҳисобга олинади. Кейинги, бошланган ҳисобот йилида айтиб ўтилган харажатлар алоҳида экин турлари таннархига тақсимлаш йўли билан ўтказилади.

Деҳқончилик ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотнинг чиқиши бўлинма, биргада ва шу кабилар бўйича ҳисобга олиниши керак бундан ташқари аудитор экин турлари бўйича харажатлар қуйидаги калькуляция моддалари бўйича тўғри ҳисобга олинаганлигини текширади:

1. Ижтимоий суғурта ажратмалари билан биргаликда меҳнатга хақ тўлаш харажатлари.
2. уруғлик ва экиш материаллари.
3. ўғитлар.
4. ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари.
5. иш хизматлари.
6. асосий воситаларни сақлаш харажатлари
7. ишлаб чиқаришни ташкил этиш харажатлари.
8. суғурта тўловлари.
9. Бошқа харажатлар

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишга оид бухгалтерия ёзуви тўғри ва тегишли тартибда расмийлаштирилган бошланғич ҳужжатлар-миханизациялаштирилган, от ва қул меҳнатларини ҳисобга олиш варақалари, ўғит сарфи актлари, маҳсулот жўнатилганлиги ҳақидаги накладнойлар регистирлар,маҳсулотни даладан олиб чиқиш йўлланмалари, озиқа қабул қилиш далолатномалари ваш у кабилар асосида амалга оширилади. Бригада ва бўлимлар бўйича гурухланган бошланғич ҳужжатлар маълумотлари асосида иш ва харажатларни ҳисобга олиш журнали юритилади, сўнгра ҳар ойда деҳқончилик бўйича ишлаб чиқариш ҳисоботлари тузилади. (18-шакл) Ҳисобот икки бўлимдан иборат бўлади. Унинг биринчи бўлимида харажатлар моддалари, режадаги экин тур (гуруҳ) лари, тугалланмаган

ишлаб чиқариш турлари бўйича харажатлар, иккинчисида деҳқончилик маҳсулотининг чиқиши акс эттирилади. Ишлаб чиқариш ҳисоботлари тугалланган ойдаги маълумотларни кўрсатиб, йил бошидан ўсувчи якунида юритилади. Ҳисоботлар асосида аналитик ҳисоб юритиладиган маҳсулотнинг чиқиши ҳисоби дафтарига,қайд қилинади. Сунгра 10 журнал-ордерга ўтказилади. Ҳисобга олишнинг машинага мўлжалланган турларида харажатлар ва махсулотнинг чиқишини ҳисобга олишнинг ведомост-машинаграммалари ишлаб чиқилади.

Аудиторлик текшируви мобайнида аудитор, қишлоқ хўжалик корхоналарида деҳқончиликдаги харажатлар ва маҳсулотнинг чиқишини хисобга олишда “Асосий ишлаб чиқариш” счётидан фойдаланилаётганлигини ҳам аниқлаб олиши керак. У, ишлаб чикарилаётган маҳсулот таннархини ҳисоблашга ҳам мўлжалланган. Счётнинг дебитида йил давомида бевосита, йил охирида эса юкорида келтирилган сарф моддалари бўйича билвосита харажатлар, кридитда эса йил довомида махсулотнинг чиқиши режадаги таннархда акс этирилади. Йил якунида эса режадаги таннарх аниқланган хақиқий таннархга етказиб тўғриланади. Йил бошида Ушбу счётнинг дебет савьдоси ўтган йил харажатлари бўйича тугалланмаган ишлаб чиқаришни, йил охирида эса келгуси йил хосили учун ҳаражатлар бўйича тугалланмаган ишлаб чиқаришни англатади. ”Деҳқончилик” счёти бўйича аналитик ҳисоби ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш объектлари бўйича экин турлари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, иш турлари ва харажатлар моддаси бўйича юритилади.

Бундан ташқари аудитор, харажатларни алоҳида моддалар бўйича ҳисобга олиш тартибини ҳам билиши шарт. “Ижтимоий суғурта ажратмалари ва меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари” моддасида бевосита экин ўстириш билан банд бўлган ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш, навбатдаги ва қўшимча таътилларга ҳақ тўлаш ҳамда бу суммаларга нисбатдан ҳисобланган тегишли ижтимоий суғурта ажратмалари ҳисобга олинади. Бу харажатлар бошланғич ҳужжатлар асосида бевосита тегишли экинлар ва иш турларига ўтказилади. Қўшимча меҳнат хақи суммалари тўғри иш хақига муносиб тақсимланади. Бунда умумлашган маълумотлар бўйича “Деҳқончилик” счётининг дебетига ҳамда “Меҳнатга хақ тўлаш бўйича ҳисоблашишлар” ва “Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоблашишлар” счётларининг кридитига қайд қилинади.

6.3.Деҳқончилик ва чорвачиликда харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляциялашни аудити.

Деҳқон хўжалигини характерлайдиган асосий курсаткичлар системасида унинг фаолияти натижаларини курсаткичларига алохида урин ажаратилади. Бундай курсаткичларга кишлок хужалиги ишлаб чикариши учун харажатлар, ялпи ишлаб чикарилган махсулот, фойда, шахсий истеъмол учун харажатлар киради. Бу курсаткичлар бухгалтерия хисобини юритиш системасида шаклланади. Дехкон хужалиги фаолиятини натижаларини аник ва тугри акс эттириш учун харажатларни шаклланиши, ишлаб чикариш

натижалари ва уни таксимлаш услубини ишлаб чикиш лозим. Бундай кишлок хужалиги ишлаб чикариши билан боглик услубни ишлаб чикиш харажатлар таркиби, ишлаб чикаришга килинган харажатларни аниклаш шахсий истеъмол учун харажатлар ва уларни коплаш манбалари, дехкон хужалиги фаолияти натижаларини шакллантириш имконини беради.

Дехкон хужалигидаги харажат ва фойдани таксимланишини шакллантириш билан боглик маълумотлар аудиторлик назоратидан утказилганда, асосий эътиборни хакикий хисоб маълумотларига каратиш лозим.

Ушбу услубни ишлаб чикишда аудитор дехкон хужалиги факат кишлок хужалик фаолиятини юритади деб хисоблаб ва унинг кишлок хужалиги фаолиятига тугри боглик булмаган холда олган бошка даромадлари ва харажатлари борлигини хам хисобга олиши керак. Кишлок хужалиги фаолиятини асосий кисми булиб азалдан дехкончилик ва чорвачиликда етиштирилган махсулотни бирламчи кайта ишлаш курилади. Оилавий дехкон фермер хужалиги узига хос булган корхонадир. Бу узига хослик хужалик фаолияти давомида ишлаб чикаришда воситаларни айланиши, кайта ишлаш, саклаш, ташиш, хамда истеъмол килишда куринади. Баъзи бир хужаликларда узлари олган кимматликлар шахсий истеъмол учун ишлатилади, баъзи хужаликларда эса бу кимматликлар хосилни йигиш куринишида булиб факат шахсий иеъсолни кондириш учун эмас, балки сотиш учун хам етиштирилади. Лекин бу хужаликни ва ундаги кимматликларни айланиши характери мазмунини хеч кандай узгартирмайди. Махсулотни сотиш хам асосан иестъмол максадида амалга оширилиб ишлаб чикарилган махсулотни ортигини уз хужалиги учун зарур булган бошка кимматликларга алмаштириш учун амалга оширилади. Ушбуни хисобга олиб биз дехкон фаолиятини якуний натижаси соф фойда (Сф) деб хисоблаймиз ва у дехкон даромали (Д) ва харажати (Х) айиомаси сифатида аникланади: Сф=Д-Х. Соф фойда охир окибатда дехконнинг фаолият процесси давомида тупланган хужалик жамгармаси еки капитал сифатида майдонга чикади. Бу фойданинг пул воситалари фермер фаолиятини турли йуналишларни молиялаштириш манбайи булади. Хужалик даромади кишлок хужалиги махсулотини реслизация килишдан олинган тушум хисобига шаклланади. Харажатлар эса шахсий истеъмолга килинган харажатлар, яъни уй хужалиги юритиш учун кишлок хужалиги харажатларидаги сарфлардан иборат булади. Дехкон ва унинг оиласини эхтиежини кондириш пул даромади ва дехкон хужалиги захиралари хисобига булади ва улар кишлок хужалиги фаолиятидан олинади. Шундан келиб чикиб, соф фойда суммаси ва уй хужалиги учун килинган сарфлар кушилган холда кишлок хужалиги фаолиятидан олинган фойдани ктрсатади. Кишлок хужалиги фаолияти курсатиш давомида фермер зарар куриши хам мумукин, бунда курилган зараплар суммаси уй хужалиги учун килинган сарфлар хисобига ортади. Фермер уз фаолиятини амалга оширар экан, уз ишидаги манфий натижалар булишидан манфаатдор булмайдилар. Охир окибат бундай ахвол банкротликка олиб боради. Шунинг учун биз

хужаликни зарар келтириб ишлиш холатини хисобдан чикармаган холда асосий диккатни фойда курсаткичларини текширишга каратиш керак.

Яқин йиллар ичида давлат ва жамоа хужаликларининг барча ишлаб чиқариш бўлинмалари мехнатини ташкил этишнинг пудрат усулига, шу жумладан оила ва якка тартибдаги пудрат усулига ўтказилганлигини унутмаслик керак бу усулда ишлаб чиқаришда қатнашувчиларнинг барчаси, шу жумладан рахбарлар ва мутахасисларнинг ҳам мехнатига ҳақ тўлаш ялпи даромадга бевосита боғлиқ қилиб қўйилди, қишлоқ хўжалик ходимлари меҳнатига натурал хақ тўлашнинг салмоғи ортади, уни тўлаш ҳажми пировард натижаларга қатиий боғлиқ қилиб қўйилади. Бунда хўжалик ичидаги ўртасида ўзаро ҳисоблашишнинг чек шакли жорий этилиб, бўлинмалар раҳбарлар маҳсулот учун ҳам, хизматлар учун ҳам чек Билан ҳисоблашишни амалга оширадилар.

Аудиторлик текширувида аудитор қуйидагиларга эътиборини қаратиши лозим: жамоа хўжалиги меҳнаткашлари ижтимоий таъминот марказий фондига ажратмалар ижтимоий суғурта ажратмалари сингари акс эттирилади, аммо ёзувлар чоракда бир марта «Деҳқончилик” счётининг дебети ва “Суғурта бўйича ҳисоблашиш” счётининг кредитида акс эттирилади. Қишлоқ хўжалик тармоқларида моддий ресурсларни ҳисобга олиш сингари ташкил этилади.

Уруғ ва экин материаллари бевосита белгисига кўра “Деҳқончилик” счётига ҳақиқий таннархда “Уруғлар ва озиқа” счётининг кредитидан ўтказилади. Уруғларни экишга тайёрлаш, уларни экиш жойига ташиб келтириш харажатлари уруғлар қийматига киритилмайди, балки экинларга тегишли харажатлар моддалари бўйича ўтказилади.

“Ўғит” моддасида қишлоқ хўжалик экинлари учун тупроққа солинадиган ўғитлар, шу жумладан саноатда ишлаб чиқиладиган минерал, бактериал ва бошқа ўғитлар ҳамда органик ўғитлар харажатлари ҳисобга олинади. Харажатлар аналитик ҳисобга олишда минерал ва органик ўғитлар бўйича алоҳида акс эттирилади. Ўғитларни тайёрлаш ва ерга солиш харажатлари бевосита муайян қишлоқ хўжалик экинига тегишли харажатлар моддалари бўйича ўтказилиб, бу моддага киритилмайди. Ўғитлар харажатлари “Материаллар” счёти ёки “Чорвачилик” счётининг кредитидан ўтказилади.

“Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари” моддасида бегона ўтлар, қишлоқ хўжалик экинлари зараркунда ва касалликларга қарши курашда ишлатиладиган пестицид, кимёвий дорилар, гербицид ва бошқа кимёвий, шунингдек биологик воситаларни харид қилиш ва сақлаш харажатлари киритилади. Хўжаликнинг ўзи бу воситалар Билан кўчатлар, экинларга ишлов бергандаги харажатлар моддалари бўйича экиннинг таннархига ўтказилади.

“Иш ва хизматлар” моддаси ўз корхонасининг ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондирувчи ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг хизматлари ҳамда шу корхонага бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган ишлаб чиқариш характеридаги хизматларга хақ тўлаш

харажатлари акс эттирилади. Ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш ва уларни харажатларини маҳсулот таннархига қўшиш тартиби мазкур бобнинг алоҳида моддасида ёритилган.

“Асосий воситаларни сақлаш харажатлари” моддасида бевосита ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий воситаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш Билан боғлиқ харажатлар киритилади. Уларга бу асосий воситаларга хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш харажатлари, амортизацияси ажратмалари ва тузатиш харажатлари киритилади.

Деҳқончиликда айтиб ўтилган асосий воситаларга шу тармоқда бевосита маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган трактор лар, қишлоқ хўжалик машина ва ускуналари, иссиқхона, турли омборлар ва ишлаб чиқариш бинолари, асосий мелиорация воситалари, кўп йиллик экинлар, ишлаб чиқариш инвентари ва бошқалар киритилади.

Асосий воситаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатларига асосий воситаларга хизмат кўрсатувчи ходимларнинг меҳнат ҳақлари, ижтимоий суғуртага ажратмалари Билан, ёнилғи ва мойлаш материаллари, ёрдамчи ишлаб чиқариш, шунингдек чет ташкилотлар хизматлари ва бошқа харажатлари киритилади. Тузатиш харажатларига энг аввало ўзининг таъмирлаш устахоналарининг харажатлари киритилади.

Аудитор амортизация харажатларини юқорида айтиб ўтилган асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари ташкил қилаишини хам билиши керак. Амортизация харажатлари ҳар ойда алоҳида “Деҳқончиликда ишлатиладиган асосий воситалар бўйича тақсимланган амортизация” аналитик счётида қайд этиб борилади. Бунда “Деҳқончилик” счёти дебет ва “Асосий воситаларнинг эскириши” счёти киритилади. Йил охирида асосий воситаларнинг эскириш суммаси экин ва иш турлари бўйича тақсимланади ва бу махсус ведомост орқали расмийлаштирилади. Олдин “Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар” счётида ҳисобга олинган жорий тузатиш харажатлари амортизация суммасига мутаносиб равишда тақсимланади.

“Ишлаб чиқариш ва бошқарувни ташкил этиш харажатлари” моддасида умумишлаб чиқариш харажатлари акс эттирилади.

“Суғурта тўловлари” моддасида қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосили ва кўп йиллик экинлар, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари, қуён, асалари оилалари ваш у кабилар бўйича давлат мажбурий суҳурта тўловларига оид харажатлар ҳисобга олинади. Бу тўловлар тегишли экинларнинг таннархига бевосита олиб борилади.

Бу моддада маҳсулотни ишлаб чиқаришда бевосита фойдаланиладиган бино, иншооат, машина, ускуна, инвентар ва бошқа асосий воситаларнинг суғурта тўловлари ҳам ҳисобга олиб борилади. Суғурта тўловлари махсулотни иш9лаб чиқаришга сарфланадиган харажатларга мутаносиф равишда экин ва махсулот турлари бўйича тақсимланади.

Суғурта тўловлари бухгалтерияда “Дехқончилик “ счётининг дебетида, “ Суғурта бўйича ҳисоблашишлар” счётининг кредитида акс этирилади. “Бошқа харажатлар“ моддасида махсулотни ишлаб чиқаришга бевосита дахлдор, аммо юқорида кўриб чиқилган моддалардан бирортаси ҳам

киритилмайдиган харажатлар акс этирилади.

Ўтган йилнинг кузида қилинган тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобот йили харажатларига қўшилади.Улар экин турлари бўйича экин майдонига мутаносиб тақсимланади. Аниқланган суммага аналитик счётлар бўйича « Дехқончилик” счётининг дебет ва кредитида ёзувлар қилинади.

“Дехқончилик “ счётининг дебетида айтиб ўтилган ёзувлар қилингач, аналитик счётлар бўйича алоҳида экин турларига йил давомида сарфланган барча ишлаб чиқариш харажатлари аниқланади. Бу счётнинг кредитида йил давомида сарфланган барча ишлаб чиқариш харажатлари аниқланади. Бу счётнинг кредитида йил довомида маҳсулотнинг чиқарилиши режали таннархда акс этирилади ва қуйидаги ёзувлар билан расмийлаштирилади:

Дебет: 2800-«Тайёр маҳсулот” счёти.

Кредит: 2000-«Асосий ишлаб чиқариш “счёти

Йил охирида ҳақиқий таннарх аниқлангандан сўнг ёзув ҳақиқий ва режадаги таннарх ўртасида фарққа тўғирланади (корректировка қилинади).

Аудитор деҳқончилик маҳсулоти бирлигининг таннархини калькуляция қилиш тартибини ҳам билиши шарт. “Деҳқончилик» счётининг аналитик счётлари экин турлари бўйича акс этирилган харажат маълумотларига асосланувчи ҳақиқий таннархнинг ҳисобот калкулациялари йил охирида асосий қишлоқ хўжалик ишларининг доираси тугаб , жорий йил ҳосили йиғиб олингандан кейин тузилади.

Бунда асосий, ёндош ва ёрдамчи махсулот тушунчалари фарқланади, яъни асосий маҳсулот мазкур ишлаб чиқариш шу маҳсулотни олиш мақсадларида ташкил этилган. Ёндош маҳсулот–асосий экинлардан махсулотлар билан бир вақтда олинади ва истимол хусусиятларига кўра асосий махсулотга ўхшаш. Ёрдамчи махсулот- бу ҳам асосий маҳсулот билан бир вақтда олинади, аммо хусусиятига кўра иккинчи даражали махсулот хисобланади.

Дехқончиликда ҳар бир алохида қишлоқ хўжалик экинидан олинадиган махсулот тури калкулация объекти ҳисобланади.Бир экиндан Айни бир вақтда ҳар хил хусусиятдаги маҳсулот олиш туфайли дехқончилик маҳсулоти таннархини калкулация қилишда турли усулдан фойдаланилади. Масалан, харажатларни бевосита ўтказиш методидан бир экиндан фақат битта махсулот тури олинадиган холларда фойдаланилади. Бу энг оддийси: мазкур экинга сарфланган харажатлар суммасига олинган махсулот миқдори бўлинади. Айрим қишлоқ экинлари ўртасида олинаётган маҳсулот турлари учун умумий бўлган белгилардан бирининг миқдорий қийматига мутаносиб тақсимлаш методи ҳам қўлланилади.

Аудиторлик тешируви мобайнида аудитор, дехқончилик маҳсулотининг таннархини хисоблашда қишлоқ хужалик экинига сарфланган ишлаб чиқариш харажатларидан ноқулай об –ҳаво шароитлари туфайли олинган маҳсулотга тааллуқли бўлган ва белгиланган тартибда зарарга ўтказиладиган суғурта товонлари суммаси истисно (фақат ҳисобга олишда) қилинганми, йўқми шуни ҳам текшириши лозим.

Қишлоқ хўжалик экинлари(экин турлари) бўйича деҳқончилик маҳсулотининг таннархи:

А) дон, пахта, кунгабоқар уруғи-франко-дала (хирмон ёки дастлабки ишлов бириладиган жой),

Б) сомон, хашак-франко-сақлаш жойи,

В) қанд лавлаги, картошка, полиз экинлари, сабзавот, қанд лавлаги тугунчалари, илдизмевалар- франко – дала(сақлаш жойи)

Г) мевалар, резавор, узум, тамаки, махорка ва чой барги доривор эфирмой экинлари ва гулчилик маҳсулотлари, ҳимоя қилинган ер сабзавотлари-франко-қабул (сақлаш) жойлари.

Д) зиғир-похол, ивитилган зиғир поя-франко-сақлаш қайта ишлаш (хўжаликда) жойи.

Е) ўт, зиғир, сабзавот ва бошқа экин уруғлари-франко-сақлаш жойи.

Ж) озуқа учун кўк масса – франко-истеъмол жойи.

З) силос, ўт уни сенач, гранула учун кўк масса, франко – силос босиш, сенач қилиш (минора, зовур, ўра) жойи, ўт уни, гранула тайёрлаш жойи ва х.к.

Жорий йилдаги деҳқончилик маҳсулотининг таннархига йиғилган, аммо янчилмаган ёки йиғилмаган экинлар бўйича харажатлар киритилмайди. Агарда йил охирида деҳқончиликда янчилмаган экинлар бўлса, ҳақиқий харажатлар қуйидагича тақсимланади.

Йиғиштириб янчилган ва йиғилган, аммо янчилмаган экин бўйича сарфланган ҳақиқий харажатларнинг умумий суммасидан маҳсулотни янчиш ва даладан олиб келиш харажатлари чегирилади. Ана шундан кейин қолган харажатлар суммаси йиғиштириб янчилган экин ўртасида гектарлар миқдорига мутаносиб равишда тақсимланади. Йиғиштириб янчилган экинлар маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш мақсадларида йиғиштирилган экинларга сарфланган харажатлар суммасига уларни янчиш, ташиш бўйича харажатлар қўшилади. Келгуси йилда таннархни ҳисоблашда янчилмаган экинлар ва йиғиштириш бўйича харажатлар маҳсулотни янчиш, тозалаш ва ташиш харажатларига қўшилади.

Сомон (чори), жўхорипоя барги ва ғўзапоя кунгабоқар тўпгули, карам барги, шох-шабба (тут ва шу кабиларнинг таннархи ушбу маҳсулотни йиғиштириш, пресслаш, ташиш, ғарамлаш ва тайёрлашга оид бошқа ишлар харажатлари асосида белгиланган меъёрлар бўйича уларга сарфланган харажатлардан келиб чиқиб аниқланади.

Дон экинларини экиш ва йиғиштириш харажатлари (донни хирмонда тозалаш ва қуритиш харажатлари қўшилиб0 дон, дон чиқитлари ва сомоннинг таннархини ташкил қилади.

Дон ва дон чиқитларининг таннархини аниқлаш учун, аввало унга тегишли жами харажатларда сомоннинг белгиланган қиймати чегириб ташланади. Қолган харажатлар дон ва дон чиқитларининг таннархини ташкил этади. Доннинг таннархини аниқлаш учун дон чиқитлари соф донга айлантирилади, сўнгра уларга тегишли жами харажатлар шартли дон миқдорига бўлиниб 1ц доннинг таннархи аниқланади.

Масалан, кузги буғдой ҳосили йиғиштириб ва тозалаб олингандан кейин 5000 ц дон, 3000ц чиқити ва 40000 ц сомон олинади. Ушбу ҳосилни етиштириш ва хирмонда тозалаш учун 2550000 сўм сарфланган. Сомоннинг меъёрий харажатлар қиймати 50000 сўмни ташкил этади. 1ц сомоннинг таннархи эса – (50000/40000) 1.25 сўмни ташкил этди. У ҳолда дон ва дон чиқитига тегишли харажатлар (255000-50000) 250000 сўмга тенг.

Дон чиқити (чори) нинг таркибидан 50 фоиздан бўлганлиги уни донга айлантирилганда (3000*50/100) 1500 ц жами шартли дон миқдори эса 51500 ц га тенг.

1ц доннинг таннархи 40 сўм 54 тийинни, 1ц чорининг таннархи эса 20 сўм 27 тийинни ташкил этди.

Аудитор уруғчилик экинлари бўйича умумий харажатлар тегишли репродукциядаги уруғлик донни олишга алоқадор қўшимча харажатларни ҳам қўшиб, уруғлар таннархига юқоридаги тартибда ўтказилганлигига эътибор бериши керак. 1ц уруғнинг таннархи тегишли уруғга ўтказилган харажатларнинг умумий суммаси тозаланган ва қуритилган уруғ массасига реализация баҳосига мутаносиб тақсимланади.

1ц маккажўхори донининг таннархини ҳисоблашга дон қабул қилиш пунктларида суткалик ўртача намуналарни суткадаги доннинг базис намлигини ҳисобга олиб янчиш натижасида аниқланган сўталардан қуруқ донга ўтказиш хўжаликнинг давлатга сотган маккажўхори сўталаридан базис намликдаги дон чиқишининг ўртача фоизидан аниқланади.

1ц мойли ўсимликлар уруғининг таннархи донли экинлар учун белгиланган тартибда аниқланади.

1ц пахтанинг таннархи уни етиштириш ва йиғиштириш харажатлари суммасини унинг ҳисобга олинган миқдорига тақсимлаб аниқланади. Пахтнинг таннархи алоҳида навлар бўйича аниқланганда харажатларнинг умумий суммаси унинг харид нархларининг қийматига мутаносиб тақсимланади.

Тола берувчи зиғир маҳсулотининг таннархини ҳисоблашда ўстириш ва йиғиштиришга оид ишлаб чиқариш харажатлари уруғ ва тола миқдорига уларнинг харид баҳоларидаги қийматига мутаносиб ўтказилади.

Ивиган зиғир поясининг таннархи похол қиймати ва ёйиш, ағдариш ва ивигвн пояни кўтариб олиш харажатларини қамраб олади.

Бошқа йигириладиган экинлар таннархи тола берувчи зиғир маҳсулоти сингари ҳисобланади.

1ц лавлаги илдиз мевасининг ишлаб чиқариш таннархи уларни қанд лавлагининг физик массасига бўлиб аниқланади.

Аудиторлик жараёнида аудитор, тамаки ва мохорка хом ашёсининг таннархи ишлаб чиқариш харажатларининг умумий суммаси ва хом ашёнинг ҳисобга олинган массасидан келиб чиқиб, харажатларни маҳсулотларнинг алоҳида турларига уларнинг харид баҳоларидаги қийматига мутаносиб тақсимлаб аниқланаганлигини ҳам текшириб чиқиши керак. Уруғчиликда 1ц тамаки, мохорка хом ашёси, уруғнинг таннархи муайян маҳсулотни ишлаб

чиқариш харажатларининг тегишли суммаси ва хом ашё, уруғнинг ҳисобга олинган массасидан келиб чиқиб аниқланади.

Булардан ташқари, далада ўстириладиган доривор ўсимликлар айрим турлари маҳсулоти 1ц нинг таннархи мазкур маҳсулот турига ўтказилган умумий харажатлар суммасини унинг умумий массасига реализация баҳоси бўйича қийматига мутаносиб аниқланганлигини ҳам текшириб чиқиш аудиторлик хулосасини ишончлилигини таъминлайди.

Ўтсимон бир йиллик ва икки йиллик ҳамда эфир мойли экинлар маҳсулотининг таннархи барча харажатларни уларнинг реализация баҳосидаги қийматига мутаносиб тақсимлаб аниқланади. Бунда тўлиқ пишгунча ўстириш ва йиғиштириш харажатлари уруғлар таннархига киритилади. Арпабодиён ва оқ зтрадан думбиллик вақтида фойдаланганилда барча харажатлар эфир-мой хом ашёси таннархига ўтказилади.

Ўтсимон кўп йиллик эфир-мой бўйича экиш харажатлари ҳар йили олинадиган маҳсулот миқдорига мутаносиб тақсимланади.

1ц картошканинг таннархи картошкани етиштиришга тааллуқли барча харажатларни палак қийматини чегириб, картошка ҳосилига тақсимлаб аниқланади.

Айрим сабзавот экинлари 1ц ҳосилнинг таннархи очиқ сабзавотчилик ва ҳимоя қилинган ердаги сабзавотчилик бўйича алоҳида тарзда харажатлар суммасини палак харажатларини қўшиб маҳсулот массасига бўлиш йўли билан аниқланганлигини хам текшириб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

1ц шампиньонлар таннархини ҳисоблашда барча харажатлар ишлатилган субстрат қийматини чегириб маҳсулот массасига ўтказилади.

Озиқ-овқат экини сифатида полиз экинлари айрим турлари 1ц ҳосилнинг таннархини ўстириш ва ҳосилни йиғиштиришга тааллуқли барча харажатларни маҳсулот массасига тақсимлаб аниқланади. Бунда харажатлар айрим экинларга маҳсулот реализациясидан тушган даромадга мутаносиб тақсимланади.

Сабзавот ва полиз экинлари 1 ц уруғнинг таннархи ўстириш, йиғиштириш, қуритиш ва навларга ажратиш сарфларини тақсимлаб, бунда қўшимча маҳсулот массасига ўтказилган харажатлари истисно қилиб аниқланади.

Озуқа илдиз мевалар ва полиз экинлари ҳайвонларга озиқа сифатида берилган қанд лавлаги, уларнинг тугунаклари таннархи юқорида сабзавот экинлари, қанд лавлаги ва полиз экинлари таннархини ҳисоблашда баён этилган тартибда аниқланади.

Озуқа экинларини ўстириш ва йиғиштириш харажатлари улар маҳсулотининг таннархини ташкил қилади.

Бутун турдаги маҳсулотни олишда фойдаланиладиган сепилган ўт, яхшиланган ва табиий пичанзор ҳамда маданий ўтлоқлар харажатлари тўлиқ тарзда маҳсулот таннархига киритилади. Сепилган ўтлар, яхшиланган пичанзорлар, яхшиланган ва маданий ўтлоқлар ҳамда бошқа табиий ер-сувларидан бир неча маҳсулот турини олишда фойдаланилганда экинни етиштиришга қилинган харажатлар экинларга 1 га ердан озиқа бирлигига

кўра ҳисобланадиган маҳсулот ҳосилига мутаносиб тақсимланадиган харажатлар йиғиндисидан таркиб топади.

Кўп йиллик ўтларни сепиш харажатлари тугалланмаган ишлаб чиқаришга тегишли алмашиб экишда экинлардан фойдаланиш йиллари миқдорига мутаносиб тарзда йиллар бўйича тақсимланади ва уларни ўстириш харажатлари тегишли харажат моддалари бўйича киритилади.

Кўп йиллик ўт бошқа экин орасига экилганда ва экилган йили ўт ҳосили олинганида тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича умумхаражатлар ҳар икала экин ўртасида 1 га ердан олинган ҳосилга мутаносиб тақсимланади. Агарда экилган йил ҳосил иккинчи экиндан олинмаса, айтиб ўтилган барча харажатлар қопловчи экинга ўтказилади.

1 ц тайёр силос, сенаж таннархи кўк массани етиштириш, уни франко-хандаққа ташиб келиш сарфлари ва силос бостириш, сенаж тайёрлаш, хандақларни тозалаш. Силос ва сенаж массасини жойлаш ҳамда шаббалаш, сомонни юклаш ва ташиш, хандақларни плёнка ва сомон билан ёпиш харажатлари йиғиндисидан аниқланади. Силос бостиришда ишлатиладиган бошқа компонентарлар силос, сенаж ишлаб чиқаришнинг умумий сарфларига белгиланган тартибда ҳисобланадиган қиймати бўйича киритилади.

Кўп йиллик ўсимликлар ва гулчилик маҳсулотларининг таннархини ҳисоблаш. Мева берадиган ёшдаги кўп йиллик ўсимликлар таннархини ҳисоблашда жорий йилдаги умумий харажатдан қаламча, гажак, палгари, бачки, новда қиймати реализацияси баҳосида чегирилади.

1 ц мева резавор, узум таннархи харажатларининг умумий суммасини маҳсулот массасига тақсимлаб аниқланади.

Ўстирилаётган экиш материалларининг алоҳида экин гуруҳлари бўйича таннархини аниқлашда харажатларнинг ҳар бир участка бўйича умумий суммаси реализация учун ковлаб олинган ва ўстириш учун ерда қолдирилган кўчатлар сонига мутаносиб тақсимланади. Ковланган. Шу жумладан “ковлашда” бўлганларни ҳам қўшиб маҳсулотга тўғри келадиган харажатлар суммасидан 1000 дона кўчатнинг таннархи аниқланади. Ерда ўстиришга қолдирилган кўкартирилган кўчат, бир йиллик, икки йиллик кўчатлар кейинги йилга тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари тарзида ўтказилади.

Чорвачиликда жорий йилдаги барча харажатлар сараланган ва дағал чой барги, кофеин учун таркибий материал ва уруғ таннархини ташкил қилади. Сараланган чой барги таннархини аниқлашда харажатларнинг умумий суммасидан дағал чой барги, кофеин учун таркибий материал ва уруғнинг харид нархларидаги баҳоси чегирилади. 1ц сараланган чойнинг таннархи шу маҳсулотга ўтказилган харажатларни сараланган чой барги массасига бўлиб аниқланади.

Очиқ ва ҳимояланган ердаги гулчилик ва гул экинлари уруғликдаги харажатлар маҳсулот турлари ўртасида уларнинг реализация баҳосидаги қийматига мутаносиб тақсимланади.

Кулмоқ, дафна, гўнг ва тут баргини ўстириш ва йиғиштириш уруғчиликдаги маҳсулот турлари ўртасида уларнинг реализация баҳосидаги қийматига мутаносиб тақсимланади.

Ҳисобот калькуляцияларини тузишда маҳсулот олишга сарфланган ва тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаш зарур бўлади. Бундан ташқари табиий офат ёки бошқа ноқулай табиий шароитлар туфайли тўлиқ нобуд бўлган экинзор майдонларига экинларни ўстиришга сарфланган харажатлар суммасига «Мол-мулк ва шахсий суғурта бўйича ҳисоблашиш" счёти дебет ва "Фойда ва зарар» счёти кредит қилинади. Экинлар қисман нобуд бўлганда олинмаган маҳсулот суммасидан суғурта товонлари "Мол-мулк ва шахсий суғурта бўйича ҳисоблашиш" счётининг дебеида ва "Деҳқончилик" счётининг кредитида акс эттирилади. Олинган товон "Ҳисоблашиш счёти"га ўтказилади. Шуни айтиш керакки, ҳозирги кунда суғурта товонининг даражаси қишлоқ хўжалиги экин ҳосилининг 60 фоизини ташкил қилади. Бу корхоналарнинг мўътадил фаолиятлари учун барқарор молиявий шароитлар яратишга ёрдам беради.

Чорвачилик деҳқончилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. У ихтисослашувидан қатъий назар, одатда ҳар бир хўжаликда бўлади. Бу тармоққа қорамол, чўчқачилик, қўйчилик, паррандачилик, балиқчилик ва шу кабилар тааллуқлидир.

Чорвачиликда ҳам харажатларни аудит қилиш объекти бўлиб бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва хужжатлари, чорванинг алоҳида турлари ва гуруҳларидир. Масалан, сутчилик йўналишдаги чорвачиликда харажат объектлари – асосий пода, ёш қорамол, бўрдоқига боқилаётган катта ёшли мол, гўшт йўналишида-асосий пода, ёш қорамол, саккиз ойликдан катта ёш қорамол ва бўрдоқига боқилаётган катта мол. Чўчқачиликда-асосий, 2 ойликдан 4 ойликкача бўлган чўчқа болалари, 4 ойликдан катта чўчқа болалари ва бўрдоқига боқилаётган чўчқалар ҳисобга олиш объекти ҳисобланади.

Чорвачиликда ишлаб чиқариш ҳаражалари ва маҳсулотнинг чиқишини ҳисобга олиш бўлинмалари, фермалар, биргадирлар ва шу кабилар бўйича амалга оширилиши керак. Чорванинг тури ва гуруҳлари бўйича харажатлар қуйидаги калькулияция моддалари бўйича акс эттирилади:

I. Ижтимоий суғурта ажратмалари ва меҳнатга хақ тўлаш харажатлари.

II. Ҳайвонларни ҳимоя қилиш воситалари.

III. Озуқа.

IV. Иш ва хизматлар.

V. Асосий воситаларни сақлаш харажатлари.

VI.Ишлаб чиқаришни ташкил этиш харажатлари.

VII. Суғурта тўловлари.

VIII. Бошқа харажатлар.

IX. Чорванинг нобуд бўлишидан йўқотишлар.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишга оид бухгалтерия ёзувлари озуқани тақсимлаш юзасидан бошланғич хужжатлар – ведомостлар, табеллар, туғилган наслни кирим қилиш далолатномалари, ҳайвонларни тортиб кўриш ведомостлари ва шу кабилар асосида амалга оширилади.

Чорвачиликдаги харажатлар ва махсулотнинг чиқиши ҳақидаги маълумотлар кейин чорвачилик бўйича ишлаб чиқариш ҳисоботида ҳамда чорвачилик махсулотининг чиқиш харажатларини ҳисобга олиш дафтарида кўрсатилади (18-АФ). Уларнинг якуний маълумотлари 10-журнал ордерга кўчирилади, ҳисобга олиш автоматлаштирилган шароитда тегишли машинаграммалар тузилади. Бу регистрларнинг ҳаммаси ўтган ойдаги харажатларни йил бошидан ўсувчи якунида қайт этади.

Чорвачиликда харажатларни ва махсулотнинг чиқишини ҳисобга олишда “Асосий ишлаб чиқириш” счётидан фойдаланилади. У шунингдек, олинаётган махсулотнинг таннархини ҳисоблашга ҳам хизмат қилади. Счёт дебетида йил давомида бевосита (тўғри), йил охирида эса юқорида қайд этилган харажат моддалари бўйича билвосита (эгри) харажатлар кредитида махсулотнинг йил давомида режадаги таннархда чиқиши қайд этилади. Йил охирида, деҳқончиликда бўлганидаёқ, режадаги таннарх ҳақиқий таннархга етказилади. Дебетидаги сальдо эса тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини англатади.

“Чорвачилик” счёти бўйича ҳисоб юритишда харажатларни ҳисобга олиш тартибини кўриб чиқамиз. “Суғурта ажратмалари ва меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари” моддасида йил давомида чорвага бевосита хизмат кўрсатишга банд бўлган ишчилар: яъни операторлар, сут соғувчилар, бузоқ боқарлар, от боқарлар, чўпонлар ва шу кабиларнинг меҳнати ҳамда навбатдаги меҳнат таътилларига хақ тўлаш акс эттирилади. Бу бевосита модда суммасига “Чорвачилик” счёти дебет, “ходимлар билан меҳнатга ҳақи бўйича ҳисоблашлар” ва “ижтимоий суғурта бўйича ҳисоблашишлар” ва бошқа счётлар кредитланади.

“Ҳайвонларни ҳимоя қилиш воситалари” моддасини текшираётганда аудитор, корхона маблағларига олинган биопрепаратлар, дори-дармонлар, дизенфекция қилиш воситалари ва шу кабиларни харид қилиш ва сақлаш сарфлари, шунингдек, улардан чорвачиликда фойдаланишга алоқадор харажатлар акс эттирилганлигига эътибор қаратиши лозим. Бу моддага юқоридаги воситаларни анна шу мақсадларда бюджет маблағлари ҳисобига ҳал этилган қиймат киритилмайди.

“Озуқа” моддасидан сарфланган озуқанинг қиймати чорва тури ва гуруҳлари бўйича озуқани тақсимлаш ведомостлари асосида келтирилади. Бу ведомостларда ҳар йили чорва сони, озуқа номи ва миқдори қайд этилади. Ой якунида анна шу ведомостларда ҳайвонлар озуқа-кунлари сони ва натурада ҳамда озуқа бирлигига айлантирилган сарфланган озуқа миқдори, шунингдек озуқа қиймати аниқланади. Бу маълумотлар кейинчалик озуқалар сарфини ҳисобга олиш журналида йил бошидан ўсувчи якунида ҳисобга олинади.

Озуқа цехлари ва озуқани олдиндан тайёрлаш бўйича харажатлар аввало “Чорвачилик” счётининг алоҳида аналитик счётида акс эттирилади, сўнгра ҳар ойда сарфланган озуқалар миқдорига мутаносиб тақсимланади. Бундай ҳолларда озуқаларга оид харажатлар суммасига “Чорвачилик” счёти дебет “Уруғлар ва озуқа” счёти кредит қилинади.

“Иш ва хизматлар” моддасида ўз ёрдамчи ишлаб чиқаришлари томонидан чорвачиликка кўрсатиладиган иш ва хизматлар харажатлари ҳамда чет корхона ва ташкилотлар кўрсатадиган ана шундай хизматлар учун тўлов харажатларини акс эттирилади. Ёрдамчи ишлаб чиқаришларни ҳисобга олиш мазкур бобнинг 4- пункитида ёритилган.

“Асосий воситаларни сақлаш харажатлари” моддасини текшириш бевосита ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий воситаларни сақлашга алоқадор харажатлар киритилганлигини аниқлаш имконини беради. Бу харажатларнинг таркиби ва ҳисобга олишни деҳқончиликдаги анна шундай харажатларнинг таркиби ва ҳисобга олиниши деҳқончиликдаги ана шундай харажатларнинг таркиби ва ҳисобга олиниши билан бир хилдир.

Ҳайвонлар подасининг ўзига келсак, амортизация ажратмалари фақат иш ҳайвонлари бўйичагина ҳисобланади. Махсулдор ҳайвонлар ишлаб чиқарилганда уларнинг қиймати реализациядан тушган пулдан қопланади. Чорвачиликда амартизация ва асосий воситаларни тузатиш харажатлари ҳисобга олиш деҳқончиликдаги каби юритилади, фарқи фақат “Чорвачилик” счётининг дебет қилинишидадир.

Чорвачиликда ишлатиладиган асосий воситаларни сақлаш харажатлари одатда тўғридан тўғри тегишли чорва тури, гуруҳига ўтказилди. Чорвачилик биноларида ҳайвонларнинг бир неча гуруҳи сақланганда бу харажатлар улар ўртасида банд қилинган бино майдонига мутаносиб тақсимланади.

“Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш” моддаси бўйича ҳисобга олиш мазкур бобнинг 5-бандида акс эттирилади.

“Суғурта тўловлари” моддаси бўйича ҳисобга олиш тартиби деҳқончиликдаги кабидир, аммо бу ерда қишлоқ хўжалик ҳайвонлари. Уй паррандалари, қуёнлар, мўйнали ҳайвонлар, асалари оилалари, шунингдек. Тегишли бинолар, ускунала, машиналар ва инвентарлар суғурта қилинади.

Бошқа харажатлар моддасидан фермалар атрофини тўсиш, ветеринария-санитария тадбирларини ўтказишга дахлдор бўлган дизенфекция тўсиқлари, санитария кўригидан ўтказиш жойлари ва шу каби объектларни тушама қиймати, сут соғувчи, чўчқабоқар, чорва ва паррандаларга қаровчи бошқа ходимларга берилувчи жомакорнинг эскириши, ҳайвонлар учун ёзги молхоналар, шу кабилар харажатлари қайд этилади. Бу харажатлар бевосита ҳайвонларнинг тегишли турларига ўтказилди.

“Чорва молларининг нобуд бўлишидан кўриладиган зарарлар”

моддасидан ёш ва бўрдоқига боқилаётган катта ёшдаги мол, парранда, ёввойи ҳайвон, қуён шунингдек, асалари оилаларининг нобуд бўлиши натижасидан кўриладиган зарарлар акс эттирилади. Айбдор шахслардан ундирилиб олинадиган қисми бу моддага киритилмайди. Табиий офатдан кўриладиган зарарлар бевосита "Якуний молиявий натижа" счётининг дебетига ўтказилади.

"Чорвачилик" счётида акс эттирилган бухгартерия ёзувларидан сўнг аналитик счётлар бўйича айрим чорва тури ва гуруҳлари бўйича йил давомида уларга тегишли счётнинг кредитида эса йил давомида ўсувчи якунида етиштирилган ва олинган чорва махсулотининг режадаги таннархи акс эттирилади ва қуйидаги счётлар билан кореспондинцияланади: "Тайёр махсулот" счётининг дебети – чорвачилик махсулоти қийматига, "Ўстиришда ва бўрдақига боқилаётган ҳайвонлар" счётининг дебети ёш мол ва бўрдоқига боқилаётган ҳайвон, шунингдек туғилган ҳайвонлар боласининг қийматига, "Асосий ишлаб чиқариш" счётининг дебети - далага ташиб чиқилган гўнг қийматига.

Йил охирида махсулотнинг ҳақиқий таннархи аниқланди ва ҳақиқий ҳамда реждаги таннархи ўртасидаги аниқланган фарқ қўшимча бухгалтерия ёзуви орқали тўғирланади, агарда ҳақиқий таннарх режадаги таннархдан паст бўлса, тескари ёзув ёки режадаги таннархи ҳақиқий таннархдан паст бўлса оддий қўшимча ёзув қилинди.

Чорваличик махсулоти бирлиги таннархини калькуляция қилиш тартиби. Бу соҳада ҳам асосий, ёндош ва ёрдамчи махсулот фарқланади. Чорвачиликда калькуляция объектлари алоҳида махсулот турлари, чорва боласи, тирик вазнининг ортган оғирлиги ҳисобланади.

Чорваликда харажатларининг аналитик ҳисоби махсулот турлари бўйича эмас, балки чорва тури ва гурухлари бўйича юритилади. Чорванинг бир тури ёки гуруҳидан икки ва ундан кўпроқ махсулот тури олинганда уларнинг таннархи белгиланган тартибда аниқланади.

Чорва паррандаларни боқиш учун йил давомида сарф қилинган харажатларни текширганда аудитор, йил бошидаги уларга тегишли тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларини қўшиб, йил охиридаги тугалланмаган ишлаб чиқаришни чегириб чорва махсулотларининг таннархи аниқланганлигига эътибор бериши лозим. Тирик вазнининг таннархи-ҳисобот йили бошидаги боқувда ва ўстиришдаги ҳайвонлар ва паррандалар қийматига йил давомидаги уларни боқиш ва ўстириш харажатлари, четдан асосий подадан боқувга ўтказилган ҳамда ҳисобот йилида туғилган ҳайвон болалари қийматларини қўшиб, уларнинг тирик вазнига бўлиши асосида аниқланади. Унда нобуд бўлган чорва ва паррандаларнинг қўшилган вазни ҳамда боқувга қўйилмасдан сўйилган ёки сотилган катта ёшли ҳайвонлар вазни ҳисобга олинмайди. Гўнг харажатлари муайян шароитларда меъёрий харажатлардан молхоналарни гўнгдан тозалаш ва уни йиғиштириш харажатлари гўнгхонадан гўнгни олишда ишлатиладиган машиналарнинг амартизация ажратмалари.

Гўнгни чиқариш ва сақлаш сарфлари ва тушама қийматига кўра аниқланади.

Таннархни ҳисоблашда ҳар бир турдаги ёш ва катта ёшдаги ҳайвонлар гуруҳлари бўйича чорва паррандалар тирик вазнининг йил давомида ортиши, йил охирига қолдирилаётган чорвани у ёки бу туринниг тегишли гуруҳи сонининг тирик вазнини қўшиб, ҳосил бўлган миқдоридан йил давомида бу гуруҳдан боқишга ўтказилганларнинг тирик вазни, шунинг шу гурухда йил бошида бор бўлган чорва сонининг тирик вазнини чегириб аниқланади.

6.4.Ёш чорва моллари ва боқувдаги ҳайвонларни ҳисобга олишни текшириш.

Асосий подани ташкил этиш харажатлари капитал қўйилмалар туридан бири ҳисобланади. У асосий пода учун ёш ҳайвонларни четдан харид қилиш ва уларни олиб келиш харажатлари йиғиндисидан ташкил топади. Асосий подани ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ҳақиқий харажатлар 0840 “Асосий подани ташкил қилиш” счётида ҳисобга олинади:

Ушбу счётда асосий подага ўтказиладиган хўжаликдаги ёш маҳсулдор ва иш ҳайвонларини ўстириш бўйича харажатлар, асосий пода учун харид қилинган катта ёшдаги ва иш ҳайвонларининг қиймати, ҳайвонларни етказиб бериш билан боғлиқ сарфларни ҳам қўшган ҳолда, бошқа корхоналардан текинга олинган катта ёшдаги ҳайвонларни хўжаликка олиб келиш билан боғлиқ сарфлар ҳисобга олинади. Аудит жараёнида асосий подага ўтказилган ёш маҳсулдор ва иш ҳайвонларининг барча турларининг қиймати йил давомида 1110-“Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар” счётидан 0840-“Асосий подани ташкил қилиш” счётининг дебетига йил бошидаги баланс қиймати бўйича ҳисобга олинадиган, йил бошидан то ҳайвонларни асосий подага ўтказиш пайтига қадар бўлган даврда ортган вазни ёки ўсган вазнининг режа таннархини қўшган ҳолдаги қиймати бўйича тўғри ҳисобдан чиқарилганлини синчиклаб текшириш лозим. Бир пайнинг ўзида, ёш ҳайвонларни асосий подага ўтказишда 0170-“Иш ҳайвонлари” ва 0171-“Маҳсулдор ҳайвонлар” счётлари дебетланганлигига ва 0840-“Асосий подани ташкил қилиш” счёти кредитланганлигига ҳам эътибор бериш керак.

Йил охирида ҳисобот кальуляция тузилгандан кейин йил давомида ўтказилган ёш ҳайвонларнинг кўрсатилган қиймати билан унинг ҳақиқий таннархи ўртасида фарқ 1110-“Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар счётидан 0840-“Асосий подани ташкил қилиш” счётига, ҳайвоннинг баҳосини бир вақтнинг ўзида аниқлашда 0170-“Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар” счётига қўшимча ёзув ёки сторно қилиш йўли билан ҳисобдан чиқарилади.

Четдан харид қилинган ката ёшдаги ҳайвонларнинг қиймати 0840-“Асосий подани ташкил қилиш” счётининг дебетига уларни харид қилишнинг хақиқий таннарх бўйича. Етказиб бериш сарфлари қўшилган ҳолда кирим қилинди.

Асосий подани ташкил қилишнинг тугалланган муомала бўйича харажатлар 0840-“Асосий подани ташкил қилиш” счётида 0170-“Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар” счётиларининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Аудитор, текширув давомида асосий подани ташкил қилишни ҳисобга олувчи счёт бўйича аналитик ҳисоб асосий подани ташкил қилиш билан боғлиқ капитал қўйилмалар бўйича, ҳайвонларнинг турлари бўйича (йирик шохли ҳайвонлар, чўчқалар, қўйлар, отлар ва бошқалар) сарфланган харажатлар юзасидан тўлиқ ахборотларни йиғиши лозим.

Паррандалар, қуёнлар, қимматбаҳо мўйнали ҳайвонлар. Асаларилар, қўриқчи итлар ва бошқа шу каби ҳайвонлар қийматидан қаътий назар асосий пода таркибида ҳисобга олинмайди. Улар оборот маблағлари таркибига киритилгани учун 1100 “Ўстиришда ва боқувда турган чорва моллари” счётида ҳисобга олинади.

Ёш молларни асосий подага ўтказишга қадар уларни ўстириш харажатлари йил давомида 2011 “Чорвачилик” счётининг дебетида ҳисобга олинади.

Аудит мобайнида аудитор, ўтказиш ҳақидаги далолатномалари асосида хўжаликда ўстирилган ёш молларни асосий подага ҳақиқий таннархда ўтказилганлигига эътибор бериши лозим. Йил давомида асосий подага ўтказилган ёш молларнинг қиймати йил бошидаги балансдаги қийматига ўсган вазнининг режадаги таннархини қўшиб аниқланади. Йил охиридаги ҳисобот калькуляцияси тузилгандан сўнг уларнинг ҳақиқий таннархи аниқланади. Шунинг учун йил охирида ўсган вазнининг режадаги харажатлари тўғриланиб, ҳақиқий таннархга ўтказилади. Бунда қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет 0840-“Асосий подани ташкил қилиш” счёти.

Кредит 1100 “Ўстиришда ва боқувга қўйилган ҳайвонлар” ни ҳисобга олувчи счёт.

Агар режадаги харажатлар ҳақиқий харажатлардан юқори бўлса, унда ўртадаги фарққа юқоридаги тартибда манфий (қизил) ёзув қилинади, агарда аксинча бўлса, ижобий ёзув қилинади.

Катта ёшдаги маҳсулдор чорва моллари ва иш ҳайвонлари четдан харид қилинганда счёт тўлов талабномалари расмийлаштирилади. Бунда молларнинг харид баҳосига уларни келтириш харажатлари ҳам қўшиб ҳисобланиб, қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали акс эттирилади.

Дебет 0840 “Асосий подани ташкил қилиш” счёти.

Кредит 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар».

Айрим ҳолларда харид қилинган ката ёшли маҳсулдор молларни ташиб келтириш харажатлари хўжаликнинг ўзи ҳисобидан сарфланиши мумкин. Бундай ҳолда 0800-0890 счётларининг тегишлилари дебитланиб, харажатлар характерига кўра турли счётлар кредитланади, яъни:

2310-“Ёрдамчи ишлаб чиқариш” счёти ўз транспорт харажатлари қийматига;

6710-“Ходимлар Билан меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоб-китоблар” счёти – ҳисобланган меҳнат ҳақига;

1000-“Материаллар” счёти сафланган материаллар қийматига ва ҳакозо.

Аудиторлик текширувида аудитор, харид қилинган катта ёшдаги маҳсулдор чорва моллари ва иш ҳайвонлари асосий воситалар таркибига харид қиймати ва келтириш харажатлари қўшилган суммасида киритилганлигига, 0110-0190 “Асосий воситалар” счётининг дебетида ва 0840 “Асосий подани ташкил қилиш” счётининг кредитида акс эттирилганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Катта ёшдаги маҳсулдор моллар ва иш ҳайвонлари бепул олинганда асосий подани ташкил этиш билан боғлиқ бўлган капитал сарфлари таркибида фақат уларни ташиб келтириш харажатлари ҳисобга олинади. Бу ҳолда 0840 “Асосий подани ташкил қилиш” счёти дебитланиб, унда бепул олинган маҳсулдор ҳайвонларни келтириш харажатлари ҳисобга олинади, харажатлар турига қараб, турли счётлар кредитланади. Бепул олинган маҳсулдор чорва ва иш ҳайвонлари қабул қилиш – топшириш актига биноан асосий воситалар таркибига қабул қилинганда уларни келтириш харажатлари ҳам шу ҳайвонларнинг балансдаги қийматига қўшилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали акс эттирилади:

Дебет 170 “Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар” счёти.

Кредит 0840 “Асосий подани ташкил қилиш” счёти.

Бепул олинган маҳсулдор ва иш ҳайвонларининг балансдаги (ёки белгиланган) баҳосига бухгалтерияда қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Дебет 0170 “Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар” счёти.

Кредит 9910 “Фойда ва зарарлар” счёти.

Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг халқаро стандартларига ўтиши муносабати билан асосий подани ташкил қилиш учун махсус манба (фондлар) яратиш талаб қилинмайди. Бу харажатларни молиялаштириш жамоа хўжаликларининг мавжуд бўлган ресурслари (махсус мақсадларга мўлжалланган фондлар, фойда ҳисобидан ажратмалар, маҳсулдор молларни сотишдан олинган маблағлар ва ҳоказо) режа асосида сафарбар этилади. Агар хўжаликларнинг хусусий маблағлари етарли бўлмаса агросаноат банкининг узоқ муддатли имтиёзли ссудаларидан фойдаланишлари мумкин.

6.5. Умумий хулоса.

Деҳқончиликдаги ҳисобга олиш объекти – экинларнинг алоҳида турлари, тугалланмаган ишлаб чиқариш турлари ва айрим ишлардир. Масалан, кузги бошоқли экинлар гуруҳи, баҳорги буғдой ва бошқа баҳорги экинлар гуруҳи, текин экинлар, картошка, сабзавот, полиз, озиқа экинларининг боғдорчилик ва узумчилик харажатлари ҳисобга олишнинг мустақил объектлари ҳисобланади.

Келгуси йил ҳосили учун қилинган харажатлар ҳисоблаш тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олишнинг алоҳида оьбектига ажратилади. Бу харажатлар алоҳида экинлар бўйича бажариладиган иш турлари юзасидан ҳисобга олинади. Кейинги, бошланган ҳисобот йилида айтиб ўтилган харажатлар алоҳида экин турлари таннархига тақсимлаш йўли билан ўтказилади.

Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг халқаро стандартларига ўтиши муносабати билан асосий подани ташкил қилиш учун махсус манба (фондлар) яратиш талаб қилинмайди. Бу харажатларни молиялаштириш жамоа хўжаликларининг мавжуд бўлган ресурслари (махсус мақсадларга мўлжалланган фондлар, фойда ҳисобидан ажратмалар, маҳсулдор молларни сотишдан олинган маблағлар ва ҳоказо) режа асосида сафарбар этилади. Агар хўжаликларнинг хусусий маблағлари етарли бўлмаса агросаноат банкининг узоқ муддатли имтиёзли ссудаларидан фойдаланишлари мумкин.

6.6.Мавзуга доир калит сўзлар.

Аудит, аудиторлик текшируви, аудитор, асосий ишлаб чиқариш, асосий маҳсулот, ёндош махсулот, боғдорчилик, деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, ипакчилик, полиз экинлари, сабзовот экинлари, тайёрлов ташкилотлари, машина-трактор парки, жамоа хўжалиги, фермер хўжалиги, уруғ, озуқа, ўғит, ишчи хайвонлар, махсулдор хайвонлар, боқувдаги хайвонлар, асосий подани ташкил қилиш.

6.7.Талабаларнинг билимларини текшириш саволлари.

1. Қишлоқ хўжалигида аудит манбайи сифатида қандай хужжатлардан фойдаланиш мумкин?
2. Қишлоқ хўжалигида аудит хусусиятларини айтиб беринг?
3. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш харажатлари аудитини қандай ташкил қилиш мумкин?
4. Дехқончиликда харжатларни қандай гурухланади?
5. Чорвачиликда харажатларни қандай гурухланади?
6. Қишлоқ хўжалигида солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаш учун фойдадан қандай фойдаланилади?
7. Қишлоқ хўжалигида даромадлар, уларни мохияти ва туркумланишини айтинг?
8. Қишлоқ хўжалигида мехнатга хақ тўлашни вақтбай ва ишбай шаклидан фойдаланиш фарқини тушунтиринг?
9. Асосий подани шакллантириш тартиби қандай аниқланади?
10. Қишлоқ хўжалигида асосий воситаларга эскириш ҳисоблашни тўғрилигини текшириш усулларини аниқланг?

6.8.Ахборот-услубий таъминот.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. "Узбекистон иктисодий ислохатларни чукурлаштириш йулида". Т, Узбекистон, 1995 й.
2. Каримов И.А. "Узбекистон XXI аср бусагасида": Хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. Т, Узбекистон, 1997 й.
3. Каримов И.А. "Узбекистон буюк келажак сари". Т, Узбекистон 1998й.
4. Каримов И.А. "Миллий истиклол мафкураси - халк эътикоди ва буюк келажакка ишончдир". Т, Узбекистон, 2000й.
5. «Узбекистон Республикасида бухгалтерия хисоби тугрисида» ги конун. 1996й. 30 август.
6. Узбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги конуни (янги тахрири) 2000 й. 26 май.
7. «Махсулот (иш ва хизмат)лар тан нархига киритиладиган, махсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тугрисида» ги Низом.1999 й. 5 февраль. Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг № 54-сонли карори. (Вазирлар махкамасининг 2003 йил 11 июндаги 261-сонли, 16 июндаги 270-сонли, 15 октябрдаги 444-сонли қарорлари билан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан).
8. Узбекистон Республикаси Бухгалтерия хисоби Миллий Стандартлари.
9. Аудиторлик Фаолиятининг Миллий Стандартлари Т.:-2003й.
10. «О совершенствование аудиторской деятельности и повышении роли аудиторских проверок» Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан. № 365. 22-сентября. 2000 г. г. Ташкент.
11. Волков Н. Г. Бухгалтерский учет и отчетность на предприятиях. – М. Дело и право, 1997г.
12. Вохидов С.В., Вохидов Т.С. Бошка тармокларда бухгалтерия хисоби. Т., -2004й.
13. Данилевский Ю. А. Мезенцева Т. М. Финансовий контроль в отраслях народного хозяйства при различных формах собственности. – М. «Финансы и статистика», 2001г.
14. Справочник аудитора. «Ассоциации бухгалтеров и аудиторов Республики Узбекистан», Т.: 2004г.
15. Ризакулов А., Нарзиев Р. Аудит. Т, «Катортол», 1999й.
16. Санаев Н.С., Р.Нарзиев Аудит. Т, «Шарк», 2001й.
17. Аудит 1-2 том., М.М. Тулоходжаеванинг умумий тахрири остида Тошкент, НАБиА РУз, 2004 й.
18. Основы аудита. 2-е изд. Макальская М. и др. М.:-2002г. (курс лекций с ситуационными задачами).
19. Аудит. ўқув қўлланма. Маматов З.Т , Нарбеков Д.Э , Шакаров К.А. Тошкент Ислом университети нашриёти, 2002 йил.
20. Аудит. практикум. Уч. пособие. Подольский В.И. и др. М.:-2004г.
21. Аудит учета расчетов по оплате труда. О. Ахалкаци. ЮНИТИ М.:-2004.
22. Практикум по аудиту. Уч. пособие под ред А.Д. Ларионова. М.:-2004.
23. Сборник задач по аудиту. И.В. Васильевич. М.:-2002.

24.Аудиторская проверка кассовых операций. Практическое пособие. Л Сотникова. М.:-2004г.

7-мавзу. Транспорт ташкилотларида аудит хусусиятлари.

Режа:

7.1. Транспорт ташкилотларида аудитнинг манбалари ва вазифалари.
7.2.Транспорт ташкилотларида асосий воситалар таркибини аудит қилиш.
7.3.Харажатлар ҳисоби ва ташувларни таннархини калькуляциясини текшириш.
7.4. Юк ва йўловчи транспортда ташувлар тушуми ва уларнинг ҳисоб-китобини текшириш.
7.5. Умумий хулоса.
7.6. Мавзуга доир калит сўзлар.
7.7. Талабаларнинг билимларини текшириш саволлари.
7.8. Ахборот-услубий таъминот.

7.1. Транспорт ташкилотларида аудитнинг манбалари ва вазифалари.

Транспорт сохаси хар бир давлатнинг асосий негизи хисобланади. Барча ривожланган мамлакатларда марказий орган мавжуд бўлиб, унинг вазифасига транспорт фаолиятини йўналтириш киради. Транспорт хизматининг хажми кўпинча давлатнинг иқтисодий ахволи билан боғлиқ бўлади. Аммо транспортнинг ўзи кўп холларда иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини кўтаради. У дунё ёки мамлакатдаги қолоқ ҳудудларнинг шароитларини кўп холларда яхшилайди.

Транспорт ишлаб чиқаришнинг жабхаларини кенгайтиришга, ҳамда ишлаб чиқаришнинг истеъмолчилар билан боғлашга кенг имконият яратиб беради. Турли транспортлар ичида муҳим уриниш эгалловчи бу-автомобилдир. У ўз табиатига кўра жуда қулай, ҳамда ташқи омилларга бардош бера олади.

Кўпгина давлатлар учун шу жумладан Ўзбекистон учун ҳам автомобил транспорти кж ва йўловчиларни ташиш ҳажмига кўра муҳим ўрини эгалайди. Автомобил транспорти ҳамда автомобил махсулотининг хусусиятларини тавсифлаш билан чегараланиб қолмасдан, автомобил транспортидаги хозирги Ўзбекистон иқтисодиётининг либерализация давридаги сифатли ўзгаоишларни кўриб чиқсак. 1991 йилдан бошлаб Ўзбекистонда иқтисодий

ислохатлар ўсиши даврида автомобил транспортида содир бўлган ва содир бўлаётган асосий ўзгаришлар сонига қуйидагиларни киритиш мумкин. Буларга:

1. Юк ташиш ҳажмининг сусайиши.
2. Автотранспорт ташувининг қисқариши ва асосий харакат тизимидаги ўзгаришлар.

Юк ташиш ҳажмининг пасайиши автотранспорт ташкилотларининг ҳамда харакатга келтирувчи таркибий қисмининг қисқаришига олиб келди. Автотранспорт ташувининг қисқариши асосан харакатга келтирувчи таркибий қисмининг рўйхатдан олиб ташланиш хисобига содир бўлди.кўп автотранспорт ташувида автомобилларнинг ўртача хизмат муддати ортиши рўй беради.

Автотранспорт ташувига янги автомобиллар тушумининг ушланиб қолиши, харакатланувчи таркибий қисмнинг баланд нархи ва иштаъминловчи сустлиги, ҳаддан зиёд кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг юқорилиги билан боғликдир. Автотранспорт тизимида юк кўтариш бўйича автомобиллар улуши ортмокда 5-тоннадан кичик ҳажмда;
8-10 тоннадан ортиқ катта ҳажмдаги юклар. Амотизациядан ошувчи, хизмат муддати ошиқ автомобиллар сони кўпаймокда.

3.Автотранспорт воситаларининг эгалари ва транспорт ташкилотларининг сони кўпаймокда. Юк ташиш ҳажмининг қисқаришига ҳамда автотранспорт ташкилотларининг парклари сонининг камайишига қарамай транспорт соҳасида иш юрутувчи хусусий фирмалар ва алохида шаҳсларнинг сони тобора кўпаймокда. Автомобил транспортида фаолият кўрсатувчи субъектлар сонининг ўсиши, хусусий транспорт ва унинг эгаларининг хизмати ҳисобидан, савдо нуқталари ҳамда кичик бизнес сонининг ортишидан келиб чиқади.баъзан бундай юк ташувчи хизмати енгил автомобиллар орқали амалга оширилади, лекин булар унга ихтисослашмаган. Бунга кичик юк ташиш партиялари, хайдовчилик ва юк ташувчилик вазифасини бирга ўташ ёки автомобил эгаси савдо нуқтаси лавозимини бажаришга транспорт хизматига қўйилган юқори нархлар мойиллик кўрсатади. Бундан юк ташиш ҳажмини ҳисобга олиш мумкин эмас.

4.Автотранспорт ташкилотларини хусусийлаштириш.

5.Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш.

Бу Ўзбекистон учун янги бир холат бўлиб автомобил транспорти ташкилотларида кенг тарқалиб бормокда.

Автотранспорт ташкилотларининг аудитининг мақсади – бу молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ҳақиқийлиги ва унинг қонунан кучга эга бўлганлигини текширишдир.

Автотранспорт ташкилотлари аудитининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- автотранспорт ташкилотларининг фаолиятларини ўрганиш, умумий режа ва дастурини тузиш;
- тузилган шартномаларининг тўғрилиги ва қонунийлигини текшириш;

- амалга ошириладиган операцияларнинг қонунийлигини текшириш;
- автомобил транспортининг харакатланувчи таркибий қисмини ва асосий воситаларини текшириш;
- ёқилғи ва ёнилғи материалларининг ҳисоби, ҳамда сарф қилинган ҳаражатларни текшириш;
- юк ташиш таннархининг калькуляциям ва харажатлар ҳисобининг турилигини текшириш;
- транспортда юк ва йўловчилар ташишдан олинган даромадни текшириш.

Аудиторлик текширувини ўтказишнинг асосий манбаси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 30-август 1996 йилда қабул қилинган «Ҳисобчилик ҳисоби хақида»ги Қонуни ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 26-май 2000 йилдаги «Аудиторлик фаолияти хақида»ги Қонуни; Ўзбекистон Республикаси БХМС;

Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини миллий стандартлари (АФМС);

Махсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича харажатлар таркиби хақида, ҳамда молиявий натижаларни шакиллантириш тартиби тўғрисидаги Низом.

Автотранспорт ташкилотларининг хўжалик фаолияти қуйидаги норматив хужжатлардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг «Автомобил транспорти хақида»ги Қонуни 29-август 1998 йил; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 09.09.2000 йил 348-сонли қарори «Ўзбекистон Республикасида транспорт экспедиторликни йўлга қўйишни мукаммаллаштириш тўғрисида”

Юк ташувчи автомобиллар учун йўл варақаларининг тўлдирилиши, ҳисоботи ва таёрланиши бўйича йўриқнома (ЎЗ ААРТ рахбари томонидан тасдиқланган 03.06.2004 йил 83- сонли қарори, қайд қилинган АВ 02.07.2004 йил 1382-сонли қарори билан).

7.2.Транспорт ташкилотларида асосий воситалар таркибини аудит қилиш.

Хар қандай корхона ташкилот иш фаолиятининг самарадорлиги ортиши асосий воситалардан самарали фойдаланиш, уларни сақлаш таъминоти муҳим шароит бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун аудиторлик текширувлар дастури асосий воситалар билан бажарадиган опперацияларнинг назорати бўйича масалаларни ўз ичига олган. Асосий воситалар билан бажариладиган опперациялар аудити дастурида қуйидаги масалалар баён қилиниши керак:

- асосий воситаларни таркиби ва тизими, уларни сақлаш шароитларини ўрганиш;
- асосий воситалар билан бажариладиган операцияларни ҳисобини баён қилиш, ҳамда тўғри расмийлаштирилганлигини тасдиқлаш;

- асосий воситалар бўйича амортизация ҳисоблаш ўлчамларини тасдиқлаш ва ҳисоботда тўғри акс этирилганлигини хақиқийлигини;
- асосий воситаларни таъмирлаш ишлари бажарилганлигининг ҳажмини ўрганиш ва унга сарф қилинган харажатлар ҳисобини танланган усулда бажариш;
- ҳисоб йилида асосий воситаларни қайта бахолаш бўйича ўтказилган якуний ҳисобларни тасдиқланиши;
- йиллик ҳисобот тузишда олдин асосий воситаларни инвентарлаш сифатини бахолаш.

Асосий воситалари билан бажариладиган операцияларни текширувчи учун маълумот бўлиб қуйидагилар хизмат қилади: асосий воситаларнинг савдо-сотиғи хақидаги шартномалар, актлар (устамалар) асосий воситаларни қабул қилиш ва текшириш, модернлашган, қайта қурилган, таъмирланган объектларни қабул қилиш ва топшириш хақидаги актлар, эксплутацияга киритиш актлари, устамалар, фактура хисоблари, АВ инвентар хисоб карточкалари, асосий воситалар рўйхати, асосий воситалар харакатининг хисоб карточкалари, асосий воситаларни рўйхатдан чиқариш учун актлар, қайта ишланган жадваллар, дефект тўловнома рўйхатлари, асосий воситаларнинг таъмирловчи учун буюртма нарядлари, асосий воситаларнинг объектларини ижарага олиш учун шартномалар, хисоблар бўйича хисобот регистрлари (тўлов рўйхатлари, машинограммалар ва хоказо) 0100, 0200, 0300, 0820, 2000, 2800, 9210, 8500 счетлари бўйича, бош китоб ва бошқалар.

Автотранспорт ташкилотларида автомобиллар асосий восита бўлиб, иш бажариш жараёнида ўз хўжалик фаолиятини, шунингдек юк ташиш бўйича бизнес режаларни бажаради. Уларнинг техник холатига ҳамда сақланишига ишлаб чиқаришнинг тараққиёти боғлиқ, бу эса охир-оқибат автотранспорт ташкилоти ишининг молиявий натижасига таъсир кўрсатади. Шунинг учун автотранспорт ташкилотларида аудиторлик текширувини ўтказиш дастурига асосий воситалар билан бажариладиган операцияларни назорат қилиш топшириқларини киритиш зарур ва харакатланувчи таркибий қисмни техник ахволи ва сонини текширишга алохида эътибор қаратиш лозим. Автотранспорт ташкилотларининг аудити даврида автомобилларни тўлиқ инвентарлаш керак, агар у корхона ўртача ёки кичикроқ бўлса, бази ташкилотларда саралаб ўтказилиши керак бўлади. Инвентарлаш натижалари, яъни аниқ маълумотлар хисобчилик хисоби маълумотлари билан солиштирилади. Агар нотўғри кетган маълумот бўлса, дастлабки хужжатлардаги маълумотлардан фойдаланиб, ортиқ ёки етишмаётган автомобиллар, муддатдан олдин рўйхатдан ўчириш ҳамда уларни қисмларга бўлиб ташлаш таъминлови амалга оширилмаганлиги натижасида ва яроқли қисмлар, деталларни ўзлаштириб олиш, ҳамда темир-терсак омборхоналарига яроқсиз эхтиёт қисмларни топшириш натижасида пайдо бўлади. Барча автомобиллар қаерда бўлмасин, уларни техник холати қай даражада бўлмасин, уларни инвентарлаш зарурдир.

7.3.Харажатлар ҳисоби ва ташувларни таннархини калькуляциясини текшириш.

Автотранспорт ташкилотларининг юк ва йўловчи ташувини амалга ошириш жараёнида сарф қилинган харажатлари, юк ортиш ва уни ташиш ишлари, транспорт-экспедиторлик хизматларини пул орқали кўрсатилиши юк ташиш хизматининг таннархини кўрсатади. Махсулот ишлаб чиқарилиши учун қилинган харажатлар назорат қилиш энг мухим масалалардан бири бўлиб унда махсулотни таннархини бахолаш кўрсаткичи корхолда ишнинг сифатини белгилайди. Автомобилда юк ташиш таннархини ҳажми, фойда, жамғарма, захира шакилланишига ва солиқ солинишига таъсир этади.

Сарфлар аудитининг мақсади - ишлаб чиқаришдаги пул ушланиб қолиш хисобининг тўғри амалга оширилганлигини аниқлаш ва автомобилда юк ташиш, хизматлар таннархини аниқлашдан иборатдир. Текширувни амалга ошириш даврида ишлаб чиқариш бўйича қилинган «Харажатлар таркиби ва махсулот (иш ва хизматлар) реализацияси, ҳамда молиявий натижаларни шакиллантириш тўғрисидаги Низом»га мувофиқ холда иш юритиш лозим. Аудиторлик текшируви босқичма-босқич амалга оширилади. Ишлаб чиқаришга кетган харажатлар аудитини ўтказиш аудит босқичлари билан мос равишда ўтказилиши лозим. Аудитор аудитининг биринчи босқичда ишлаб чиқариш харажатлари аудитини режалаштиради ва таёрлайди. Ишлаб чиқаришга кетган харажатлар текширувини амалга ошириш муваффақиятли иш бўлиб, текширувчи аудитордан меъёрий ва йўриқ кўрсатувчи маълумотларни билишдан ташқари, ундан хўжалик фаолиятининг алохида сохаларида махсулотнинг таннархини хисоблаш хусусиятларини яхши билишни талаб этади. Автотранспорт фаолиятини маълумки бошқа саноат корхоналаридан ажралиб туради ва ўзининг ишлаб чиқариш хусусиятларига эга. Шунинг учун аудитор расман текширув ўтказишдан олдин транспорт ишининг технология ва ташкилий хусусиятларини, нимага мослаштирилганлигини, имконият доираси ва ишлаб чиқариш фаолиятини хар бир турини тузилмасини ўрганиб чиқиш шарт. Шундай қилиб ишлаб чиқариш хусусиятлари билан танишиб чиққан аудитор, дастлабки ишлаб чиқариш хисобини кўриб чиқади.

Дастлабки маълумотлар автотранспорт корхонасининг ходимлари билан ўтказилган оғзаки сухбат асосида бажарилади, бу ҳаракат хисоб китобини ташкил этиш ҳақида маълумот олиш, ҳамда саралаб хужжатларини кўриб чиқиш мақсадида амалга оширилади. Шунингдек аудитор автотранспорт корхонасининг хисоб сиёсатини, ташкилий ва технологик хусусиятларини, ишлаб чиқариш ресурсларини ривожланишини ҳамда ишдаги ҳамкорларни билиши зарур. Ишлаб чиқилган режа ва берилган жой аудитининг дастури иккинчи босқичини амалга оширишда қўл келади. Ишлаб чиқариш харажатларини хисобот даври бўйича чегараланишининг тўғрилигини аудитор текшириб аниқлаши лозим. Бу «Молиявий хисоботини тайёрлаш ва тақдим этиш учун коцептуал асос»: «Даромад ва сарфлар хисобчилик хисобида тан олинади ва уларни пайдо бўлиши, кетиш молиявий хисоботда

акс эттирилади (пул маблағларини олиш ёки тўлаш асосида эмас)». Харажатларни ўрганиш даврида аудитор юк ташиш таннархи хисобини аниқлаши хужжатлаштирилиши лозим. Автомобилда юк ташишга кетган харажатлар, ишлар ва хизматлар ўрнатилган тартиб бўйича дастлабки хужжатларга асосланган холда ўтказилади, унда барча автомобилда юк ташишни ишлаб чиқиш, ҳизмат ва иш операциялари тўғри расмийлаштирилган бўлиб, ўзида барча мажбурий реквизитларни мужассам этиши лозим.

Автомобил юк ташуви ишлаб чақариш таннарх сарф харажатлар таркиби ҳақидаги Низомга биноан, иқтисодий мазмуни жиҳатдан қуйидаги элементларга гурухланади:

- ишлаб чиқаришдаги пул харажатлари (қайтадиган чиқинди ҳисобидан чиқариш ҳисобига);
- ишлаб чиқаришга боғлиқ ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- ишлаб чиқаришдаги сарф ҳаражатлар.

Сарфларни гурухлаш замирида калькуляциялаш моддалари бўйича иқтисодий жиҳатдан ёрдамчи ҳамда асосий сарфларга гурухлаш ётади. Калькуляция моддалари бўйича сарфларни гурухланиши Амалий жихатдан, ҳамда назарий жихатдан барча жабхаларини кўриб чиқамиз. Юк ташувининг алохида турлари таннархини хисоби автомобил транспортида қуйидагича калькуляциялаш моддалари бўйича ўтказилади;

1. Ҳайдовчиларнинг асосий ва қўшимча ойлик маошларини тўлови.

2. Ижтимоий суғуртага ажратмалар.

3. Ёқилғи.

4. Мой сотувчи ва бошқа эксплутация таъмирлов материамллари.

5. Автомобил резинаси.

6. Автомобиллани техник хизмат ва эксплутация қилиш таъмирлов ишлари.

7. Ҳаракатланувчи таркибий қисмни амортизация ажратмалари.

8. Ишлаб чиқариш хусусидаги устама сарфлар (умумий илаб чиқариш харажатлари).

Автотранспорт ташкилотларида автомобилда юк ташиш ва бошқа харажатлар тури асосий ишлаб чиқариш бўлиб хизмат қилади. Калькуляция хисобнинг 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётида барча сарфланган харажатлар акс эттирилади. 2010 счётига биз томонимиздан қуйидаги қўшимча счётлар киритилади:

2011 – «1 тонна ташилган юк тарифи бўйича ишлайдиган юк ташувчи машиналар»

2012 – «Соат тарифи бўйича ишлайдиган юк ташувчи машиналар»

2013 – «Юк ташиш ва ортиш ишлари»

2014 – «Экспедиция хизматлари»

2015 – «Бошқа ишлар ва хизматлар тури»

Қўшимча счётлар юк ташувининг ва бошқа хизматлар тури бўйича қилинадиган ахолида калькуляциялаш моддалари бўйича харажатларга боғлиқ. Аудитор хисобчилик хисобида, ҳамда хисоблар сальдоси бўйича

айланмаларни тўғри акс эттирилганлигинисинчиклаб текшириши лозим. Бунинг учун ишлаб чиқилган аудиторлик дастурида кўрсатилган муолажаларни бажариши лозим яъни у хисобда қайд қилинган сонларни ва ойларни таққослаб чиқиши, дастлабки хужжатларни текшириши лозим; хисоб қайдномасида хисоб аниқлигини текшириш,ҳамда бош китобда қайд қилинган маълумотларни; керакли хисобга ва бошқа муолажаларга кетган харажатларни текшириши зарур.

7.4. Юк ва йўловчи транспортда ташувлар тушуми ва уларнинг хисоб – китобини текшириш.

Даромадлар аудити асосий масалалардан бири бўлиб, қайсидир жихатдан бутун аудиторлик текширувини белгиловчи хусусиятдир. Асосий хужалик фаолиятидан даромад хисоби учун Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосланиб «Хисобчилик хисоби ҳақида». «Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромад», меъёрий йўналтирилган тизмнинг элементи бўлиб хизмат қилади. Автотранспорт корхоналарининг аудит услубий текширув объекти ёки давр асосида ўтказиш мумкин, лекин соханиннг ўзга хос хусусиятларини инобатга олиш зарурдир. Масалан, автотранспорт корхоналарида аудитни реализация жараёни ўз товарларини ва ташилган товарларни олмайди, чунки бу берилган соха учун хос эмасдир. Бошқа саноат сохаларидан фарқли ўлароқ автотранспорт ташкилотларида ишлаб чиқариш ҳамда реализация жараёни мос тушади, яъни бир вақтда иккала жараён амалга оширилади, даромадлар аудитини ўтказиш даври даромадларнинг шаклланиши хусусиятини ҳам инобатга олиш зарур.

Ҳисобчилик ҳисоб – китобида кўрсатилган ишлар ва хизматлар табиий равишда хамда нархлар ўлчовида акс эттирилади, бу эса АТТларда бажариладиган юк ташиш ишлари ўтган йилларни таҳлил қилиб, ўз фаолиятини башоратлайди ва бизнес режалар тузади, унда юкларни умумий ҳажмини тонналаб ўрнатади. Даромадлар олиш аудити даврида умумий мақсад берилган даврга алоқаси бор ҳисоблар бўйича қолдиқлар, умумий қабул қилинган ҳисобчилик тамойиллари билан мослигини баҳолашдан иборатдир. Аудиторлик текширувини амалга оширишни муваффақиятли кечиши учун, аудитор аниқ мақсадга эга бўлиши керак, бунда у босқичма – босқич аудит ўтказишни эсдан чиқармаслиги лозим. Биринчи навбатда аудитор операцияларни бирин-кетин бажариш ҳақидаги дастлабки маълумотлар билан, ҳамда текшириш учун ташкилотнинг назорат тузилмаси билан танишиб чиқиши керак бўлади.

Автотранспорт ташкилотларида асосан даромадлар ва пул тушумларин қабул қилиш жараёнлари кўпроқ учрайди, шунинг учун берилган даврнинг ички назоратини самарадорлигини аниқловчи кўрсаткичларни тестдан ўтказишда, аудиторлик текшируви ва маълумотларини баҳолашда ўтказиладиган операциялар саралаб ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Буюртмачи ҳамда автотранспорт ташкилотлари ўртасида муносабатлар шартнома асосида ўрнатилади. Юк ташувчи автотранспорт ташкилотлари учун бир типдаги шартнома шакли ишлаб чиқилган. Аудитор

шартномаларни тўғри расмийлаштирилганлигини текшириб чиқиши лозим. Шартномада юк ташиш шартлари, мажбуриятлар ва икки томон масъулияти ҳисоб-китоб шартлари ва бошқа реквизитлари кўрсатилган бўлиши зарур. Юк ташиш ҳаражатлари келишилган шаклда тўланса, унда келишилган таъриф тўлови бўйича амалга оширилади. Вақтинчалик таъриф тўлови бўйича амалга ошириладиган юк ташиш ҳисоб-китоблари:

- хар бир километр масофага қўйилган таърифдан келиб чиққан ҳолда(Автотранспортларда хар бир босилган масофа учун тўловлар даромадларни умумий масофага қўйилган таърифларни амалга оширишни белгилаб беради);
- бошқа ишлар ва хизматлар тури бўйича даромадлар бажарилган иш ҳажмига қўйилган таърифлар бўйича шаклланади.

Транспорт корхонасининг даромадларини текширишда аудитор пул ажратмаларига аҳамият бериши керак. Бунда аудитор йўл варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини, товар-транспорт устамаларини, счет-фактураларни ва бошқа шунга ўхшаш хужжатларни текширади.

7.5. Умумий хулоса.

Ушбу мавзуни ўрганиш натижасида талаба транспорт ташкилотларида аудит ўтказишнинг асосий аҳамиятини ва буюртмачилар билан ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрилигини текшириш, транспорт ташкилоти даромадининг шаклланиши, транпортда юк ва йўловчи ташиш харажатларини текширишни ўрганиши лозим.

7.6.Мавзуга доир калит сўзлар.

- Транспорт соҳаси
- Юк ташиш харажатлари
- Транспорт ташкилотларидаги асосий воситалар таркиби
- Экспедиция хизматлари
- Ортиш ишлари
- Инвентарлаш

7.7.Талабаларнинг билимларини текшириш саволлари.

1. Транспорт ташкилотларида аудитнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Юк ташиш ишлари қандай амалга оширилади ?
3. Транспорт ташкилотларида асосий воситаларнинг аудити кандай амалга оширилади?
4. Буюртмачилар билан хисоб – китобларни аудит килишда кандай хужжатларга асосий эътибор каратилади?

7.8.Ахборот-услубий таъминот.

Адабиётлар:

1. Макальская М. и др. «Основы аудита» 2-е изд. М.:-2002г. (курс лекций с ситуационными задачами).
2. «Аудит» Монтгомери , Дефлиз Филипп, 1997г.
3. «Аудит» Маматов З.Т , Нарбеков Д.Э , Шакаров К.А. Тошкент Ислом университети нашриёти, 2002 йил.
4. Подольский В.И. и др. Аудит. практикум. Уч. пособие. М.:-2004г.
5. Аудит 1,2-томлар. Ўқув қўлланма. Тулахаджаева М.М. ва бошқаларнинг умумий тахрири остида. Узбекистон Республикаси Бухгалтерлар ва Аудиторлар Ассоциацияси, Т.:- 2004й.
6.Вохидов С.В, Вохидов Т.С. «Халк хужалигининг турли тармокларида бухгалтерия хисобининг хусусиятлари» Мехнат , 2004 й.
7. Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Т.: Молия, 2003 йил.
8. Уразов К.Б Бухгалтерский учет и налогооблажение в торговле. – Ташкент «Мир экономики и права» - 2004 год.
9. Аудит : учебник для вузов . под ред. В.И.Подольского. М.ЮНИТИ.2001 год.
10. Аудит. З.Т. Маматов , Д.Э. Нарбеков , К.А. Шакаров. Тошкент Ислом Университети нашриёти , 2002 йил.
11.Аудит. практикум. Уч. пособие. Подольский В.И. и др. М.:-2004г.
12. Аудит учета расчетов по оплате труда. О. Ахалкаци. ЮНИТИ М.:-2004.
13.Практикум по аудиту. Уч. пособие под ред А.Д. Ларионова. М.:-2004.
14. Сборник задач по аудиту. И.В. Васильевич. М.:-2002.
15.Аудиторская проверка кассовых операций. Практическое пособие. Л Сотникова. М.:-2004г.

8-мавзу: Савдо ташкилотларида аудит хусусиятлари.

Режа:

8.1.Савдо ташкилотларида аудит манбалари ва вазифалари.
8.2.Омборлар ва бухгалтерияда товарларни ҳисобга олишни текшириш.
8.3.Улгуржи савдода товарларни сотилишини текшириш. Товарларни жорий ҳисобда ва балансда баҳоланишини текшириш.
8.4.Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан тузилган шартномалар бажарилишини текшириш.
8.5.Чакана савдо ташкилотларида товарлар харакатини текшириш.
8.6. Улгуржи ва чакана савдо ташкилотларида муомала харажатларини аудит қилиш.
8.7. Умумий хулоса.
8.8. Мавзуга доир калит сўзлар.
8.9. Талабаларнинг билимларини текшириш саволлари.
8.10. Ахборот-услубий таъминот.

.

8.1. Савдо ташкилотларида аудит манбалари ва вазифалари.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти мехнатни окилона ташкил этиш ва рағбатлантириш хўжалик юритишнинг иқтисодий методларини ишлаб чиқариш ва уларнинг илмий-техника тараққиётини таъминланишини талаб этади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини, бирлашма, ташкилот ва корхоналар хўжалик мустақиллигини, уларнинг энг кам сарфлар қилиб, энг юқори пировард натижаларга эришиш маъсулиятларини ошириш, тўла хўжалик ҳисоботи, узини-узи маблағ билан таъминлаш ва харажатларини узи қоплашга ўтказиш, олинадиган даромадлар даражасини улар ишининг самарадорлиги даражасига бевосита боғлиқ бўлиши бухгалтерия ҳисоби ва аудитни бошқарувнинг фаол вазифасига айлантиради.

Савдо ташкилотлари учун белгиланган меъёрдаги асосий ва муомала маблағларидан самарали фойдаланиш аудит ва назорат ишларини тўғри ташкил қилишга, уларни тўғри режалаштиришга бевосита боғлиқ.

Аудит ишларини тўғри ташкил қилиш фақат маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлабгина қолмай, балки моддий жавобгар шахслар зиммасидаги товар-моддий қийматликларнинг тўғри сақланишини назорат қилиш имконини ҳам беради. Аудиторлик текширувини тўғри режалаштириш аудиторларнинг иш вақтидан самарали фойдаланишлари, ишни корхона фаолияти хусусиятини ҳисобга олиб ташкил қилишлари алохида аҳамиятга эга. Бу эса аудиторларнинг текшириш натижаларини сифатли бўлишини, белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди.

Аудит ишларининг сифатли бўлиши биринчидан, уларни тўғри режалаштиришга боғлиқ бўлса, иккинчидан, тегишли савдо ташкилотида ички назорат тизими ходимларининг иш режасига ҳам бевосита боғлиқ булади. Аудиторнинг иш режасида аудит кунларида қандай ишларнинг бажарилиши, хўжалик фаолиятидаги пайдо бўлган муаммоларнинг хажмига қараб, шу муаммоларнинг ташкилот хўжалик фаолияти билан бевосита боғлиқлиги ва тўғрилигини текшириб чиқишга ажратилган муддатлар кўрсатилади.

Аудитни ташкил қилиш ва режалаштириш хозирги хўжаликни бошқариш усули такомиллашиб бораётган бир вақтда ташкилот хўжалик фаолиятининг яхшиланишига, бошқариш самарадорлигини оширишга, ташкилот эхтиёжларини қондиришга қаратилган бўлиши керак.

Аудит ишларида амалда ишлатилаётган, ишлатилиши тухтатилган хукумат карорлари белгиланган меъёр ҳамда хужжатларни тўғри тахлил қилиш, уларни аудиторлик текширувида жорий қилиш аудитордан юқори малакага эга бўлишни талаб қилади.

Савдо ташкилотлари уз хўжалик фаолиятида белгиланган кўрсаткичларни бажариш, мехнат унумдорлигини ошириш, харажатларни камайтириш, фойдалилик даражасини оширишга таъсир килувчи ички

имкониятларни ишга солиб, харидорларга савдо маданиятини яхшилаш учун кўраш олиб борадилар.

Хар бир савдо ташкилотида белгиланган топшириқларни бажариш учун тегишли асосий ва муомала маблағларидан тўғри фойдаланишни ва уларнинг тўлиқ сақланишини назорат қилишда хужжатли текшириш ўтказиш алохида аҳамиятга эгадир.

Хужжатли текшириш деб, ташкилот хўжалик фаолиятини маълум бир давр ичидаги холатини ҳисоб ва ҳисобот кўрсаткичларига асосланиб хар томонлама чукур текширишга айтилади.

Аудит ёрдамида ташкилот ва корхоналарда хукумат карорларининг бажарилиши, хўжаликда молиявий ишларнинг тўғри ташкил қилинганлиги, унинг қонунийлиги, рахбар ходимларнинг хизмат вазифалари тўғри олиб борилиши текширилади. Аудит текширувларида назорат ўтказишнинг ҳамма турлари бирлашиб, аудит натижаларининг тўғрилигини таъминлайди ва хўжалик юритувчи субъектлар мулкининг тўлиқ сақланиши учун имконият яратади.

Аудит хар бир тармоқ ичида молиявий ишларни тўғри йўлга қўйилганлигини таъминлабгина колмай, иш фаолиятини яхшилашга, ишда йул қўйилган хато ва камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда, хўжалик ҳисобини жорий қилишда, банк кредитларидан окилона фойдаланишда якиндан ёрдам беради. Аудит натижаларининг мазмунли ва тўғри бўлиши унинг олдига қўйилган вазифаларининг бажарилишига боғлиқ. Бу вазифалар асосан қуйидагилардан иборат:

1. Ташкилот молиявий ахволини текшириш, ишлаб чиқариш фаолиятини тахлил қилиш, маблағлардан тўғри фойдаланишни текшириш ва амалга оширилган хўжалик операцияларининг қонунийлигини аниқлаш;

2. Олдиндан максад қилинган кўрсаткичларнинг тўғри бажарилишини, мехнат унумдорлигини ва пул маблағларининг тўғри сарф қилинишини хужжатлар билан расмийлаштиришни текшириш;

3. Ташкилот мулкининг тўлиқлигини таъминлашда ташкилот рахбарлари томонидан чора ва тадбирларнинг бажарилишини текшириш;

4. Мехнатга хақ тўлаш фондидан окилона фойдаланишни ва ташкилотда штат бирлигига риоя қилишни текшириш;

5. Ҳисоб ишларини тўғри ташкил қилиш, ҳисоб регистридаги ёзувларнинг тўғрилигини ва унинг хужжатлар билан расмийлаштирилганлигининг тўғрилигини текшириш ва х.к.

Аудит ташкилотда аниқланган камчиликларни фош этибгина қолмай, тежамкорлик қонун-қоидаларининг қандай йулга қўйилганлигини аниқлайди, хўжалик ҳисобини мустахкамлашга, муомала харажатларини камайтиришга ва ташкилотнинг фойдалилик даражасини юксалтиришга ёрдам беради.

Савдо ташкилотларида руй бераётган камомад ва хиёнатларнинг асосий сабаби ишга совукконлик билан қараш, рахбар ходимларнинг эгаллаб турган мансаб мавкеларини суиистеъмол қилишидир. Иккинчи сабаби моддий жавобгар шахсларнинг етарлича билимга эга

булмаганлиги, товарларнинг қабул қилиш тартибига риоя килмаслик, белгиланган баҳоларнинг бузилишидир. Савдо ташкилотларидаги камомад ва хиёнатларнинг бошқа бир сабаби назорат ишларини уз вақтида ўтказмаслиги, моддий жавобгарлик тўғрисидаги ташкилот билан моддий жавобгар шахслар ўртасидаги шартномаларнинг тўғри тузилмаслигидир.

Маълумки, корхона ва ташкилотларда аудит ўтказиш асосан хужжатлар ва улардаги ёзувларнинг, ҳисобларнинг тўғрилигини текширишдан бошланади. Аудит текшируви мобайнида бухгалтерия хужжатлари шу муддатлар асосида тузилган ҳисоботлар, аналитик ва синтетик счетлардаги ёзувлар билан таққосланади.

Ҳисоб ишларининг тўғри йулга қўйилиши, улардаги ёзувларнинг аниқлиги аудиторлик текширувларининг сифатини яхшилабгина колмай, унинг натижалари юзасидан курилиши керак бўлган чораларнинг мукаммал бўлишини таъминлайди, савдо ташкилотларида товар-моддий қийматликлар ҳамда пул маблағларининг тўғри сақланишини таъминлайди.

Хўжалик операцияларини уз вақтида хужжатлаштирмаслик окибатида савдо ташкилотларидаги моддий бойликлар талон-тарожга учрайди. Хужжатли текшириш ўтказишда бухгалтерия ҳисоби текшириш манбаи бўлибгина колмай бир вақтнинг узида унинг асосий кисмидир. Текширув давомида аудитор ҳисоб ишларининг ходимлар томонидан қандай бажарилишини ҳам текшириб кўриши шарт. Аудиторлик текшируви давомидаги текширишда аудитор ҳисоб ишларини яхши йулга куйиш учун, унинг назорат вазифасини ошириш учун керакли маслахатлар бериши мумкин. Омборларда товарларни тўғри ҳисобга олишни таъминлаш савдо ташкилотларида камомад ва хиёнатларнинг олдини олишда мухим аҳамиятга эга.

Аудиторлик текшируви даврида аудитор омборларда товарлар ҳисоби қандай ташкил қилиниши, товарларни сақлаш ва сотилиш тартибига риоя қилинишини текширади. Шунингдек, келган товарларни қабул қилиш тартиби билан моддий жавобгар шахслар томонидан йул қўйилган камчиликларни аниқлайди. Текширув давомида қабул қилинган ва чиқарилган товарлар тўғрисидаги хужжатлар, моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари текширилади. Омборларда товарлар ҳисобини тўғри йулга қўйилиши меъёрдан юқори товар захиралари пайдо бўлишининг олдини олади.

Аудиторлик текшируви текширувнинг хажмига қараб тўлиқ ёки қисман танлаб олинган холда ўтказилиши мумкин.

Тўлиқ аудит ўтказишда, баъзи бир молия-хўжалик муомалаларининг барча бўғинлари қамраб олинади. Масалан, корхонада пул билан боғлиқ муомалалар, яъни касса ҳисоботлари, банк билан боғлиқ хужжатлар, инвентаризация натижалари ва х.к. Танлаб олинган холда ўтказиладиган аудит текширувида маълум бир ҳисоботлар, бир хилдаги хўжалик операцияларининг тўғрилиги текширилади.

Аудиторлик текшируви қандай тадбирда ўтказилмасин, уларнинг мазмунига қараб хужжатлар тулиқ текширилади ва унинг натижалари

аниқланади. Мавжуд товар-моддий бойликларнинг тўлиқлигини текширишда тематик аудит ўтказилади. Бундан асосий максад ташкилот хўжалик фаолиятининг айрим булакларидаги холатни янада аниқроқ билишдир.

Тематик аудит ташкилотда иш хаки фондидан фойдаланишни текширишда, моддий рагбатлантириш фондларидан фойдаланишнинг тўғрилигини аниқлашда куп қўлланилади.

Савдо ташкилотларида тематик аудит ташкилот хўжалик фаолиятининг айрим томонларини текширибгина колмай, савдони ташкил қилишда илгор тажрибаларни кенг жорий қилишда якиндан ёрдам беради.

Савдо ташкилотлари фаолиятининг асосий сифат кўрсаткичи товар муомаласи ва фойда режасининг бажарилиши ҳисобланади. Бу икки кўрсаткич чакана савдо корхоналари учун юқори ташкилот томонидан белгиланади. Колган кўрсаткичлар эса бевосита ташкилотнинг узида белгиланади. Товар муомаласи ва фойда режасининг бажарилиши истеъмолчиларга сифатли, уларнинг талабига жавоб берадиган халқ истеъмол товарларини сотиш ва чакана товар муомаласи режасининг бажарилиши билан боғлиқ.

Савдо ташкилотлари бир неча чакана савдо шахобчаларини узига бирлаштиради, уларнинг хар бирида куплаб товар захиралари мавжуд. Шу билан бирга бу савдо ташкилотлари товар муомаласи хажмига, тузилишига қараб тўлиқ хўжалик ҳисобида булади. Хар бир савдо ташкилотларидаги товарларнинг тўлиқлигини таъминлаш учун уларнинг хар бирини уз вақтида аудит қилишни олдиндан режалаштириш талаб қилинади.

Юқори ташкилот тузилган аудит режасининг тўғри тузилганлигини текшириб, режада ҳамма савдо шохобчаларининг кўрсатилганлигини аниқлаб чикади ва қайта аудит ўтказиш кузда тутилганлиги ва кайси мавзуда ўтказилишини таъминлайди. Аудит ўтказиш режаларида қайта аудит ўтказишнинг кўрсатилиши савдо ташкилотларининг иш фаолиятини чукур тахлил қилиш имкониятини беради ва иш тартибининг яхши йулга қўйилишини таъминлайди.

Йиллик аудит ўтказиш режасида биринчи навбатда белгиланган муддатларда аудит ўтказилмаган объектлар кўрсатилади. Мавсумий характерга эга бўлган савдо ташкилотларида аудит ўтказишни иш фаолиятининг бошланишигача ўтказиш режалаштирилади.

Қайтадан ўтказиладиган аудит, асосан, ўтказилган аудит ишларига шубха тугилганда, аудитор томонидан ёзилган аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси хакикий кўрсаткичлар билан қарама-карши бўлган пайтларда бошқа аудитор томонидан ўтказилади.

Аудит ишларининг яхшиланишида аудиторларнинг касбий тайёргарлиги ва малакасининг етарли даражада бўлиши корхоналар хўжалик фаолиятининг молиявий назоратини мустахкамлашга қаратилган чоралардан биридир.

Аудиторлик текширувларини сифатли ўтказиш ва унинг объектив бўлишини таъминлашда аудиторга қуйидаги вазифалар юклатилган:

■ аудит ўтказилаётган ташкилотни хўжалик фаолияти юзасидан юқори ташкилот томонидан чиқарилган буйрук ва карорларни узлаштириб олиши, амалда қўлланиладиган аудит ишлари билан бевосита боғлиқ бўлган қонунлар; Низомлар ва қарорларни яхши билиши ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

■ ташкилот мулкини тўлиқ сақлашни таъминлашда моддий жавобгар шахсларнинг иш фаолиятини текшириш ва аниқланган камчиликларни бартараф қилиш буйича тегишли чораларни ишлаб чикиш;

■ иш юзасидан тегишли жамоат ташкилотлари билан алокада бўлиш, аудит текширувига тааллукли бўлган шахсларни қабул қилиш ва улар билан сухбатлашиш;

■ аудит ўтказилаётган ташкилотнинг ҳамма хужжатлари ва бошқа материалларини тўлиқ текшириб, натижаларининг аниқ ва хакикий холатини ёзиш;

■ аудит ўтказишда қонунга хилоф ишлар аниқланса, аудит қилинаётган ташкилотнинг бош бухгалтери ва рахбарига хабар бериш ва улардан ёзма равишда тушунтириш хати олиш;

■ аудит ўтказишда давлатимиз томонидан ишлаб чиқилган қонун хужжатлари ва барча меъёрий хужжатларга амал қилиш;

■ аудит ишларини тўғри олиб бориш, текшириш натижаларини аниқ кўрсатишда аудитор уз хуқуқидан тўғри фойдалана билиши зарур.

Аудиторлик текшируви бошлангандан то охиригача ташкилот иш фаолиятига, хўжаликни бошқаришга салбий таъсир қилмаслиги керак.

Иқтисодиётимизни ривожлантиришда барча томонларнинг бир-бирига боғлиқлиги тобора усиб бормокда, бу эса истикболни кузлаб ўзаро алокалар тизимини тўғри йулга қўйилишини талаб қилади.

Аудит натижаларининг тўғри бўлиши ва унинг сифатли ўтказилиши, аудит ўтказиш учун яратилган шароитга боғлиқ.

Аудит ўтказиш учун етарли шароит яратилгандан кейин, аудитор ташкилот хўжалик фаолиятидаги товар-моддий қийматликларни сон ва сифат жихатидан бухгалтерия рўйхатларидаги ва ҳисобот кўрсаткичларидаги ёзувлар билан таққослаб текширади. Бу аудиторга ташкилот хўжалик фаолияти тўғрисида маълумот беради ва ташкилотда амалга оширилган хўжалик операцияларининг қонунийлигини, уларнинг максадга мувофиқлигини, иқтисодий жихатдан зарурлигини ва тежамкорлик қонун-коидаларига қандай риоя қилинишини, ҳисоб ва ҳисобот хужжатларининг тўғрилигини аниқлаш имкониятини беради.

Аудитор ташкилот хўжалик фаолиятини аудит қилишда, албатта, унинг бошқа сохалари билан бўлган ва буладиган алокадорлигини аниқлаб туриш усул ва қўлланмаларидан тўғри фойдаланиб, хўжаликдаги содир бўлган операцияларни бир-биридан ажралмаган холда назорат қилади.

Аудит ўтказилаётган ташкилотда хўжалик фаолиятининг холатини аниқлаб олиш, аудиторга шу ташкилот тўғрисида дастлабки умумий маълумотларни беради. Аудит қилиш жараёнида иқтисодий тахлилдан кенгрок фойдаланиш, аудитор учун зарур бўлган савдо ташкилотида

молиявий-хўжалик ахвол кай холатда эканлигидан хабардор бўлиш ва ташкилот иш фаолиятида кучсиз томонларни билиб олиш имкониятини беради.

Аудит ўтказишда ҳисоб кўрсаткичлари иқтисодий тахлил, ҳисоб рўйхатлари, ҳисоботларни текшириш билан бирга шундай усуллар қўлланиладики, улар амалга оширилган хўжалик операцияларининг тўғрилигини текширишда, хужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текширишда аудит ишларига якиндан ёрдам беради ва натижаларни аниқлашда уларга қонуний тус беради. Шундай усуллардан бири савдо ташкилотларида инвентаризация ўтказишдир.

Савдо ташкилотларида инвентаризация ўтказиш деб, моддий жавобгар шахслар зиммасидаги товар-моддий қийматликларнинг, пул маблағларининг натура, яъни сон кўрсаткичида текширилиб, пулда ифодаланишига айтилади.

Инвентаризация ўтказишда ташкилотнинг товар-моддий қийматликлари инвентаризация варақаларида кўрсатилиб, бухгалтерия ҳисобининг кўрсаткичлари билан солиштирилади.

Бундай солиштириш натижасида инвентаризация варақаларидаги кўрсаткич билан ҳисоб кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ аниқланади, аниқланган фарқ инвентаризация натижасини (ортик ёки камлигини) кўрсатади. Аниқланган натижалар бухгалтерия ҳисобида тегишли ёзувлар билан расмийлаштирилади. Бундан ташкари инвентаризация ўтказишнинг яна бир афзаллиги, талаб ва таклифдан четда колган, истеъмол қилишга яроксиз ҳамда уз тўлиқлигини, хусусиятини йўқотган товарларни аниқлашда ёрдам беради. Бу эса ташкилотда меъёрдан юқори бўлган товар захираларини камайтириш ва товар йўқолишининг олдини олиш, товарлар айланишини тезлаштириш учун тегишли чора ва тадбирлар кўришини таъминлайди.

Савдо корхоналарида аудит манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

-товар етказиб бериш ёки сотиб олиш бўйича тузилган шартномалар;
-счет-фактуралар;
-товар-транспорт юк хатлари;
-сифат гувоҳномалари;
-моддий-жавобгар шахслар ҳисоботлари;
-тегишли журнал-ордер қайдномалари ва х.к.

8.2. Омборлар ва бухгалтерияда товарларни ҳисобга олишни текшириш.

Товарларни истеъмолчиларга уз вақтида сифатли етказиб беришда навларнинг тўлиқлигини таъминлаш алохида аҳамиятга эга.

Савдо ташкилотларидаги мавжуд товар-моддий бойликлар маълум моддий жавобгар шахслар зиммасида бўлиб, бу бойликларнинг сон ва сифат жихатидан тўлиқ бўлишида жавобгар ҳисобланадилар. Моддий жавобгарликнинг асосий икки усули, яъни якка ва бригада усулидаги турлари

мавжуд. Хозирги вақтда моддий жавобгарликнинг бригада усули давлат савдо ташкилотларида кенг қўлланилмокда.

Моддий жавобгарликнинг хар иккала турида ҳам товарларнинг тўлиқлигини таъминлашда ходимларни тўғри танлаш, уларнинг малакасига, иш стажига эътибор бериш алохида аҳамиятга эга.

Корхона ва ташкилотларда ҳисоботлар тузилишига кўра ички ва ташки ҳисоботларга булинади. Ички ҳисоботлардаги кўрсатилган маълумотлар асосан шу ташкилот хўжалик фаолиятидан олинади ва унинг кўрсаткичларини умумлаштиради, ташки ҳисоботлар асосан юқори ташкилотларга топшириладиган уч ойлик, йиллик ҳисоботлар ҳисобланади.

Ҳисобот бажарилган хўжалик операцияларини тартибга солиш билан бевосита боғлиқ. Масалан, ой давомида тегишли ҳисоб рўйхатларида акс эттирилган операциялар ой охирида умумлаштирилиб, счетларнинг дебет, кредит муомалалари ҳисобланади, қолдиқлари аниқлангандан кейин ойлик ҳисоботни тузиш учун шароит яратилади, демак, ҳисоботда ҳисоб кўрсаткичлари умумлаштирилади. Ҳисоботда ташкилот маблағларининг жойланиши, ташкил топиш манбалари, ҳисобот давридаги маблағларнинг ўзгариши уз ифодасини топади.

Ҳисоботларни тўғри тузиш биринчидан, маблағлардан самарали фойдаланишни кўрсатса, иккинчидан, хўжаликни бошқаришни такомиллаштириш каби ташаббусларнинг руёбга чикишини таъминлайди.

Ҳисоботларни белгиланган муддатларга тузиш бухгалтерия ходимлари ишининг тўғри ташкил қилинишини талаб қилади. Ҳисоботга қўйиладиган талаблар унинг мазмунидан келиб чикади ва қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- ҳисоботдаги маълумотларнинг тўғри бўлиши;
- ҳисоботнинг аниқ ва содда тузилиши;
- ҳисоботнинг уз вақтида тузилиши ва топширилиши.

Ҳисоботлар тузилишига қараб оператив, статистик ва бухгалтерия ҳисоботларига булинади.

Ҳисоботларнинг бундай булиниши уларда келтирилган маълумотлар мазмунидан ва тузилишига кўра фарқдан келиб чикади.

Оператив ҳисоботлар биринчидан ташкилот хўжалик фаолияти билан бевосита боғлиқ булмаса ҳам маълум бир вақт бирлигида содир булаётган операцияларни кузатишда кенг қўлланилади. Оператив ҳисоботларнинг узига хос хусусияти шундаки, уларда ҳисобот даврининг бошига ва охирига тааллукли бўлган маълумотлар кўрсатилмайди, иккинчидан, бу ҳисоботларда хўжалик маблағларининг ташкил топиш манбалари, жойланиши кўрсатилмайди. Оператив ҳисоботларнинг маълумотлари йиллик ҳисобот тузишда савдо ташкилотларида ишлатилмайди.

Статистик ҳисоботлар махсус кузатишлар оркали олиб борилади. Статистик ҳисоботлардаги маълумотлар купрок натура улчов бирликларида юритилади, оператив, статистик ҳисоботларда баланс ишлатилмайди. Статистик ҳисоботда бир вақтнинг узида турли улчов бирликларидан фойдаланиш мумкин. Лекин статистик ҳисоботларда умумлаштирилган

маълумотлар узининг кетма-кетлиги йўқлигидан бошқа ҳисоботлардан фарқ қилади.

Бухгалтерия ҳисоботи барча ҳисобот турларидан шу билан фарқ қиладики, унда бир вақтнинг узида натура ва пул улчов бирлиги ишлатилиши мумкин. Бухгалтерия ҳисоботида умумлаштирилган маълумотлар ташкилот маблағларининг холатини кўрсатади.

Бухгалтерия ҳисоботларидаги маълумотлар бевосита ташкилот маблағларининг харажати билан боғлиқ холда юритилади ва уларда бошланиши ва охирги қолдиқлари кўрсатилади.

Товар-моддий қийматликларни ҳамда пул маблағларининг тўлиқлигини таъминлаш учун белгиланган чора ва тадбирларни аудит қилиш савдо ташкилотларида асосан қуйидаги кетма-кетликда олиб борилади. Аудитор савдо ходимларининг моддий жавобгарлик ишларига ўтказилиш тартибини, моддий жавобгар шахсларнинг иш фаолияти устидан юқори ташкилот рахбарларининг назорат қилиб боришини халқ назорат идоралари ва жойлардаги вакилларнинг савдо ташкилотлари иш фаолиятини яхшилашга кўрсатаётган таъсирини аниқлайди.

Бундай текшириш ўтказилгандан кейин аудитор камомад ва хиёнатлар юзасидан тузилган ҳисоботларни, аудит ўтказилаётган ташкилотда аниқланган камчиликларни тугатиш тўғрисидаги тадбирларнинг уз вақтида қўлланганлигини текширади.

Аудиторлик текшируви жараёнида моддий жавобгар шахсларнинг ишга қабул қилинганлигини тасдиқловчи хужжатлар ва уларнинг тўлиқлиги, сотувчиларнинг ишга қабул қилинганлигини кўрсатувчи шахсий хужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги ва моддий жавобгар шахслар билан тузилган моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномалар, ҳисоб рўйхатларидаги ёзувлар, инвентаризация натижалари, текшириш далолатномалари асосий манба ҳисобланади.

Корхоналар мулкининг тўғрилигини таъминлашда, ривожланган бозор иқтисодиётини вужудга келтиришда ҳисоб ва ҳисоботнинг аҳамияти янада ошиб бормокда. Ҳисоб ва ҳисобот режа топшириқларининг бажарилишида, тежамкорликни ва хўжалик ҳисобини яхшилашда, моддий бойликлардан ва пул маблағларидан окилона фойдаланишда, улар устидан назорат урнатишда асосий кўрсаткичдир.

Шунинг учун корхона ва ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи холати аудит қилинганда ҳисоб ишларининг тўғри ташкил қилиниши, хўжалик ичидаги назорат ишларининг қандай йулга қўйилганлиги, ҳисоб сохасида ишловчи ходимларнинг малакаси, хўжалик маблағларининг харакати билан боғлиқ бўлган операцияларни тўғри хужжатлаштириш ва хужжат муомаласи, ҳисоботларнинг белгиланган муддатларда тўғри тузилиши текширилади.

Синтетик ва аналитик счетлардаги ёзувлар, ойлик, уч ойлик, йиллик ҳисоботлар, олдинги ўтказилган аудиторлик текшируви материаллари текшириш манбалари ҳисобланади.

Савдо ташкилотларида товар-моддий бойликларнинг тўлиқлигини таъминлаш савдода ходимларни тўғри танлаш ва уларни уз жойларига тўғри ишга куйишга боғлиқ. Савдо ташкилотларида моддий жавобгарлик лавозимига савдо мутахассислиги бўйича тегишли маълумотга эга бўлган, судланмаган ходимлар қабул қилинади.

Аудиторлик текшируви жараёнида савдо ташкилотида ишлаб турган ходимларнинг тегишли мутахассислик билимига эга эканлиги алохида текширилиб, аудиторлик ҳисоботида ходимларнинг сони ва маълумоти алохида кўрсатилади.

Агар текшириш натижасида аудит ўтказилаётган ташкилотда моддий жавобгарлик ишларига илгари судланган шахслар қабул қилинганлиги аниқланса, бундай шахсларни ишга олишга рухсат берган рахбарлар аниқланади ва бу нуқсонлар аудиторлик ҳисоботида кўрсатилади. Аудитор бундай холларда асосан ходимларни ҳисобга олиш тўғрисидаги варақаларни мехнат дафтарчаларини ва ишга қабул қилиш тўғрисида ташкилот ходимлар бўлимининг хулосаларини текширади.

Агар текшириш натижасида моддий жавобгарлик ишларига қабул қилинган ходимлар хужжатларининг тўғрилиги хакида аудиторда шубха тугилса, шу ходимларнинг олдинги ишлаган жойларидан тегишли маълумотлар олиниши керак.

Аудитор аввал ўтказилган инвентаризация натижалари, таклиф ва шикоятлар дафтари, ташкилот рахбарларининг хулосалари билан танишиб чикиши аудиторлик текширувининг сифатли бўлишини таъминлайди. Аудит ўтказишда ташкилотда қўлланилаётган моддий жавобгарлик тартиби ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги аниқланади.

Аудит ўтказишда бригада аъзолари билан тузилган моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномаларнинг қонуний ва бригада аъзолари томонидан имзоланганлиги, уларнинг меъёрли ишлаши учун яратилган шароитлар текширилади. Савдо ташкилотларида товар-моддий қийматликларни ҳамда пул маблағларининг тўлиқлигини таъминлашда ташкилотда мафкура ва тарбия ишларини яхши йулга қўйилиши ташкилот рахбарларидан талаб қилинади. Аудиторлик текширувини ўтказишда бу сохада қандай ишлар амалга оширилганлиги аниқланади.

Аудиторлик текширувининг охирида юқори ташкилот томонидан камомад ва хиёнатларни бартараф қилиш тўғрисида карор ва буйрукларнинг бажарилиши текширилади.

Умуман хозирги вақтда моддий жавобгарликнинг учта тури қўлланилмокда: а) чегараланган; б) тўлиқ; в) юқори.

Бу турлардан асосан савдо ташкилотларида тўлиқ моддий жавобгарлик қўлланилади. Биз юқорида ташкилот билан ходимлар ўртасида моддий жавобгарлик шартлари тузилган шартномаларнинг қонунийлаштирилишини кўриб чиқдик, лекин айрим савдо ходимлари билан моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномаларнинг тузилмаслиги хеч қандай моддий жавобгарликка тортиш мумкин эмас экан-да, деган гап эмас, албатта. Улар ҳам қуйидаги холларда моддий жавобгарликка тортиладилар:

1. Товар ва пул муомалаларини амалга ошириш учун берилган фармойишларни қонунсиз ва хато деб аниқланганда;

2. Товар-моддий қийматликларни уз вақтида қабул қилиб олиш, сақлаш ва ташиб келишни таъминламаганда, уз вақтида керакли чора ва тадбирларни амалга оширмаганда;

3. Моддий жавобгар шахсларнинг иш фаолияти устидан назорат ишларини олиб бормаганда.

Бундай пайтларда келтирилган камомад ва хиёнатлар юзасидан ташкилот рахбарларидан тушунтириш хатлари ёздириб олинади ҳамда камомад ва хиёнат суммаси жойига тўлиқ қайтариб қўйилиши талаб қилинади.

Аудитор аудит ўтказилаётган ташкилотда ҳисобнинг журнал-ордер шаклидан тўғри фойдаланилаётганига, шунингдек автоматлаштириш жараёнининг қандай ахволда эканлигига аҳамият бериши шарт. Керак бўлса, ташкилот бухгалтерия ходимларига ҳисобнинг илгор усулларини жорий қилиш ва уларнинг афзалликлари хакида ҳисоб ходимларига керакли амалий ёрдам бериши лозим.

Аудитор ташкилот бош бухгалтерига юклатилган вазифаларнинг қандай бажарилиши ҳамда унинг хукуқ ва вазифалари тўғрисида чиқарилган Низомга қандай амал килаётганлигини аниқлайди. Бу Низомда бош бухгалтернинг вазифалари қуйидагича баён қилинган: ҳисоб ишларини тўғри ташкил қилиш, ҳисобнинг илгор усулларини жорий қилиш, автоматлаштириш, ҳисоблаш машиналаридан окилона фойдаланиш, маблағлар харакати билан боғлиқ бўлган операцияларни тўғри хужжатлаштириш ва ҳисоб ёзувларида кўрсатиш, харажатларни тўғри ҳисоб қилиш, молиявий натижаларни аниқлаш ва х.к.

Моддий жавобгар шахслар томонидан бухгалтерияга топширилаётган товар ва пул ҳисоботларининг белгиланган муддатда тўғри текширилиши аудит қилинади. Айрим холларда ҳисоботларни уз вақтида топширмаслик товар ва пул маблағларидан ноқонуний фойдаланишни келтириб чиқаради.

Текширишда ташкилотнинг жами савдо шохобчалари ва тўлиқ хўжалик ҳисобидаги савдо тармоқларининг товар муомалалари, ички имкониятлардан фойдаланиш тартиби, хўжалик ҳисобининг айрим булаклари буйича жорий қилиш, ҳисоб ишларининг холати тахлил қилинади.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида ҳисоботларни ўз вақтида, белгиланган шаклларда тузиш ва топшириш ташкилотга тааллуқли бўлган асосий ва муомала маблағларининг харакатини тўғри ҳисоблаб чиқилишида, қўшимча маблағларга бўлган эхтиёжни кондиришда алохида аҳамиятга эга.

Хозирда корхона ва ташкилотлар уч ойлик ва йиллик ҳисоботларини тузадилар. Ҳисоботни тузиш тегишли тайёргарликни талаб қилади ва шу тайёргарлик давомида ҳисобот учун белгиланган шаклларни тулдириш учун асос яратилади.

Ҳисоботлар хажмига кўра кунлик, ойлик, уч ойлик ва йиллик булади. Кунлик ҳисоботларда хўжалик фаолиятининг ҳисобот тузилган кундаги холати кўрсатилади. Кунлик ҳисоботга моддий жавобгар шахслар томонидан

тузиладиган товарларнинг кирим ва чиқим ҳисоботини мисол келтириш мумкин. Бу ҳисоботда товарларнинг харакати тегишли манбалар буйича кўрсатилади ва ҳисоботнинг тўғрилиги текшириб чикилгандан кейин тегишли журнал-ордерларда акс эттириш учун шароит яратилади, лекин шу билан ҳисобот ишлари тўлиқ бажарилди деган хулоса келиб чиқмайди.

Ташкилот ихтиёрида бўлган маблағларнинг харакати бухгалтерия ҳисоби счетларида уз ифодасини топади. Хар ойда счетларнинг муомалалари ҳисобланиб, ойнинг охирига бўлган қолдиғи чиқарилади. Маблағлар харакатининг тўғрилигини тасдиқлаш максадида синтетик счетларнинг муомалалари аналитик счетлардаги маълумотлар билан тулдирилади. Хар бир счетнинг қолдиқлари текшириб чиқилгандан кейин бу маълумотлар бош дафтарчага кучирилади ва ой давомида амалга оширилган операцияларнинг счетлари буйича муомала ва қолдиғи ҳисобланиб, жами муомала ва қолдиқларнинг тенглиги таъминлангандан кейин ҳисобот тузиш учун тегишли маълумотлар йиғилади.

Ҳисобот хўжалик фаолиятининг утган давридаги холатини бир-бири билан богланган холда умумлаштириб, режа кўрсаткичларининг бажарилишини назорат қилади ва тегишли ички имкониятларни аниқлашда ташкилот рахбарларига якиндан ёрдам беради.

8.3. Улгуржи савдода товарларнинг сотилишини текшириш. Товарларни жорий ҳисобда ва балансда баҳоланишини текшириш.

Корхона ва ташкилотлар уз олдиларига қўйган максадларига эришиши, махсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларни истеъмолчиларга етказиб беришда бир-бирлари билан ўзаро алокалар олиб борадилар. Халқ истеъмол товарларини харидорларга уз вақтида сифатли ва белгиланган навларда етказиб беришни таъминлашда, саноат корхоналари билан савдо ташкилотлари ўртасидаги алоқани мустахкамлашда улгуржи савдо ташкилотлари алохида аҳамият касб этади.

Улгуржи савдо ташкилотлари белгиланган чакана товар муомаласи режасини бажаришда, халқ истеъмол товарларига бўлган талабни кондиришда чакана савдо тармоқларига бевосита таъсир қилади.

Улгуржи савдо ташкилотлари товар муомалаларининг бошланиш холати бўлиб, уз иш фаолиятини асосан саноат корхоналаридан чакана савдо ташкилотларига товарларни етказиб берувчи сифатида олиб боради ва халқ истеъмол товарларига бўлган талабларнинг бажарилишида чакана савдо тармоқларига ёрдам беради. Саноат корхоналарида товарлар навини кенгайтиришга, чакана савдони тўғри ташкил қилишга фаол таъсир қилади.

Улгуржи савдонинг яна бир афзаллиги шундаки, товар захираларини аниқлаш ва уларни савдога жалб қилиш, махаллий саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган товарларни истеъмолга чиқариш, шу билан бирга мавсумий ва маълум максадлар учун белгиланган товар захираларининг тўлиқлигини таъминлайди.

Савдо ташкилотларида товар операцияларини аудит қилишда товарларнинг мол етказиб берувчилардан тузилган шартномаларга асосан келиши, уларнинг омборларга қабул қилиниши тартиби – сақлаш, сотувга тайёрлаш, мавжуд товар захираларининг ташкилот учун белгиланган меъёрга тенг келиши текширилади.

Улгуржи ва чакана савдо ташкилотларида товар операцияларини аудит қилишнинг асосий вазифаларидан бири белгиланган товар-оборот режасининг бажарилишини аниқлаш, уларни тасдиқловчи хужжатларнинг тўғри расмийлаштирилишини назорат қилишдир. Улгуржи ва чакана савдо ташкилотларидаги мавжуд товарлар тегишли моддий жавобгар шахсларнинг зиммасига юкланган.

Товар операцияларини аудит қилиш маълум кетма-кетликда амалга оширилиб, ташкилотнинг тузилишига, ҳисоб ишларининг ташкил қилинишига, аудиторга берилган топшириқларга боғлиқ. Товар операцияларини аудит қилишда омборлардаги истеъмолга яроксиз бўлган товарларни аниқлаш тартиби ва уларнинг кайси манбалардан копланганлиги, уларни бошқа йиллар билан таққослангандаги холати аудитор томонидан ҳисоблаб чиқилади.

Савдо ташкилотларида амалга оширилган операцияларнинг асосий кисмини товарларнинг харакати билан боғлиқ бўлган операциялар ташкил қилади. Шунинг учун аудиторлик текширувлари айрим операцияларнинг тўғрилигини текшириш танлаб олинган холда ўтказилади. Танлаб олинган холда текшириш ўтказилаётганда (операцияларни) ой давомида ёки ун кунлик ичидаги бажарилган операцияларни аудит қилиш максадга мувофиқ.

Савдо ташкилотларида товар операцияларини аудит қилиш натижасида уларнинг тўлиқлиги, сифат жихатидан истеъмолга яроқлилиги, тегишли хужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги тўғрисида етарли маълумот олинади.

Савдо ташкилотларидаги товар - моддий қийматликларнинг тўлиқлигини сақлашда инвентаризация мухим урин эгаллайди. Инвентаризация ёрдамида товарлар микдори ва сифатининг моддий жавобгар шахслар томонидан тўғри сақланиши ҳисоб-китоб қилинади.

Инвентаризация назорат усуллари ичида асосий урин тутади.

Ташкилот хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар, яъни молия режасининг бажарилиши, иқтисодий тежамкорлик, хўжалик ҳисоби, хўжалик операцияларини тўғри бажариш, ҳисоб ишларининг холати аудит қилинаётганда хар бир кўрсаткич алохида-алохида текширилади. Бундай текшириш олиб боришда шундай усулларни қўллаш талаб қилинадики, улар орқали аудит натижаларининг аниқлиги таъминланиши керак. Ана шундай усуллардан бири товарларни инвентаризация қилишдир.

Корхоналар мулкининг тўлиқлигини таъминлашда инвентаризация ўтказиш мухим аҳамиятга эга. Инвентаризация натижасида камомад ва хиёнатлар аниқланибгина қолмасдан, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳам аниқланади. Савдони ташкил қилишда йул қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланади. Шунинг учун

инвентаризациянинг уз вақтида ва сифатли ўтказилиши бухгалтерия ҳисобидаги ёзувларнинг тўғрилигини, маблағларнинг сақланиши устидан назорат қилишни таъминлайди.

Инвентаризациялар моддий жавобгар шахсларнинг иши устидан кузатув олиб боришга ёрдам беради, уларнинг зиммасидаги товарлар, хом ашё ва материалларни уз вақтида ва тўғри расмийлаштиришдаги жавобгарлигини таъминлайди. Шу билан бирга товар-моддий бойликлар сақланаётган омборларнинг холатини яхшилаш (улчов асбобларининг холатини текшириш) имкониятини беради. Инвентаризация деб, мавжуд товар - моддий бойликларни натура холида санаб, ўлчаб, тортиб, уларни пул ифодасида ҳисоб-китоб қилиб, бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларига таққослаб натижаларини аниқлашга айтилади.

Савдо корхонасидаги товарлар инвентаризация қилинганда, уларнинг холати қандай тартибда витриналарда кўрсатилган бўлса, шу тартибда инвентаризация ўтказишда сон жихатдан саналиб, улчаниб чиқилади ва инвентаризация рўйхатларида кўрсатилади.

Инвентаризация рўйхатининг хар бир варагида кўрсатилган товарларнинг тартиб рақами, умумий микдори, суммаси рўйхатнинг охирида суз билан ёзиб борилади.

Инвентаризация тўлиқ тугаллангандан кейин ҳамма рўйхатлардаги суммалар жамланиб, инвентаризация натижаларини аниқлаш учун хужжатлар тайёрланади. Айрим холларда ўтказилган инвентаризация натижаларининг тўғрилигини аниқрок билиш учун танлаб олинган холда қайта назорат инвентаризацияси ўтказилади.

НАЗОРАТ ЎТКАЗИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Рўйхат буйича	Товарнинг номи, орти, артикули	Прес-т рақами	Улчов бирлиги	Баҳоси	Рўйхатда ўрсатилган		хакикий ниқланди		Фарқи			
									кўп		оз	
					сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
12	Атлас-12	0411	М	500	21	105000	20	10000	1	500		
16	Бўз	2	М	)	150	75000	156	0		)	6	300
20	Сатин-	1401	М	500	40	64	50	78000	10		-	)
		1309		16				80		16		-

Қайта танлаб олинган холда ўтказилган инвентаризация натижаларига асосан рўйхатда кўрсатилган суммаларга нисбатан 5000 сўм куп, 3000 сўм кам ёзилганлиги аниқланди ва х.к.

Аудитор _____ имзо

Инвентаризация комиссияси аъзолари:

Моддий жавобгар шахс.

Инвентаризация рўйхатларининг тўғрилиги текширилгандан кейин бир нусхаси ташкилот бухгалтериясига берилади, иккинчи нусхаси аудиторда колади. Моддий жавобгар шахслар томонидан рўйхатларда йул қўйилган арифметик хатолар инвентаризация якунлари аниқлангандан кейин топилса, бу тўғрида инвентаризация ўтказиш комиссиясига ёки ташкилот рахбарига хабар қилиниши керак. Аниқланган хатоликнинг тўғрилигини ҳисоб-китоб қилиниб, қўшимча ёзувлар киритилади. Агар аудитор қайта назорат инвентаризацияси ўтказишда аниқланган фарқларга шубха билан қараса, қайтадан тўлиқ инвентаризация ўтказиш учун янги комиссия тузиши мумкин.

8.4. Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан тузилган шартномалар бажарилишини текшириш.

Улгуржи савдо ташкилотлари уз иш фаолиятларини саноат корхоналаридан товарларини истеъмолчиларга етказиб беришда асосий воситачи сифатида олиб борадилар ва чакана товар муомаласи режасининг бажарилишига бевосита таъсир кўрсатадилар. Шунинг учун улгуржи савдо ташкилотларида товар ва материал қийматликларнинг тўлиқлигини таъминлаш товар операцияларини аудит қилишда алохида аҳамиятга эга.

Аудит ўтказишда товарларнинг омборларда тўғри сақланиши, унинг сифати, савдо ташкилотининг моддий-техника базаси керакли инвентарлар билан тўлиқ таъминланганлиги назорат қилиб борилади.

Улгуржи савдо ташкилотларида товарлар асосан мол етказиб берувчилар билан тузилган шартномаларга асосан келтирилади ва моддий жавобгар шахслар томонидан тегишли омборларга қабул қилинади. Аудитор шартнома шартларининг бажарилишини ва уларнинг қандай тартибда рўйхатга олинишини, мол етказиб берувчиларга қилинган даъво суммаларининг тўғрилиги ва сабабини аниқлаб чикиши керак.

Улгуржи савдо ташкилотларининг товар муомаласи режасини бажариши, товарлар харакатининг бир меъёрда олиб борилиши, товар захираларининг белгиланган меъёрда бўлишини таъминлашда мол етказиб берувчилар билан улгуржи савдо ташкилотлари ўртасида тузилган шартномаларнинг қонунийлиги уз вақтида бажарилиши ва кўрсатилган шартларга хар иккала томонларнинг риоя қилиши алохида урин эгаллайди. Чунки шартнома шартларига риоя қилмаслик мол етказиб берувчилар ва савдо ташкилотларининг хўжалик фаолиятига салбий таъсир қилади. Шунинг учун аудит ўтказилаётганда мол етказиб берувчилар билан тузилган шартномаларнинг тўғри тузилганлиги, ҳамма реквизитлари буйича аниқ

расмийлаштирилганлиги, уларнинг белгиланган муддатларда бажарилиши аудитор томонидан аниқланади.

Аудитор мол етказиб берувчилардан келган товарларни омборларга қабул қилиш тартиби билан бевосита танишиб ва қабул қилинган товарлар буйича ҳисоб-китоб ишларининг қандай ташкил қилинганлигини текшириб чикади. Бундай текшириш ўтказилаётганда мол етказиб берувчилардан келган товарларнинг уз вақтида қабул қилинишига, белгиланган товарларни қабул қилиш тартибига риоя қилинишига алохида аҳамият беради.

Агар текшириш натижаларига кўра товарларни қабул қилиш уз вақтида бажарилмаган бўлса, у холда унинг сабаби аниқланади.

Товарларни қабул қилиш билан боғлиқ операциялар аудит қилинаётганда **«Товарларни ҳисобга олувчи счётлар», «Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счетлар»** счетининг ёзувлари, аналитик счетларнинг кўрсаткичларидаги ёзувлар моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари билан солиштирилган холда текширилади. Агар текшириш давомида товар ҳисоботларидаги, товарларнинг харакатини ҳисобга олувчи журнал-ордердаги ёзувлар ўчирилган бўлиб, бошқа ёзувлар кўрсатилган бўлса, бу хақда тегишли жавобгар шахслардан бу тўғрида тушунтириш хатлари талаб қилинади. Товарларнинг тўғри ҳисоб қилиниши текширилаётганда **«Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар»** счетининг ёзувлари ҳам аудитор томонидан аниқланади. Бундай текшириш натижасида **«Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар»** счетида даъво суммаларининг йўқлиги, кўрсатилган суммаларнинг тегишли хужжатларга асосан ёзилганлиги аниқланади.

Агар аудит ўтказилаётганда товар-моддий қийматликларнинг бузилиши тўғрисида далолатномалар борлиги аниқланса, уларнинг тўғрилиги, товарлар камайишининг тўғри ҳисобланганлиги меъёрдан юқори бўлса, айбдор шахслар буйича тўғри кўрсатилганлиги аниқланади. Товарларни қабул қилиш тартиби ва ҳисоб ёзувларида кўрсатилиши текширилаётганда **«Товарларни ҳисобга олувчи счётлар», «Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счетлар»** счети буйича юритиладиган журнал-ордерлардаги ёзувларнинг тўғрилиги ҳам текширилади.

Улгуржи савдо ташкилотларининг чакана савдо ташкилотларига товарларни уз вақтида етказиб бериши, товар муомаласи режасининг бажарилишини таъминлайди.

Улгуржи савдо ташкилотларидан товарлар чакана савдо ташкилотларига тузилган шартномаларга асосан етказиб берилади. Шунинг учун товарлар сотилиши текширилаётганда шартномаларнинг мавжудлиги, товарларни сотишга тайёрлаш тартиби, товарларни истеъмолчиларга жунатишни хужжатлаштириш, уларни белгиланган навларда бўлишини таъминлаш каби ишлар аудитор томонидан текширилади. Аудитор товар олувчиларга жунатилган товарларни тўғри хужжатлаштиришга, хужжатлар оборотига алохида аҳамият бериши керак. Бунинг учун у чакана савдо

ташкилотларига жунатиш учун тайёрланган товарларни тасдиқловчи хужжатлар билан солиштириб, текшириш ўтказиши лозим.

Улгуржи савдо ташкилотидан товарлар икки хил тартибда сотилади:

1. Товарларни транзит усулда сотиш;
2. Товарларни омбор орқали сотиш.

Товарларни транзит усулда сотиш хўжалик фаолиятининг сифат кўрсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланади, чунки бу усулда харажатларни камайтириш, товарни истеъмолчиларга сифатли ва тез етказиб бериш учун шароит яратилади.

Товарлар кайси тартибда сотилишидан катъий назар, аудитор товарларни жунатиш, сотиш шароитларининг бажарилишини, шунингдек ташкилотлараро товарларни жунатиш ва сотишда уларнинг тўлиқлигини, белгиланган навларда жунатилишини текшириб чикади. Текшириш натижасида ташкилотлараро ва ташкилот доирасида товарларни жунатиш ва сотиш шартларига риоя қилинмаган бўлса, у холда аудитор уларнинг сабабларини аниқлаб чикиб, махсус далолатномаларда кўрсатади. Товар олувчи ташкилот, мол етказиб берувчи ташкилотлар билан товарлар учун тегишли ҳисоб-китоб ишларини олиб борадилар. Ҳисоб-китоб ишларининг уз вақтида белгиланган муддатларда бажарилиши пул маблағларидан тўғри фойдаланиш имконини беради. Шунинг учун тулов хужжатларининг уз вақтида бажарилишини текшириш керак. Айрим холларда ҳисоб-китоб ишларини уз вақтида бажармаслик тегишли жарима суммаларининг келиб чикиш манбаи бўлиб колади, бундай холда аудитор тегишли жарима суммаларининг келиб чикиш сабабларини ва тегишли айбдор шахсларни аниқлаб чикади.

Улгуржи савдо ташкилотларида товар операциялари аудит қилинаётганда омборлардаги мавжуд товар-моддий қийматликларнинг моддий жавобгар шахслар томонидан тўғри сақланиши аниқланади. Бунинг учун аудитор омборлардаги товарларнинг турлари, ассортименти, нави ва партиялари буйича сақланишини бевосита омбор мудири, бош бухгалтер иштирокида омбордаги хакикий сақланаётган товарларни тасдиқловчи махсус ҳисоб карточкасидаги маълумотлар билан солиштириб хакикий холати текширилади. Текшириш натижалари махсус далолатнома билан расмийлаштирилади.

Товар номи	Нархи	Улчов бирлиги	**Артикули**	Ҳисоб карточкасидаги қолдиғи		Хакикий аниқланган омбордаги қолдиғи		Ортикча		**Камчикди**	
				Миқдори	суммаси	миқдори	Суммаси	миқдори	Суммаси	Миқдори	суммаси
1.Атла	500	м	012-	100	50000	10	50000	-	-	-	-
	450	-«-		200				-	-	-	-
2.Атла	500	-«-	043-	100	90000	20	90000	-	-	-	-
3.Бўз			0175		50000	10	50000				

Омборда ўтказилган текшириш натижасига кўра товарларнинг сақланиши қониқарли ва текшириш натижалари буйича ҳисоб карточкалари билан хакикий қолдиқ товарлар ўртасида фарқ аниқланмади.

1. Аудитор

_____ имзо

2. Улгуржи савдо ташкилотининг

бош бухгалтери _____ имзо

3. Омбор мудири

_____ имзо

Улгуржи савдо ташкилотларида товар муомаласи режасининг бажарилиши 4 – СБ шакл **«Улгуржи товар муомаласи ва товарлар қолдиғи тўғрисида ҳисобот»** шаклида олиб борилади. Бу шаклнинг узига хос хусусияти шундаки, режа кўрсаткичларининг бажарилиши уч ойлик буйича алохида-алохида кўрсатилади. Аудит ўтказилаётганда товар муомаласи режасининг бажарилиши шу шаклдаги ёзувларнинг 9020 **«Товарларни сотишдан олинган даромадлар»** счетидаги ёзувлар билан мос келиши текширилади.

Улгуржи савдо ташкилотларида товарларни сотиш режасининг бажарилиши биринчидан, товарларни уз вақтида товар олувчиларга етказиб бериш режасининг бажарилишига, иккинчидан, товар олувчи ташкилотлар томонидан тулов хужжатларининг уз вақтида туланишига боғлиқ. Шунинг учун аудиторлик текширувини ўтказишда товарларни омборлардан жунатиш режасининг бажарилиши текширилади.

8.5. Чакана савдо ташкилотларида товарлар харакатини текшириш.

Чакана савдо ташкилотлари халқ истеъмол товарларини истеъмолчиларга етказиб беради ва уларнинг истеъмол товарларига бўлган талабларини тула кондиришда бевосита иштирок этади.

Савдо дўкони ва бошқа савдо шохобчаларидаги мавжуд товарлар албатта белгиланган навларга, сифат буйича талабга жавоб бериши керак.

Чакана савдо ташкилотларидаги товарларни сифат, сон жихатдан тўлиқлигини таъминлашда, хар бир дўкон учун белгиланган товар захираларининг меъёрдаги холатини ва товарларнинг харакати билан боғлиқ бўлган муомалаларнинг уз вақтида тўғри расмийлаштирилганлигини аниқлашда аудит ўтказиш тартиби, қўлланиладиган усуллар, аудит манбалари буйича чакана савдо ташкилотларида аудит ўтказиш улгуржи савдо ташкилотларида аудит ўтказишга якиндир, лекин узининг айрим хусусиятлари билан улар бир-биридан фарқ қилади. Чакана савдо ташкилотларидан товарлар бевосита харидорларга етказилиб берилиши товарларни сотиш билан боғлиқ бўлган операцияларни ва савдо пулини тўғри ҳисоб-китоб қилиш, уларни моддий жавобгар шахслар зиммасидан камайтиришни тўғри ташкил қилиш билан боғлиқ. Аудит ишлари товар муомаласи режаларининг бажарилишини аниқлаш билан бошланади. Чунки чакана савдо ташкилотларида товар муомаласи режасининг бажарилиши асосий кўрсаткич бўлиб, бу кўрсаткич ташкилотнинг бошқа сифат кўрсаткичларига ҳам таъсир қилади.

Товар муомаласи режасининг бажарилиши текширилмаганда «Товарларнинг сотилиши» счетининг дебет ва кредит томонининг муомалалари «Касса», «Товарлар» счетининг муомалалари ва шу билан бирга «Товар муомаласи буйича махсус ссуда» счетидаги ёзувлар солиштириб текширилади.

Бухгалтерия ҳисоботларида товар муомаласи суммаси 4 – ҳисоботнинг чакана товар муомаласи бўлимида кўрсатилган бўлиб, аудит жараёнида ҳисоботда кўрсатилган товар муомаласи суммасини тегишли ҳисоб ёзувлардаги суммалар билан тенглиги текширилади.

Агар аудит ўтказилаётган ташкилотда товар муомаласи режасининг бажарилмаётгани аниқланса, унинг сабаблари, товар захираларининг холати тахлил қилинади. Айрим холларда ташкилот рахбарлари томонидан товар муомаласи режасининг бажарилиши тўғрисида калбаки маълумотлар берилиши мумкин, бундай холлар аниқланса, аудиторлик текшируви тугалланмасдан туриб аудитор бу хакда юқори ташкилот рахбарларига ёзма равишда маълумот бериши ва ҳисоб кўрсаткичларини, ҳисоботларни аудит даври буйича бошидан охиригача кўриб чикиши керак.

Аудитор ташкилотда товар муомалаларини текширишни асосан танлаб олинган холда олиб боради. Танлаб олинган холда аудит ўтказилаётганда хатоликлар аниқланса, ташкилот ва унинг дўконларидаги мавжуд товарлар тўлиқ инвентаризация қилинади ва аудит муддатини маълум вақтга узайтирилишини юқори ташкилот рахбарларидан талаб қилади.

Чакана савдо ташкилотларида товар муомалалари аудит қилинаётганда мол етказиб берувчи ёки улгуржи савдо ташкилотининг база ва омборларидан келган товарларни моддий жавобгар шахслар томонидан қабул қилиш тартиби, тегишли тулов хужжатларининг расмийлаштирилиши, товар ҳисоботларини уз вақтида бухгалтерияга топширилиши ва тегишли журнал-ордерларда тўғри кўрсатилиши текширилади.

Бухгалтерияда «Товарлар» счетининг «Чакана савдо ташкилотларидаги» илова счетидаги ёзувлар билан «Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар» счетидаги ёзувлар бир-бирларини солиштириш йули билан текширилади.

Чакана савдо ташкилотларида товар муомалаларини аудит қилиш ва товарлар тўлиқлигини таъминлашда, айникса, «Товарлар» счетининг «Чакана савдо ташкилотларидаги» илова счети билан моддий жавобгар шахсларнинг ҳисобларидаги қолдиқ суммаларининг бир-бирига тенглигини аниқлаш яхши натижалар беради. Шу билан бирга аналитик счетлардаги ёзувларнинг тўғрилиги ҳам бир вақтнинг узида назорат қилинади.

Аудит ўтказилаётган ташкилотда товар муомалаларининг тўғрилиги, моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари уз муддатида тўғри тузилиши ва бухгалтерияга топширилиши аудитор томонидан текшириб чиқилиши керак. Бундай текширишда товар ҳисоботида кўрсатилган кирим ва чиқим хужжатлари, касса ҳисоботларидаги ёзувлар бир вақтнинг узида текшириб борилади. Агар текшириш давомида дўконлараро товар муомалалари амалга оширилган бўлса, унинг сабаби, муомала мазмуни, ҳисоботларнинг тўғрилиги аниқланади.

Текшириш натижалари куп холларда сотилган товарларга тааллукли бўлган табиий камайиш меъёрларини тўғри аниқлашга боғлиқ. Бундай суммаларнинг тўғри ҳисобланмаганлигини билиш учун аудитор тузилган ҳисоб-китобларни текшириб кўриши, тегишли бухгалтерия ёзувларида акс эттирилганлигини аниқлаб чикиши керак.

Аудит жараёнида синган, истеъмолга яроқсиз товарлар учун тузилган далолатномаларнинг борлиги аниқланса, уларнинг тўғри тузилганлиги, комиссия аъзолари томонидан имзоланганлиги, айбдор шахсларнинг бор ёки йўқлиги аниқланади.

Кейинги йилларда савдо маданиятини яхшилаш, унинг илгор усулларини кенг жорий қилиш максадида уз-узига хизмат килувчи дўконларда сотилган товарларга қўшимча табиий камайиш меъёрлари белгиланган. Бундай меъёрларни сотилган товарлар суммасига нисбатан тўғри ҳисоб-китоб қилинганлиги ҳам текширилади. Бунинг учун аудитор уз-узига хизмат килувчи дўконларнинг товар айланмасини ҳисоблаб чикиши зарур.

Савдода товарларнинг бир ташкилот ичидаги харакатини назорат қилиш учун моддий жавобгар шахсларнинг товар ҳисоботи асосий манба бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун аудитор тузилган ҳисоботларни уз вақтида сифатли тузилганлигини билиш учун айримларини танлаб олган холда текшириб чикади. Агар текшириш натижасида товарларни бир дўкондан

иккинчи дўконга ўтказиш йуллари аниқланса, у холда бунинг сабабини, бу тўғрида ташкилот рахбарининг фармойиши борлигини тасдиқловчи хужжатларнинг тўлиқлигини аниқлаб, моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботларидаги ёзувларни бир-бирига солиштириш йули билан текширади. Агар товарлар мол етказиб берувчиларга қайтарилган бўлса, у холда қайтарилган товарлар учун келган суммаларни банкнинг кучирмаларига асосан аниқлайди.

8.6.Улгуржи ва чакана савдо ташкилотларида муомала харажатларини аудит қилиш.

Савдо ташкилотларида харажатларни камайтиришнинг асосий максадларидан бири, савдо қилишнинг илгор усулларини кенг жорий қилиш ва мехнат унумдорлигини оширишдир.

Муомала харажатлари ва молиявий натижаларни аудит қилиш барча кўрсаткичларнинг бажарилишини текшириш билан бирга олиб борилади.

Аудит ўтказишда қуйидаги манбалардан фойдаланилади. Аудит ўтказилаётган ташкилот муомала харажатларининг сметаси; кутилаётган молиявий натижалар; фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботлар ва тегишли ҳисоб рўйхатлари.

Муомала харажатлари аудит қилинаётганда харажатлар сметаси ва уларнинг уларнинг моддалари буйича тўғри ишлаб чикилганлиги ҳам текширилади. Харажатларнинг сметада кўрсатилган умумий суммаси товар айланмасига нисбатан фоиз ҳисобида кўрсатилади.

Савдо ташкилотларининг янгича хўжалик юритишга утиши муносабати билан харажатлар сметаси бевосита ташкилотнинг узида тегишли моддалар асосида ишлаб чиқилади.

Савдо ташкилотларида муомала харажатлари ва молиявий натижаларни аудит қилиш қуйидаги вазифаларни бажаради:

- харажатлардан тўғри фойдаланишни аниқлаш ва уларни камайтириш йулларини белгилаш;
- пул маблағлари ва моддий бойликлардан муомала харажатларини қоплаш учун ишлатилган кисмининг тўғрилигини текшириш;
- харажатларнинг белгиланган ҳисоб кўрсаткичларида тўғри акс эттирилишини ва уларнинг моддалари буйича аналитик ҳисобнинг тўғри юритилишини аниқлаш;
- харажатларни моддалари буйича ҳисоботларда тўғри кўрсатилганлигини текшириш;
- молиявий натижаларнинг тўғри аниқланиши ва ҳисоботларда кўрсатилишининг тўғрилигини текшириш;
- ташкилот рахбарлари томонидан харажатларни камайтириш ва ташкилот даромадлилигини ошириш учун олиб борган ишларининг тўғрилигини текшириш.

Муомала харажатлари ва хўжалик фаолиятини хужжатли аудит қилиш ташкилотнинг уз олдига қўйган режа кўрсаткичларининг бажарилишини текшириш билан бирга олиб борилади, чунки муомала харажатлари ва молиявий натижаларнинг микдорига режа кўрсаткичларининг ўзгариши таъсир қилади.

Муомала харажатлари аудит қилинаётганда, харажатлар буйича тузилган ҳисоботлар, уларни тасдиқловчи хужжатлар, синтетик ва аналитик ҳисобдаги ёзувларнинг тўғрилиги текширилади.

Муомала харажатларини сотилган товарларга тааллукли бўлган кисмини тўғри ҳисоб-китоб қилинганлиги ва уларни ҳисобот даврлари буйича тўғри таксимланганлиги текширилади ва харажатларни камайтириш имкониятлари белгиланади.

Харажатларни айрим моддалари буйича аудит қилиш.

Муомала харажатлари савдо ташкилотларининг турли хилдаги харажатлар йигиндисини уз ичига олади. Шунинг учун аудит ишларида хар бир қилинган харажатнинг максадга мувофиқ қилинганлиги, белгиланган сметага тўғри келишини аниқлаш учун уларни моддалари буйича аудит қилиш талаб қилинади. Харажатларни моддалари буйича аудит қилишда асосий максад уларни хўжалик учун максадга мувофиқ эканлиги, хужжатлар билан тўғри расмийлаштирилганлиги, харажатларни камайтириш ва ички имкониятларни ишга солиш каби чораларни аниқлашдир.

Харажатлар хар бир савдо ташкилотининг тузилиши, товар айланмаси структураси, товарлар ассортиментини ҳисобга олган холда хар бир модда буйича алохида-алохида режалаштирилади.

Савдо ташкилотларида муомала харажатлари аудит қилинаётганда уларни сметада кўрсатилган суммалар билан таққосланиб, фарқ суммалари аниқлаб чиқилади. Харажатларнинг сметага кўра бажарилиши текширилаётганда уларнинг хар бир моддаси хужжат харажати суммалари билан солиштирилиб, қилинган харажатларни хужжатлар билан таққослаб тўғрилиги текширилади.

Амалда муомала харажатлари аудит қилинаётганда асосан кайси моддалар буйича смета кўрсаткичларидан юқори харажатлар қилинган бўлса, уша моддалар текширилади.

Товарларни сақлаш, қадоқлаш, навларга ажратиш, ўраш ва совутиш тизимларини ишлатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар текширилаётганда хар бир харажат турига алохида аҳамият бериш керак, чунки харажатларнинг бу моддаси куп харажатларни узида акс эттиради ва хар бири ахолига сифатли савдо хизматини кўрсатиш билан боғлиқ. Товарларни сақлаш, кадоклаш, ураш билан боғлиқ бўлган харажатлар аудит қилинаётганда уларни белгиланган меъёрга тенг келиши текширилади. Айникса, навларга ажратиш натижаларини акс эттирувчи далолатномаларнинг тўғри тузилганлигини, кўрсатилган суммалар аниқ ҳисоб-китоб қилинганлигини аниқлаш зарур.

Муомала харажатларининг «Хар хил харажатлар» моддаси аудит қилинаётганда, хар бир харажатнинг иқтисодий мазмуни ва ташкилот

хўжалик фаолияти билан боғлиқлиги текширилади. Биринчи навбатда харажатларнинг турлари буйича тенг келиши аниқланади.

Шу билан бирга муомала харажатларининг бошқа моддаларига тааллукли бўлган харажатларнинг бу моддада кўрсатилганлиги текширилади.

8.7.Умумий хулоса.

Мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган янги иқтисодий тизим вужудга келмокда. Ушбу тизимнинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат: купмулкчиликнинг ривожланиши, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фаолият турларининг эркин танланиши, талаб ва таклифнинг устиворлиги, иқтисодиётнинг эгилувчанлиги, ташки иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши, ракобатнинг мавжудлиги, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш тамоилига тўлиқ амал қилишлик. Бозор иқтисодиёти мавжуд мулклардан купрок даромад ва фойда олишни такозо қилади. Эндиликда мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш факат самара келтириши керак. Бозор иқтисодиёти шароитида корхона ва ташкилотларнинг асосий мезони ҳам мулклардан самарали фойдаланиш туфайли олинадиган фойда билан белгиланади. Бундай натижага қабул қилинган қонун-коидаларга тўлиқ амал қилиш оркали эришиш мумкин.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва уни халқаро талаблар даражасига кутаришда савдо ташкилотларининг фаол фаолият кўрсатишлари ҳам мухим уринни эгаллайди.

Савдо ташкилотлари саноат ташкилотлари билан истеъмолчилар ўртасида воситачи ташкилот вазифасини бажарадилар. Демак, истеъмол товарларининг истеъмолчиларга уз сифатини йўқотмаган холда, арзон нархда етказиб берилишида савдо ташкилотларининг урни бекиёсдир.

Биз юқорида таъкидлаганимиздек, савдо ташкилотлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ холда фаолият кўрсатувчи икки турга ажралади. Булар улгуржи савдо ташкилотлари ва чакана савдо ташкилотларидир. Бу икки турдаги ташкилотларнинг узлуксиз ўзаро чамбар-час холда фаолият кўрсатиши иқтисодиётда истеъмолчиларнинг товарларга бўлган эхтиёжини уз вақтида кондириб борилишини таъминлайди. Шундай экан, узлуксиз фаолият кўрсатаётган савдо ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятларини назорат қилиб бориш зарур.

Иқтисодиётда бу жараён савдо ташкилотларини аудиторлик текширувидан ўтказиб туриш деб тавсифланади.

Мамлакатимиздаги барча ташкилотлар сингари савдо ташкилотлари ҳам бир йилда бир марта мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиб турилади. Бунинг мохияти шундан иборатки, бозор иқтисодиёти шароитида хар бир ташкилот юқори фойда олиш ва юқори рентабелликка эришишга интилиб фаолият кўрсатади. Бунинг учун барча ташкилотлар узларининг истикболларини белгилаган ҳолда, олдиндан узлари учун фаолият режаларини ишлаб чикишга ва шу режа асосида ишлашга мажбурдирлар, лекин табиийки, фаолият кўрсатиш жараёнида режадан четга чикишлар кузатилади. Бу ўринда қуйидаги савол туғилади: Ушбу режадан четга

чикишлар муайян корхонанинг якуний молиявий натижасига канака таъсир кўрсатди?

Юқоридаги саволга жавоб беришда аудиторнинг хулосасига бўлган эхтиёж вужудга келади.

Бозор иқтисодиёти шароитида аудитор корхоналарнинг нафакат хукумат томонидан ишлаб чикилган қонун-коидалар ва меъёрий хужжатларга катъий риоя килган холда фаолият кўрсатишларини текширади, балки корхоналарнинг истикболда юқори фойда олишга йўналтирилган режаларини ишлаб чиқишларида ҳам узининг мухим таъсирини кўрсатади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, савдо ташкилотларида аудиторлик текширувларининг уз вақтида ўтказиб турилиши ташкилотларнинг бефойда, ортикча харажатларни кискартириши ҳамда мамлакат доирасида ишлаб чиқарилган маълум қонун-коидалар ва меъёрий хужжатлар асосида юқори фойда олиб ишлашини таъминлайди.

8.8.Мавзуга доир калит сўзлар.

Аудит, аудитор, аудиторлик текшируви, аудиторлик ташкилоти, айланма маблағ, банк, банкдаги ҳисоб-китоб счети, бухгалтерия, бухгалтер, бош бухгалтер, бўнак, бўш идишлар, бўш идишлар инвентаризацияси, дўкон, журнал-ордер, жорий ҳисоб, жорий ҳисобот, инвентаризация, инвентаризация қайдномаси, истеъмолчи, истеъмол товарлари, касса, касса муомаласи, кассир ҳисоботи, касса дафтари, касса чеки, касса кирим ордери, касса чиқим ордери, лимит, лимит-забор карта, муомала харажатлари, молия-хўжалик фаолияти, моддий жавобгар шахс, моддий жавобгар шахс ҳисоботи, назорат-касса машинаси, омборхона, омбор ҳисоби, омбор варақалари, омбордаги товар қолдиғи, омбор мудири, пул, пул муомаласи, регистрлар, режа, реквизитлар, савдо, савдо тушуми, савдо айланмаси, савдо шаҳобчаси, савдо ташкилоти, товар-моддий бойликлари, товар-моддий захираси, товар айланмаси, товарлар қолдиғининг меъёри, транзит, улгуржи савдо, чакана савдо.

8.9.Талабаларнинг билимларини текшириш саволлари.

1. Савдо ташкилотларида аудит манбалари бўлиб қандай хужжатлар хисобланади?
2. Савдо ташкилотларида ҳисоб сиёсатини текшириш қандай бажарилади?
3. Савдо айланмасини текшириш усулларини аниқланг?
4. Чакана савдода инвентаризация ўтказиш тартиби қандай?
5. Улгуржи савдода инвентаризация ўтказиш тартиби қандай?
6. Товарлар қолдиғини меъёри қандай аниқланади?
7. Ялпи тушумни қандай аниқланади? Ялпи даромадничи.
8. Савдо ташкилотларида асосий воситаларга эскириш ҳисоблашни текшириш манбаси қайси хужжатлар ҳисобланади?

9. Савдо ташкилотларида омборларда ва бухгалтерияда ҳисоб юритиш тартиби қандай ташкил этилади?
10. Моддий жавобгар шахсни ҳисоботининг тўғри юритилишига ким масъул ҳисобланади?

8.10. Ахборот-услубий таъминот.

Адабиётлар рўйхати:

1.Каримов И.А. "Узбекистон иктисодий ислохатларни чукурлаштириш йулида". Т, Узбекистон, 1995 й.
2.Каримов И.А. "Узбекистон XXI аср бусагасида": Хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. Т, Узбекистон, 1997 й.
3.Каримов И.А. "Узбекистон буюк келажак сари". Т, Узбекистон 1998й.
4.Каримов И.А. "Миллий истиклол мафкураси - халк эътикоди ва буюк келажакка ишончдир". Т, Узбекистон, 2000й.
5. «Узбекистон Республикасида бухгалтерия хисоби тугрисида» ги конун. 1996й. 30 август.
6. Узбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги конуни (янги тахрири) 2000 й. 26 май.
7.«Махсулот (иш ва хизмат)лар тан нархига киритиладиган, махсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тугрисида» ги Низом.1999 й. 5 февраль. Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг № 54- сонли карори. (Вазирлар махкамасининг 2003 йил 11 июндаги 261-сонли, 16 июндаги 270-сонли, 15 октябрдаги 444-сонли қарорлари билан киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан).
8. Узбекистон Республикаси Бухгалтерия хисоби Миллий Стандартлари.
9. Аудиторлик Фаолиятининг Миллий Стандартлари Т.:-2003й.
10.«О совершенствование аудиторской деятельности и повышении роли аудиторских проверок» Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан. № 365. 22-сентября. 2000 г. г. Ташкент.
11. Волков Н. Г. Бухгалтерский учет и отчетность на предприятиях. – М. Дело и право, 1997г.
12.Вохидов С.В., Вохидов Т.С. Бошка тармокларда бухгалтерия хисоби. Т., -2004й.
13.Данилевский Ю. А. Мезенцева Т. М. Финансовий контроль в отраслях народного хозяйства при различных формах собственности. – М. «Финансы и статистика», 2001г.
14. Справочник аудитора. «Ассоциации бухгалтеров и аудиторов Республики Узбекистан», Т.: 2004г.
15.Ризакулов А., Нарзиев Р. Аудит. Т, «Катортол», 1999й.
16.Санаев Н.С., Р.Нарзиев Аудит. Т, «Шарк», 2001й.
17.Аудит 1-2 том., М.М. Тулоходжаеванинг умумий тахрири остида Тошкент, НАБиА РУз, 2004 й.

18. Основы аудита. 2-е изд. Макальская М. и др. М.:-2002г. (курс лекций с ситуационными задачами).
19. Аудит. ўқув қўлланма. Маматов З.Т , Нарбеков Д.Э , Шакаров К.А. Тошкент Ислом университети нашриёти, 2002 йил.
20. Аудит. практикум. Уч. пособие. Подольский В.И. и др. М.:-2004г.
21. Аудит учета расчетов по оплате труда. О. Ахалкаци. ЮНИТИ М.:-2004.
22.Практикум по аудиту. Уч. пособие под ред А.Д. Ларионова. М.:-2004.
23. Сборник задач по аудиту. И.В. Васильевич. М.:-2002.
24.Аудиторская проверка кассовых операций. Практическое пособие. Л Сотникова. М.:-2004г.